

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ХАЛҚ ИЖОДИ ЙЎНАЛИШИ**

**“ХАЛҚ ИЖОДИЁТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2019**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** ЎзДСМИ “Фольклор ва этнография” кафедраси мудири, профессор в.б., Ойгул Ахмедова

**Такризчилар:** ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи директори, фил.ф.д., профессор Жаббор Эшонқулов

ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими, фил.ф.д. Шомирза Турдимов

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Кенгашининг 2019 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

## МУНДАРИЖА

<b>I.</b>	<b>ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>3</b>
<b>II.</b>	<b>МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>9</b>
<b>III.</b>	<b>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>14</b>
<b>IV.</b>	<b>АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>39</b>
<b>V.</b>	<b>КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>46</b>
<b>VI.</b>	<b>МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	<b>81</b>
<b>VII.</b>	<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>82</b>
<b>VIII.</b>	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>84</b>

## КИРИШ

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Анъанавий халқ ижодиётининг ўзига хос хусусиятларини чуқур биладиган, мустақиллик даври ўзбек фольклорининг тараққиёт қонуниятларини теран англайдиган халқнинг маънавий эҳтиёжлари ва қизиқиш доирасини яхши тушунадиган, ҳаваскорлик ижодиётини ташкил қилиш, бошқаришнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини тўла ўзлаштирган малакали мутахассисларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар халқ ижодиёти йўналиши тингловчиларининг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблар ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали маданият соҳасидаги кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ижодий ва ташкилотчилик фаолиятини мунтазам юксалтириш, шунингдек, раҳбар ходимларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Ушбу дастурда халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятлари ва моҳияти, барқарор тараққиётни таъминлашда унинг ўрни, номоддий маданий меросининг асосий йўналиши бўлган халқ оғзаки ижодининг муҳофаза қилиш борасида ЮНЕСКО томонидан олиб борилаётган ишлар, ўзбек халқ насрининг ўрганилиши, фольклорда дoston жанри ва унга давлатимиз томонидан берилаётган эътибор, постфольклор ҳодисаси бўйича маълумотлар баён этилган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари:**

**Ўрганишдан мақсад:** Халқ оғзаки ижодининг жамиятимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрни, уни сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш, ушбу мероснинг аввалги ва замонавий ҳолатини солиштириш орқали унинг ҳозирги кунда қай даражада таълим тизимида ўрганилаётганлиги мисолида янги замонавий шакл ва услубларни амалиётга татбиқ этиш ва бошқаларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашдан иборат.

### **Модулнинг вазифалари:**

- Мустақиллик даври ўзбек фольклоршунослигининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш;
- Фольклорнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш;
- Фольклорнинг тур ва жанрлари билан танишиш;
- Фольклор санъатининг муҳофазаси билан боғлиқ халқаро ва миллий конунчилик, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни ўрганиш;
- Фольклор жанрларининг бугунги кундаги ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этишдан иборат.

### **Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **Тингловчи:**

- Мустақиллик даврида фольклор санъатининг ривожланишига сабаб бўлган асосий омилларни;
- Ўзбек фольклоршунослигига асос солиниши ва етук фольклоршунос олимларнинг илмий тадқиқотларини **билиши** лозим.

#### **Тингловчи:**

- Фольклор асарларини замонавий тенденциялар ёрдамида таҳлил этиш ва ёритиш;
- Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигидаги етакчи мактаблар ва методларини ўқув жараёнига инновацион усуллар ёрдамида тадбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- Халқ оғзаки ижодининг жанрлар тизими, ижро усуллари ва ғоявий-бадий принципларини қўлай олиш;
- Фольклор асарларининг тур ва жанрларга бўлиниши ва уларни қиёсий таҳлил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- Давлатимиз томонидан фольклор санъати ва миллий анъаналаримиз бўйича олиб борилаётган ислохатларни замонавий АКТни қўллаган ҳолда халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш;
- Фольклор жанрларини илғор педагогик методлар ёрдамида иш фаолиятида қўллай олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Халқ ижодиётининг замонавий тенденциялари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланиш мўлжалланган.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Халқ ижодиётининг замонавий тенденциялари” модули мазмуни ўқув режадаги бошқа ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда халқ ижодиёти йўналиши тингловчиларининг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модуль бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модуль мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			
			жумладан			
			Жами	назарий	амалий	
1.	Мустақиллик даври ўзбек фольклоршунослиги	2	2	2		
2.	Ҳозирги замон фольклоршунослигида етакчи методлар	2	2	2		
3.	Фольклорнинг тур ва жанрларга бўлиниши	4	4	2		

4.	Фольклорда мотив ва сюжет	2			2	
5.	Фольклор асарлар структураси	2			2	
6.	Эпос ва унинг илмий ўрганилиши	2			2	
7.	Ўзбек халқ насрининг ўрганилиши	2			2	
8.	Ўзбек халқ кўшиқларининг ўрганилиши	2			2	
<b>Жами:</b>		<b>16</b>	<b>16</b>	<b>6</b>	<b>10</b>	

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу: Мустақиллик даври ўзбек фольклоршунослиги.

Мустақиллик даврида миллий маънавиятимиз ҳамда кадрятларимизга берилгаётган юксак эътибор, фольклор миллий маънавиятимизнинг асосларидан бири эканлиги атрофлича ёритиб берилади. Мустақиллик даврида ўзбек фольклоршунлиги янги бир босқичга кўтарилганлиги, халқ ижоди намуналарини ёзиб олиш, таснифлаш, чоп этиш ва тадқиқ этишда эришилаётган ютуқлар, ўзбек фольклоршунослари олиб бораётган ишларнинг хорижлик олимлар томонидан этироф этилиши борасидаги маълумот ва тушунчалар берилади.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар фольклоршунослик фани бошқа кўпгина фанлар билан узвий боғлиқликка эга бўлиши билан бир қаторда этнография, тил, тарих, санъатшунослик фанларидан тамомила фарқли равишда ўзига хос хусусиятларга эгаллиги, фольклор санъатига хос бўлган оғзакилик, анъанавийлик, вариантлик, жамоавийлик ҳақида атрофлича маълумот ва тушунчалар берилади, фольклорга хос хусусиятлар бошқа санъат намуналарига қиёсан мавжуд мисол ва материаллар асосида таҳлил этилади.*

### 2- мавзу. Ҳозирги замон фольклоршунослигида етакчи методлар

Дунё фольклоршунослиги фольклорни тадқиқ этувчи кўплаб методлар, жумладан тарихий қиёсий метод, биографик метод, струкутарал, лентвопозтик метод ва руҳий таҳлил методлари хусусида маълумот ва тушунчалар берилади. Ҳар бир методнинг фольклор матнини тадқиқ этишдаги ўзига хос йўл ва услуби, ютуқ ва камчиликлари, ҳар бир методнинг халқ ижодининг у ёки бу жанрини тадқиқ этишдаги афзалликлари, бугунги ўзбек ва дунё фольклоршунослиги томонидан қўлланилаётган етакчи методлар тўғрисида тушунча берилади.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари ва унга хос хусусиятлар, таснифи масалалари тушунтириб*

*бериалди ҳамда улар қиёсан мавжуд мисол ва материаллар асосида таҳлил этилади.*

### **3-мавзу: Фолькорнинг тур ва жанрларга бўлиниши.**

Бадиий ижод намуналарининг тур ва жанрларга бўлиниши, лирик, эпик, драматик тураларнинг ўзига хос жиҳатлари, турли жанрларга бўлиниши, ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусияти, фольклордаги тур ва жанрларнинг ёзма адабиёт намунаси билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида тушунча берилади. Тур ва жанр асарнинг қайси адабий турга тааллуқлилиги, ҳажми ва образларининг қурилиши усули (рамзийлиги, мажозийлиги, ҳужжатлилиги) билан белгиланади.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар ҳаётий материални тасвирлаш характери, бадиий асар асосида ётадиган конфликт характери ва унинг ҳал этилиши, воқеалар баёнининг ким томонидан олиб борилишига қараб бадиий асарлар уч ката турга бўлиниб таҳлил этилади.*

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот. Фольклорда мотив ва сюжет**

Бутун билиш учун унинг кичик қисмларини билиш зарур бўлади. Бадиий ижод намунаси бўлган фольклор асарларининг мазмун-моҳиятини англаш учун ҳам унинг кичик бўлаги бўлган мотивларнинг таснифлаб олишимиз, уларнинг ўзаро бирикиб қандай сюжет ҳосил қилиши англаш лозим бўлади. Фольклор асарлари структурасида мотив ва сюжетлар муҳим ўрин тутаяди. Мотивлар ўзаро бирикиб, сюжетларни ҳосил қилади. Айни пайтда мотивлар фольклор асарларида тутган ўрни ва аҳамиятига қараб барқарор ва набарқарор мотивларга бўлиниши, уларнинг асар структурасида тутган ўрни, жанрий хусусиятлари хусусида билим ва тушунча берилади.

### **2-амалий машғулот. Фольклор асарлари структураси**

Фольклор намуналари ўзига хос қурилмаган эга. Бу қурилма ҳар жанрда ўзига тарзда намоён бўлади. Фольклорнинг йирик жанри ҳисобланган достон ва эртақлар структураси бошлама, воқелар ривожини, кульминация, якун - хотима билан алоҳида ажралиб туради. Бошламалар эртақ ва достонларда анъанавий қолип ҳолатига келган. Бошламалар одатда тугун вазифасини ўтайди ва воқелар ривожини юзага келтиради. Воқелар ривожини эса ўз навбатида кейинги воқеалар ривожини ҳамда кульминацион воқелар учун замин вазифасини ўтаайди. Фольклор асарларининг хотимаси қисми албатта яхшилик билан тугайди. Худди бошлама каби хотима қисми ҳам анъанавий қолип ҳолатида келади. Бу ҳолат эса фольклорга хос бўлган хусусият ва ўзига хосликни белгилаб беради.



### **3-амалий машғулот. Эпос ва унинг илмий ўрганилиши**

Ўзбек фольклоршунослигидаги халқ, дostonларини илмий ўрганишга багишланган асарлар тахлили. Х.Зарифов, М.Афзалов, Т.Мирзаев, М.Саидов, М.Муродов, А.Кдххоров каби олимларнинг эпосшуносликка оид илмий асарлари. Халқ дostonларининг ёзиб олиниши ва илмий тавсифланиши. Дostonлар таснифи. Ўзбек халқ, кахрамонлик эпоси «Алпомиш» дostonининг вариантлари, тарихий асослари ва поэтикаси. XX асрнинг 80-90-йилларида эпосшунослик. Мустақиллик йилларида ўзбек эпосшунослигининг тараққиёти. «Алпомиш» дostonи яратилганлигининг 1000 йиллигининг нишонланиши ва ўзбек халқ эпосининг ўрганишнинг янги босқичга кўтарилиши.

### **4-амалий машғулот. Ўзбек халқ насрининг ўрганилиши**

Ўзбек халқ насрини ўрганишнинг асосий юналишлари ва илмий натижалари ўзбек фольклорининг жанрлар таркибида насрий турга мансуб асарларнинг тутган ўрни. Халқ насри жанрларининг таснифи. Миф, эртақ, афсона, ривоят, латифа, накд, огаки дикоя каби жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари. Фольклоршуносликда насрий турга кирувчи асарларни туплаб, нашрга тайёрлаш ва чоп эттириш борасида амалга оширилган ишлар. Халқ насри жанрларининг генетик илдизлари, сюжет тўзилиши, мотивлар таркиби, образлар силсиласи ва бадий хусусиятлари. Б.Каримов, М.Афзалов, К.Имомов, М.Жураев, Т.Жалолов, Х.Эгамов каби эртақшуносларнинг тадқиқотлари. Ўзбек халқ афсоналарининг ўрганилишида К.Имомов, У.Жуманазаров, М.Жўраевларнинг ўрни. Халқ насрини тадқиқ этишнинг истиқболлари. Ўзбек халқ насрини ўрганиш ва тарихий қадриятларни тиклаш муаммолари.

### **5- кўчма машғулот. Ўзбек халқ кўшиқларининг ўрганилиши**

Кўшиқлар фольклорда энг қадимий ва энг бой жанрлардан бири ҳисобланади. Мақол, матал, топишмоқ билан бир қаторда халқ кўшиқларининг Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк» китобидан жой олиши ҳам бежизга эмас. Бу бир томондан халқ кўшиқларининг ўша олис даврларда ҳам ранг-баранг бўлганлигини, тарихий илдизлари жуда қадимий эканлигидан далолат берса, иккинчи томондан уларни таснифлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу маъруза доирасида ўзбек халқ кўшиқлари ва унга хос хусусиятлар, таснифи масалалари талабаларга тушунтириб берилади.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилятини ривожлантириш).

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1	Ассесмент тестларини ечиш	2.5	Ассесмент– 2.5 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### «АҚЛИЙ ҲУЖУМ»

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Намуна:** Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун фольклоршуносликдаги етакчи методларни қиёсий таҳлили. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлгани ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

#### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёниш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Фольклор		

Жанр		
Тур		
Анъана		
Вариант		
Версия		

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

**“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (ингл. бриэфинг-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

**Ўтказиш босқичлари:**

1. Такдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Тингловчилар томонидан яратилган мобиль иловаларнинг такдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

**«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган яқуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1- мавзу. Мустақиллик даври ўзбек фольклоршунослиги

##### Режа:

1. Мустақиллик даврида фольклор санъатининг ривожланишига сабаб бўлган асосий омиллар.
2. Фольклор миллий маънавиятимизнинг асосларидан бири сифатиди.
3. Мустақиллик даври ўзбек фольклоршунослигининг ўзига хос хусусиятлари.

**Таянч иборалар:** *фольклор, фольклоршунослик, мустақиллик, маънавият, тенденция, мослашув, вариант, версия, оғзакилик, жамовийлик, тур, жанр.*

Маънавият кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган тушунча эмас, у асрлардан буён халқимиз билан бирга яшаб, бирга тараққий этиб келаётган буюк бир қадриятдир. Инсон дунёга келган кунидан бошлаб, то ҳаётининг энг сўнгги лаҳзасигача ўзи мансуб халқнинг қадриятлари, анъаналари ичида улғаяди, камол топади. Ҳатто ўзини фольклорга бегона деб билган, бу атама таърифидан мутлоқ йироқ бўлган киши шу анъаналар ичида улғайган, унинг онги, шурри шу қадим анъаналари тасъсирида шаклланган бўлади.

Ҳар бир соҳанинг ўз тарихи бўлганидан, фольклоршунослик борасидаги изланишларнинг ҳам ўз илдизлари мавжуд. Бу изланишлар илдизи олис ўтмишга бориб тақалади. Маҳмуд Кошғарий замонидан то бугунги кунгача халқ оғзаки ижоди ҳақида нимаики айтилган, ёзилган бўлса буларнинг бари ўзек халқ оғзаки ижодини ўрганишга ўзининг муносиб улушини қушган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиш остонасида биринчи Президентимиз томонида кўплаб ҳаётбаш фармонлар билан бир қаторда, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва Наврўз байрамини қайта тикланиши халқимизнинг маънавий ҳаётида катта из қолдирди. Шубҳасиз, айтиш мумкинки, бугун мамлакатимиз иқтисодий, маданий соҳада нимаики ютуқларга, юксалишларга эришган бўлса, ана шу сайи ҳаракатларнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, тил миллат тафаккурининг шакллантирувчи бир мезондир. Тил ва тафаккур бир бирига боғлиқ жараён. Миллатнинг тил равнақи шубҳасиз унинг бадиий асарларида намоён бўлади. Халқ оғзаки ижоди ана шундай тафаккурни шакллантирувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Фольклор турли даврларда турлича ўрганилган, турлича ёндошувлар бўлган, бироқ мустақилликдан кейин у том маънода янгича мазмун ва моҳият кашф этди.

«Алпомиш»достонининг минг йиллиги алқаро миқёсда кенг нишонланди,«Ўзбекистон халқ бахшиси» деган унвон жорий этилди. Бу эса миллий маънавиятимизнинг асосларидан бири бўлган халқ ижодининг юксалишига хизмат қилди.

*«Алпомиш»достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир, –деб ёзади биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ўзининг «Юксак маъаният – энгилмас куч» китобида. – Агарки халқимизнинг қадимий вашонли тарихи туганмас достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади».*<sup>1</sup> Бу нафақт «Алпомиш» достонига, балки, бутун фольклор асарига, миллий –маънавиятимизга берилган юксак баҳодир.Шунинг ҳам мустақилликка эришганимиздан кейин фольклор миллий маънавиятимизни шакллантирувчи асосий омиллардан бири сифатида ўрганиб келинмоқда.

Мустақиллик давридан олдин фольклор асарлари ўрганилмаганми, нашр этилмаганми деган ҳақли савол туғилиши табиий. Ўрганилган, тадқиқ этилган ва нашр ҳам этилган. Бироқ, бу нашрлар мукамал нашрлар эмасди. Уларда кўплаб қисқартиришлар, бузиб талқин қилинишларга йўл қўйилганди.Биргина мисол: „Рустамхон” достонининг фольклор архивида сақланётган кўлёмасида Султонхоннинг фарзандли бўлиш олдидан туш кўргани шундай тасвирланади.„Султонхон ул кеча ётиб туш кўрди. У тушида шундай аён бўлди.Бу худой берган фарзандинг, Қурудум мамлакатига сафар қилсанг, ўн тўрт жил деганда бориб келсанг шу боланг туради, бўлмаса нобуд бўлади” ( Ҳоди Зарифов номидаги фольклор архиви. Кўлёмза, инв.№ 112 , 6-7 –бетлар.).

Бу туш мотиви Султонхоннинг Қурудум малакатиға сафарға чиқилишининг сабабини ҳамда туғилаётган фарзанд Рустамнинг оддий фарзанд эмас, - илоҳиёт билан боғлиқлигини кўрсатувчи муҳим бир жиҳатдир. Айтиш мумкинки, достон ана туш мотиви билан бошланади ва достон сўнгидаги воқеалар шу туш билан боғлиқ ҳолда кечади.Бироқ „Рустамхон” достонининг 1965 йиги ва 1985 йилги нашрларида бу мотив тушириб қолдирилган.Оқибатда Султонхоннинг сафарға чиқилиши ҳам ноаён бўлиб қолади.

Ёхуд кулёмзада: Кўролмайсан, билдим ёлғиз кўзингди,

Келгин сарсон опа, энди бирға жилайик, - дея Химчаойим Хуройимға мурожаат қилади.Бу мурожаатда,„Сарсон,саргордан,яъни аввора бўлган опа,келгин, бирға йиғлайлик ”, -дейилаяпти.Нашрда эса охирги мисра: „ Келгин, чопсон, опа , энди бирға йиғлайлик ” - тарзида берилганки, оқибатда чопсон сўзининг мисрадаги маъноси ноаниқ бўлиб қолган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фольклорни тадқиқ этиш борасида мафкуравий тазйиқ ва чегараланишлар таъсири яққол сезилиб туради. Шунинг учун мустақиллик даври фольклоршунослиги тамомила бир янги фольклоршунослиқдир.

<sup>1</sup> Ислоҳ Каримов. Юксак маънавият–енгилмас куч.–Тошкент:Маънавият, 2008. –Б.32-33.



Бугунги кунда ҳам фаол ижод қилиб келаётган Т.Мирзаев, О.Сафаров, О.Мадаев, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов каби фольклоршунос олимларнинг изланишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг қарори билан «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари»нинг 100 жилдлиги нашр этиш йўлга қўйилди. Бу лойиҳанинг амалга ошиши шубҳасиз мамлакатимиз маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлади.

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев китобхонликка, умуман маънавият масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Зеро, маънавият масалалари ҳамм даврда энг долзарб мавзулардан бири бўлиб келган. XX асар бошида маърифатпарвар жадидчилар тил, адабиёт ва тарбия масаласи ўз даври учун муҳимлигини урғулашган. Бу бежизга эмас, миллатнинг мавжудлиги, эркинлиги, озодлиги, тараққиёти унинг тилидан, тафаккури – маънавиятидан бошланади.

Биз бугун глобал жамиятда яшаймиз. Тилимизга, маданиятимизга, ўзлимизга бўлаётган маънавий таҳдид кўлами ҳам глобалдир.

Биз ҳар қанча маънавият тўғрисида қайғурмайлик, жон койитмайлик бизни қуршаб турган муҳит оммавий маданият таъсири остида экан, болаларимиз тили ва тафаккури шу маданият остида шаклланаётган экан бизнинг қилаётган барча уринишларимиз ўз самарасини бермайди. Шу маънода бугунги фольклорни ўрганиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Инсон маънавиятини юксалтиришда фольклорнинг ўрни ҳақида гап кетар экан, аслида бу жараён боланинг туғилишидан бошланади. Момоларимиз, оналаримиз айтган аллалар, эркаламалар, айтимлар, топишмоқлар, тез айтишлар, эртак ва қўшиқлар боланинг тили, дунёқарашининг шаклланишига хизмат қилади. Халқ ўйинлари эса боланинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан улғайиши учун муҳим омиллардан биридир. Бола ана шу қадим анъана ва қадриятлар ичида воя этади, бироқ бугунги глобал жамиятда улғайгани сари гўё бу муҳитга бегона бўла бошлайди. Бу бегоналик энг аввола ҳар қадамда ўз таъсир кучини кўрсатаётган оммавий маданият таъсиридан бошланади. Буларнинг барчаси маънавият равнақига эмас, аксига хизмат қилади. Бу муаммоларни бартарф этиш учун эса, таълим жараёнининг барча буғинларида, мактабгача таълимдан то олий ўқув юртида тил ўқитишда, ўрганишда фольклорга ва яна фольклорга қайтиб иш кўриш лозим бўлади.

Халқнинг тил бойлиги биринчи галда унинг фольклоридан намоён бўлади. Бирор бир халқнинг қандай халқлигини билиш учун унинг фольклорини ўрганиш зарур. Фольклорда халқнинг тил имкониятлари, мушоҳади тарзи, ижодий қуввати акс этган бўлади.

Оғзакилик, вариантлилик фольклорнинг ўзига хос хусияти бўлиб у халқ ижоди намуналари бевосита жонли ижро жараёни билан боғлиқ эканлигини урғулайди, яъни фольклор асарларига турғунлик хос эмас, у ҳар галги ижрода ўзгаради, янгиланади, бу эса бадиий тил имкониятларининг

юксак намоёиши демакдир.Шунинг учун айтиш мумкинки, фольклор - шунчаки сўз санъати намунасигина эмас, балки халқининг тил захираси, тушунча ва тафаккур тарзини бор бўй басти билан ўзида акс эттирган, олис ўтмишдан то бугунги кунгача жонли ҳолатда халқнинг ўзи билан бирга яшаб келаётган доимий ҳаракатдаги тарихи ва маданияти ҳамдир.

Фольклор асарларида биринчи навбатда мифологик тафаккурдан поэтик тафаккурга ўтиш жараёни акс этган экан, демак тил тарихини ўрганишда халқ ижоди намуналарига суяниб иш кўриш лозим бўлади. Тилдаги ҳеч бир сўз ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у зарурат туфайли тарихий таракқиёт жараёнида юзага келади ва ёки ўзлашади. Қачонлардир мифологик тасаввурни ифодалаган сўз кейинчалик ўзининг асл маъносини унутиб ёки дастлабки маъно қатлами хиралашиб, кейинги маъно қатламини юзага келтиради.Биздаги мавжуд эртақ, дoston, кўшиқ ва бошқа жанрлар таҳлилидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, фольклор асарларида кўпроқ халқимизнинг самовий жисмлар, ўсимликлар олами ва ҳайвонат дунёси билан боғлиқ энг қадимга тасаввурлари ўз ифодасини топган. Бу тасаввурлар тилимиздаги кўплаб сўзларнинг кириб келишига, образли бадий тафаккур тарзининг шаклланишига замин яратган.

Ўзбек тилидаги «Бўри» сўзи бугун қайсидир ўринда салбий маънодаги сўз сифатида, бугун кўчма маъносида ишлатилади. Бироқ дostonлариамизда доимий равишда келадиган «Чопинганда бўридай» мисарлари, жонли тилдаги «Бўрим, тулки» ибораси «Бўри» сўзининг юзага келиш илдизлари қадимий, тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ эканини урғулайди.

Аллома Ҳоди Зарифов «Фольклор асарларининг илмий илмий ва бадий қиймати уларнинг луғат бойлиги билан белгиланади» деган эди. Халқ дostonлари ўзбек тили тарихининг серқатламалилигини ва буёқдорлигини ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун халқ дostonларининг тилини тадқиқ этиш бир томондан тил тарихининг қадимий илдизлари ҳақида кенгроқ маълумот берса, иккинчи томондан ҳозирги замон ўзбек адабий тилини тўлақонли ўрганишда, уни бойитишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бахшиларимизнинг халқ тили имкониятларидан унумли фойдаланиши, ҳар галги ижрода бу бадий тил товланиши, унинг янгича мазмун ва моҳият кашф этиши эпик ижоднинг ўзига хос хусусиятидир. Чунки, халқ оғзаки ижоди оғзаки ижро этилгани учун эмас, балки оғзаки ижро жараёнида юзага келадиган санъат асари бўлгани учун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Бу эса жонли ижро жараёнини, яъни эпик ижод тилини билмасдан туриб унинг бадиияти ҳақида сўз юритиб бўлмаслигини кўрсатади.

Ўзбек тили ижод намуналарида тилимизнинг диалектологияси, лексикологиясига оида жуда кўп қимматли сўз ва иборалар мавжуд. Бу сўз ва ибораларни, айниқса халқ ижодининг гултожи ҳисобланган дostonларимиз тилини ўрганиш нафақт ўзбек тили, балки умумтуркий тил учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан дostonларимиз тили нафақт

фольклоршуносларимиз учун,балки тилшуносларимиз,барча тил ўрганувчилар учун улкан манба ва тадқиқот объекти бўла олади.

Фольклор асарлари лексикасини тадқиқ қилар эканмиз, биз унда ҳозирда истеъмолда бўлган шева ва архаик сўзлар билан бир қаторда бугунги кунда қадимий маъноси ўзгарган ёки унутилган сўзларни ҳам кўплаб учратамиз. Демак, адабий тил лексикасининг шаклланиши, ривожланиш ва ўзгариш босқичларининг хусусиятларини аниқлашда эпик ижод намуналари алоҳида ўрин тутаяди. Улардаги қадимий сўз ва бирикмаларнинг луғатини ўрганиш нафақат фольклоршунослик, балки тилшунослик олдидаги энг долзарб вазифалардан биридир.

Тилни ўргатишда фольклор асарларининг жанрий хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш талаб этилади. Достон, эртақ каби йирик эпик жанрлар тил тараққиётида қанчалик муҳим ўрин тутса, қўшиқлар, мақол, маталлар каби энг кичик жанрлар ҳам бирдек қимматли ва аҳамиятлидир.

Фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири, умуман сўз санъати ҳақида кетар экан, фольклор кўплаб санъатларнинг ибтидоси эканини, бадиий ижод, мусиқа, рақс ва тасвирий санъат илдизлари фольклор билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.Қайсики ижодкор фольклор анъаналари ичида яшаган, уни ўзига сингдирган бўлса ўша ижодкорнинг асари тил жиҳатдан ҳам, бадиийлик нуқтаи назаридан ҳам анча мукамал эканлиги кузатилади.Зеро,миллий онг ва тафаккурнинг шаклланишида бадиий асарнинг ўрни беқиёсдир. Юксак савияда ижро этилган ёхуд ёзилган ҳар қандай бадиий асар бу энг аввало тил ҳодисасидир.Она тилнинг энг гўзал жиҳатларини, нозик товланишларини намойиш эта олган асаргина мукамал асар ҳисобланади. Ҳар бир тилнинг ўзига хос миллий фазилатлари ва гўзалликлари бўлади. Ана шу фазилатлар ва гўзалликларни фақат юксак савиядаги асарларгина намойиш эта олади. Бундай асарда тил яна бир бор янгиланади, у яна бир юксак поғонага кўтарилади. Бундай асар тафаккурни янгилайди, тилга меҳр уйғотади, тилимизни ҳар хил бузилишлардан асрайди.

Халқимизнинг миллий тараққиётида, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий юксалишида фольклор, умуман бадиий сўз санъати ҳамиша таянч нуқта бўлиб келган. Зеро, фольклор бу миллатнинг қуввати, тириклиги ва буюклигидир.

Бугунги глобал жамиятда давлат чегаралари кўриқлангани, муҳофаза этилгани каби миллат тили ва тафаккури, эстетик диди ҳам худди шундай асраб авайланишга, қаттиқ ҳимояга муҳтождир.

*Фольклор атамасини* 1846-йилда инглиз олими Уильям Томс тақлиф қилган бўлиб, “халқ донолиги” деган тушунчани ифодалайди. Аслини олганда, фольклор деганда, халқ томонидан яратилган ҳамма санъат намуналари – меъморлик, наққошлик, ганчкорлик, зардўзлик, мусиқа, рақс, оғзаки адабиёт намуналари тушунилади. Ҳар бир санъат соҳасида иш олиб бораётган мутахассис ўзи танлаган турни “фольклор” деб атайдди. Масалан, мусиқачи халқ куйларини, хореограф халқ рақсларини, архитектор халқ меъморчилигини, фольклоршунос олим халқ достонлари, эртақларини

фольклор асари деб ҳисоблайди.<sup>2</sup>

Дастлабки вақтларда “эл адабиёти”, “халқ адабиёти”, “оғзаки адабиёт”, “оғзаки ижоди” деб юритилиб келинган ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди илк бор Ҳ.Зариф (1934-35 йиллар) тамонидан қўлланилган “фольклор”, “Ўзбек фольклори” сифатида кенг оммалашди.

Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди кўплаб жанрлардан таркиб топган оғзаки сўз санъати намуналари бўлиб халқ ҳаёти, тарихи, орзу интилишлари, дунёқарашларини бадиий тарзда ўзида акс эттиради, ижро этилади ва ижро жараёнида оғиздан-оғизга, авлоддан –авлодларга ўтиб келади.

Фольклор – синкритик хусусиятга эга бўлиб, барча санъат турларига хос элементларни ўзида мужассамлаштирган, сўз, куй ва маълум турларида рақс уйғунликда ижро этилади.

Фольклорда халқ ҳаёти, тарихи, тақдири бадиий акс этади. Фольклор асарлари мағзида халқнинг дунёқарашлари, ибтидоий мифологик тушинчалардан мукамал диний эътиқодига бўлган тушинчалар тадрижий равишда бўй кўрсатади.

Фольклор асарлари сўз санъати сифатида ўзига яқин ёзма адабиёт намуналари ва санъатнинг бошқа турларидан бир қатор хусусиятларига кўра алоҳида ажралиб туради. Фольклорга хос бу хусусиятлар аввало унинг *жамоавий* (коллектив) ижод эканлигида, шу сабабли ҳам фольклор намуналарининг муаллифи халқ оммаси ҳисобланади, уларнинг аниқ ижодкори номаълум – *анонимлик* уларга хос ва халқ орасида авлоддан-авлодга *оғзаки* тарзда ўтиб тарқалади, оғзаки ижод этилиб, ижро қилинади, ижро ва ижодда *анъаналарга* риоя этилиб, ижро жараёнида *вариатларга* ва даврлар ўтиб *версияларга* эга бўлади. Ушбу асосга кўра фольклорга хос хусусиятлар сифатида *жамоавийлик*, *анонимлик*, *оғзакилик*, *анъанавийлик*, *вариатлилик* ва *версиявийлик* кўрсатилади.

*Жамоавийлик* – ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди халқ томонидан яратилади. Аммо, жамоавийлик шахсий ижодкорлик имкониятини инкор қилмайди, аксинча, уни зарурий дастлабки шарт сифатида қамраб олади. Табиатда томчилардан жилғалар, жилғалардан дарёлар пайдо бўлишини кўрамиз, бироқ дарёдан бир ҳовуч ёки бир ариқ сувни ажратиб, бу фалон жилғанинг суви дейиш мумкин бўлмаганидек, анъанавий халқ кўшиғи, достони ёки эртагидан бир банд ёки қисмни ажратиб бирор индивидуал ижодкорга нисбат бериш қийин. Аммо бу ижодкор, албатта, бўлган. Халқ ижоди намуналари ана шундай коллектив ижод маҳсули бўлганлиги учун асарларнинг бош қаҳрамони ёки «мен»и ҳам ўз характери жиҳатидан ёзма ва оғзаки адабиётда сезиларли фарқланади. Фольклорнинг қаҳрамони типик ҳолатга келган умумий “мен” га том маънода халқ оммасига тенгдир.

Халқ турмушининг, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг такомиллаша бориши, инсон тафаккурининг мифологик тафаккурдан мифопоэтик ва бадиий-эстетик тафаккурга ўтиш жараёнида алоҳида ижрочилар – кўшиқчилар, эртақчилар, бахшилар, қизиқчилар ва бошқа ижодкорлар, ижро

<sup>2</sup>Introduction to Folklore. London, 2008. Page7

мактаблари, устоз ва шогирдик муносабатлари пайдо бўлди. Халқ орасида ўз иқтидори ижро санъати билан ажралиб турувчи: Тилла кампир, Султон кампир, Жалмон бахши, Бўрон шоир, Жуманбулбул, Жассоқ шоир, Хонимжон халъфа, Биби шоира, Суяв бахши, Амин шоир, Йўлдошбулбул, Султонмурод, Қурбонбек, Хидир шоир, Йўлдош шоир, Суяр шоир, Шерна юзбоши, Мулла Холназар, Ҳайбат соқи, Қундуз соқи, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан Жонмурод ўғли, Ислон Назар ўғли, Нурмон Абдивой ўғли, Саидмурод Панох ўғли, Абдулла шоир, Умир шоир, Холёр Абдукарим ўғли, Бола бахши, Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир Раҳим ўғли ва бошқа намаёндалар етишиб чиқди. Бу хил ижодкорларнинг таланти, иқтидори, меҳнатлари туфайли коллектив даҳоси билан яратилган асарлар авлоддан авлодга ўтди, сайқалланди, юксак бадиий даражага етди, фольклорнинг мумтоз намуналари бизга мерос бўлди.

*Анонимлик* – фольклор асарлари муалифининг ноаниқлиги – анонимлиги (*грек. Анонимис – номаълум*) билан ажралиб туради. Фольклорда бирор бир муаллиф йўқ. Халқ достоними, эртақми ёки маросим қўшиғими уларни ибтидода ким ва қачон яратгани аниқ эмас. Ҳар бир асар авлоддан авлодга ўтар экан вақт ва замон талабларига кўра маълум ўзгартишларга учраши мумкин, лекин унинг асоси, аънаналари ўзгаришсиз келаверади. Фольклорда бирор бир асарни кимдир даслаб яратган бўлиши мумкин, лекин бу асар сюжети, тасвир воситалари, оҳанг йўллари халқ оғзаки ижоди аънаналарига таяниб ижод этилса, у фольклор асари бўлиб қолади. Вақтлар ўтиши давомида халқ ижрочилари тамонидан янада ишлов берилиб, чинаккам фольклор намунасига айланади.

*Оғзакилик* – халқ ижодиётининг яшаш ва яратилиш тарзи. Фольклор халқнинг хотира манбаидан, хотиранинг оғзаки авлоддан авлодга, оғиздан оғизга кўчишидан пайдо бўлади. Бу ўринда умум фольклорий билим ва фольклор аънаналари асос вазифасини ўтайди. Хотира манбаи ва фольклорий билим бир ёки бир неча шахсларгагина тегишли бўлмай, бутун бир халқнинг билим ва аънаналаридан иборат бўлади. Бу билим ва аъналар устоздан шогирдга, авлоддан авлодга, уруғдан уруғга ўтиб, янги давр руҳида, янги ижрочилар ва ижодкорлар салоҳиятидан сайқал топиб яшайди. Бу хил сайқалланиш у ёки бу фольклор асарининг шакли ва мазмунига қандайдир ўзгариш киритиши – ниманингдир қўшилиши ёки тушириб қолдирилишида бўй кўрсатади. Айтайлик бирор бир тарихий фактнинг унитилиши сабабли асардан тушиб қолиши мумкин. Ёки достондаги қўшиқ қисмининг унитилиши унинг эртақ шаклида яшашини таъин этса, аксинча бирор бир талантли ижодкор ижроси сабабли эртақ сюжети асосида янги достон пайдо бўлиб аъна кўринишини олиши мумкин. Бу ҳолатлар оғзакиликнинг жонли ҳаракатдаги жараёни сифатида фольклорнинг яшаш тарзига хос белгилари ҳисобланади. Зотан фольклор оғиздан оғизга ўтиб ўтиб яшаса, адабиёт ёзув воситасида яшайди. Фольклор асари оғзаки ижро этилиб қуйланса, адабиёт эса фақат ўқилади.

*Аънавийлик* – фольклорнинг ўзига хос яшаш тарзини, услубини,

ифода воситаларини таъмин этувчи етакчи белгиларидан ҳисобланади. Фольклор том маънода анъаналар санъатидир. Анаъанавийлик халқ ижодида у ёки бу асар матнининг, ижро усулларининг оғиздан оғизга ўтиш жараёнида нисбатан барқарорлигини англатиб қолмайди, балки ўша асарнинг авлоддан авлодга ўтиш жараёнида дастлабки ижрога хос хусусиятларини нисбатан ўзгармаган ҳолда сақлаб қолганини ҳам англатади. Анъанавийлик – жамоавий ижод маҳсули ва яшаш тарзи, шу билан бирга фольклорнинг фольклор асарини жамоавий ҳолда сақлаб қолишнинг ҳам ўзига хос шакли, омили ҳисобланади. Оғзакилик фольклорнинг ижро усули ва яшаш тарзи бўлиб, ўз навбатида, хотирада ижрочидан улкан хотирани, ёддан айтишни, эсламоқни, вазиятга мос тайёр шакл ва ифода воситаларини бадиҳа қилишни тақозо этади. Бу ўринда фольклордаги анъанавийлик энг қулай ва ишончли қувват захираси ҳисобланади. Ўзбек бахши-шоирлари орасида кўплаб анъанавий дostonларни, қанчадан-қанча термаларни билган, куйлаган, яна ўзи тўқувчи – бадиҳагўйларнинг борлиги – шу анъанавий эҳтиёж эҳтиёжнинг ҳосиласидир. Анъанавийлик халқ мусиқаси, рақси ва амалий санъатининг ҳам ўзига хос белгиси саналади.

Анъанавийлик ўзининг ижтимоий-тарихий манбаларига эга. Фольклорнинг илк намуналари ибтидоий жамиятда яратилган, уларда ўша даврга хос дунёқарашлар, урф-одатлар излари аниқ сезилади. Бу ҳол фольклор асарлари шакли, сюжети, образлари ва мотивларининг муайян барқарорлик касб этишининг маҳсули ҳисобланади. Масалан: бадик, кинна, бурай-бурай жанрлари шунингдек “Суст хотин”, “Чой момо”, “Барот келди” маросимлари айтимларида бу ҳолатни кузатишимиз мумкин.

*Вариантлик ва версиявийлик* – фольклор намуналарининг ҳар бир ижроси ўзига хос вариант ҳисобланади. Фольклор асари ижро жараёни давомида қайтадан яратилади, янги яшаш ҳолатига киради ва бу ҳолат ўзига хос вариантни пайдо этади. Яъни Фольклор ижро жараёнида хилма-хил вариантларда яшайди. Вариантлик фольклорнинг яшаш тарзи. Вариантлик фольклор табиати, унинг яратилиши ва жонли оғзаки ижодда яшаш қонуниятларидан келиб чиққан хусусият бўлиб, у фольклор асарларининг сюжети, образлилиги, поэтикаси, жанр хусусиятларини тўла камрайди. Вариант – маълум бир асарнинг жонли оғзаки эпик анъана заминида вужудга келган, бир-бирини инкор этмасдан ёнма-ён яшай оладиган ва ўзаро фарқланувчигурли туман нусхаларидир. Варианда асар сюжети, мотивлар тартиби, қаҳрамонлар ҳаракатида умумийлик бўлиб фақат уларни талқин этишда, тасвирлашда, ифода шаклларида маълум бир фарқлар бўлиши мумкин. Ижодкор вазиятга кўра уёки бу мотив тасвирини чўзиши ёки қисқа шаклда куйлаши ёки тушириб қолдириши мумкин.

Вариант фольклор асарларининг оммавийлигини аниқлашда, тарқалиш чегараларини белилашда, фольклорда кечаётган ўзгаришларнинг сабабларини ўрганишда ва ижро жараёни билан боғлиқ қонуниятларни тадқиқ этишда бой материаллар бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Вариантликнинг муҳим бир хусусияти маълум бир версия ичида

мавжуд бўлишидир. Версия моҳиятан бирмунча кенг ҳодиса бўлиб, бирор бир асарнинг турли талқинларда, композицион қурилишда, баъзан қаҳрамонларнинг ўзгача номланишида келувчи ягона сюжет ва жанр доирасидаги намуналарини ўз ичига олади. Версиялар маълум бир уруғ ва қабилаларнинг турли жойларга тарқалиб, турли ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлини босиб ўтиши у ёки бу асарнинг ўзаро ёнма-ён, қўшни яшаётган турли халқлар орасига ёйилиши сабабли пайдо бўлади. Масалан “Алпомиш” ва “Гўрўғли ” дostonларининг қариндош ва қўшни халқлар орасида мавжуд версияларини келтириб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда бугунги ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда, маънавиятини юксалтиришда кўплаб усуллар, воситалар, методлар мавжуд. Бироқ бу усул ва методлар биринчи навбатда сўз санъатининг ибтидоси саналган фольклор намуналарига суянилган ҳолда амалга оширилса, янада самарали ва таъсирчан бўлади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Мустақиллик даври фольклоршунослиги деганда нимани тушунаси?
2. Нима учун халқ ижоди намуналарига миллий маънавиятимизнинг асосларидан бири сифатида қаралади?
3. Мустақиллик даври фольклоршунослигига хос жиҳатлар хусусида сўзлаб беринг.
4. Фольклор ва оммавий маданият масалаларига муносабатингиз?
5. Фольклорнинг бугунги кун ёшлар табиясидаги ўрни ҳақида сўзлаб беринг.
6. Бугунги кунда нима учун айнан китобхонликка, маънавиятга кўпроқ аҳамият берилаётганининг сабабаларини тушунтиринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Жўраев М. Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технологиялар” -2018. 192 б.
2. Б.Сайфуллаев, С.Йўлдошева, Ж.Эшонқулов, А.Аширов, Ў.Тошматов. Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. Ўқув қўлланма. Т.: “Наврўз”-2017. 214 б.
3. М.Жўраев. Фольклоршунослик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан” – 2008.
4. Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Т.: “Алоқачи” - 2008. 560 б.

## 2-мавзу. Ҳозирги замон фольклоршунослигида етакчи методлар

### Режа:

1. Фольклорнинг ўрганилиш тарихи.
2. Фольклоршунослик мактаблари.
3. Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигидаги етакчи мактаблар.

**Таянч иборалар:** *қиёсий типология, структурал таҳлил, морфологик қонун, картографик метод, этник.*

**Қиёсий – типологик метод.** Маълумки, қиёсий фольклоршунослик анъанавий компаративистика(яъни қиёсий адабиётшунослик)нинг таркибий қисмларидан биридир. Бундай тадқиқот методи асосида этник келиб чиқиши, лисоний мансубияти, жўғрофий ўрни ва маданий-иқтисодий анъаналарига кўра бир-биридан фарқланувчи халқлар фольклоридаги муштарак сюжетларнинг юзага келиш қонуниятлари ўрганилади. Турли халқлар фольклори ўртасидаги алоқаларнинг бир неча типлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам фольклор асарларини илмий тадқиқ этишнинг кенг тарқалган ва самарали методларидан бири “қиёсий-типологик метод” ҳисобланади. “Қиёслаш” деганда муайян фольклор жанри, эпик сюжет, мотив ёки образни бошқа халқлар оғзаки бадиий ижоди материаллари билан солиштириб, таққослаб ўрганиш асосида ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли хусусиятларни аниқлаш назарда тутилади.

Француз олими Арнолд Ван-Геннеп “Дин, одатлар ва афсоналар” номли беш жилдлик асарининг 1908 йилда чоп этирилган 2-жилдидаги этнографиянинг тарихий тараққиёти ҳақидаги мақоласида фольклоршуносликдаги тарихий ва қиёсий методларни бир-биридан фарқланувчи усуллар сифатида баҳолаган. У тарихий метод ҳодисаларни муайян хронологик тартиб асосида баҳолайди ҳамда ёзма материаллардан фойдаланган ҳолда ҳужжатлилиқка таянади; қиёсий метод эса замоний ва маконий жиҳатдан абстракт ҳолатда иш кўради ҳамда оғзаки манбаларни ҳам жалб қилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам тадқиқот предмети ўзгармаслиги бу методлар муваффақиятли қўлланилиши мумкинлигини кўрсатади.

Жўғрофий ўрнига кўра бир-биридан олисда жойлашган ва лисоний мансубиятига кўра турли хил тиллар оиласига кирадиган халқлар фольклоридаги поэтик элементлар муштараклиги типологик ўхшашлик намунаси ҳисобланади. Х.М. ва Н.К.Чадвиклар полинезияликларнинг маданий қаҳрамон ҳақидаги мифлари, Сибирда яшовчи туркий халқлар эртаклари, антик, қадимги герман ва келт қаҳрамонлик дostonлари, рус ҳамда жанубий славян эпоси сюжетини ўзаро қиёслаб ўрганиш асосида, таҳлил этилган матнларнинг бадиий қурилмасида типологик муштараклик мавжудлигини аниқлашган. Уларнинг фикрича, турли халқлар фольклоридаги бундай типологик муштараклик “адабий анъананинг



параллел ривожини” ҳамда “турмуш тарзи ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларнинг ўхшашлиги” натижасида юзага келади.

Ўрта аср Европа эпоси сюжетини туркий ва мўғул халқлари фольклори билан қиёслаб ўрганган Г.Н.Потанин типологик алоқаларни тизим сифатида таҳлил қилиш муҳим назарий хулосалар чиқаришга асос бўлишини қайд қилган эди.

Генетик-контакт алоқалар назарияси словак олими Д.Дюришин томонидан илгари сурилган бўлиб, миллий адабиётлардаги муштараклик бадиий тафаккурнинг тарихий ривожини ҳамда адабий анъаналарнинг ўзаро таъсири доирасида текширилади.

Ўзаро адабий таъсир ёки адабий алоқаларнинг сюжет ривожини таъминлашда бадиий-эстетик ўрнини белгилаш ҳам қиёсий фольклоршуносликнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. А.Н.Веселовскийнинг ёзишича, у ёки бу миллий фольклордаги муштарак мотивлар ўз-ўзидан юзага келади. Аммо мотивлар тизимидан ташкил топган эпик сюжетлардаги ўхшашлик адабий ўзаро таъсир натижасида ҳосил бўлиши ҳам мумкин<sup>3</sup>. Ҳар қандай адабий таъсир ва ўзаро алоқалар тарихан асосланган ижтимоий заминга эгадир. Икки халқ фольклорининг ўзаро бири-бирига таъсири муайян ижтимоий заруратдан келиб чиқадиган эстетик эҳтиёжга боғлиқ бўлади. Ана шу эстетик қонуниятларга суянган ҳолда дунё халқлари фольклори эпик сюжетларининг Ўрта Осиё туркий халқлари оғзаки ижодиётида оммалаштириш жараёнини таҳлил қилиш, образ ва мотивлар эпик табиатида рўй берган функционал-семантик ўзгаришларни аниқлаш мумкин.

А.Н.Веселовский ўзининг ўзаро адабий таъсир ҳақидаги қарашларини ривожлантира бориб, адабиётлараро ижодий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири - “қарши оқим назарияси”ни илгари сурган эди. Адабий жараённинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланган “ўзаро ижодий ўзлаштириш деганда қандайдир бўшлиқда муайян бадиий элементнинг пайдо бўлишини эмас, балки ижодий анъаналарнинг “қарши оқими”ни, тафаккур усулининг ўхшашлиги ва оламни фантастик идрок этиш асосида туғилган образлар муштараклиги назарда тутилади”.

Бу назариянинг туб моҳияти (қолаверса, бу фикр компаративистларнинг асосий назарий хулосаларидан бири ҳам эди) жаҳондаги турли-туман халқлар фольклоридаги сюжетлар генетик жиҳатдан ягона эпик ўзакка бориб тақалишини асослашдан иборат эди. Демак, турли халқлар фольклоридаги эпик сюжетлар муштараклигининг юзага келишига мифологик тасаввурлар асосида шаклланган илк сюжетлар тизими асос бўлган.

Қиёсий адабиётшунослик борасида олиб борилган изланишлар ўзаро адабий таъсир ва ижодий ўзлаштириш масаласини фольклор материаллари асосида текширишнинг кенг имкониятларини очади. Бинобарин, ўзбек фольклорининг дунё халқлари оғзаки ижоди анъаналари билан ижодий алоқалари, хусусан, ўзбек-араб фольклор алоқалари тизимида сюжет кўчиши

---

<sup>3</sup> Веселовский А.Н. Историческая поэтика. - Л., 1940. С.500-502.

ходисасининг юзага келиши, бу эпик жараённинг ўзига хос эстетик қонуниятлари ва тарихий-гадрижий ривож масалалари фольклоршунослар томонидан эндигина ўрганилмоқда. Ҳолбуки, ўзбек халқ эртақлари, афсона ва ривоятлари, халқ китоблари ва мифологик тасаввурларида араб фольклоридан ўтган катта эпик қатлам мавжуд. Тарихан араб фольклорининг сюжет тизимига мансуб бўлган бу эпик қатламнинг ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди эстетик анъаналари доирасига трансформацияланиш қонуниятларини очиш эса тарихий-фольклорий жараённинг етакчи хоссаларини аниқлаш имконини беради.

Таниқли эпосшунос В.М.Жирмунский ўзининг мағрибу машрик адабиётларининг қиёсий тадқиқига доир илмий асарларида миллий адабиётлараро алоқаларнинг тарихий илдизларини сиёсий-иқтисодий тараққиётнинг муштараклигига боғлаб ўрганган. У ўзидан бурунги адабиётшуносларнинг ижодий тажрибаларини умумлаштиргани ҳолда адабий компаративистикада янги бир йўналиш - системали-типологик алоқалар назариясини яратди. Унинг фикрича, “қиёслаш”нинг ўзи фольклоршунослик методи бўла олмайди. Чунки метод – илмий тадқиқот ишининг ўзига хос назарий мезони бўлиб, у ёки бу илмий мактабнинг қарашларини ўзида ифода этади. Шунинг учун ҳам “қиёслаш” нафақат фольклористик, балки тарихий йўналишдаги тадқиқотлар учун ҳам зарур бўлган усуллардан саналади. Олим ўзаро қиёсланаётган ҳодисаларнинг моҳияти ва мақсадидан келиб чиқиб, тарихий-қиёсий тадқиқотнинг қуйидаги аспектларини ажратиб кўрсатади:

1) адабий ҳодисаларни оддий солиштириш, таққослаб ўрганиш тарихий-қиёсий йўналишдаги ҳар қандай илмий тадқиқотнинг асосини ташкил этади. Масалан, тилшуносликда француз ва инглиз тилидаги феъл сўз туркумини ёки рус тилидаги феъл шакллариини ўзбек тилида ифодалашнинг грамматик воситаларини таҳлил қилиш ўз-ўзидан қиёсий тадқиқот олиб боришни тақазо этади;

2) тарихий-типологик йўналишдаги қиёслаш ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичларидаги ўхшаш шарт-шароитлар ва тафаккур тарзидаги ўхшашлик туфайли юзага келган, яъни генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлмаган муштаракликларни тадқиқ этади;

3) тарихий-генетик йўналишдаги қиёсий тадқиқот натижасида этногенетик жиҳатдан келиб чиқишида умумийлик бўлиб, кейинчалик алоҳида-алоҳида ҳолда тараққий этган этнослар маданияти ўрганилади;

4) дунё халқларининг ўзаро маданий алоқалари, бир-бирига таъсири ва адабий “ўзлаштирмалари” натижасида юзага келган муштаракликларни аниқлашга қаратилган қиёсий тадқиқот бу типдаги ўхшашликларнинг генетик илдизлари ҳамда бу ҳодисаларнинг шаклланиши учун зарур бўлган ижтимоий тараққиёт қонуниятларини ўрганади.

Ўзбек фольклоршунослигида қиёсий-типологик метод асосида бир қатор илмий тадқиқотлар яратилган. Атоқли фольклоршунос олим Ҳ.Т.Зарифовнинг ўзбек халқ дostonларининг тарихий асосларига доир

тадқиқотларида, М.Афзалов, Ғ.Жалолов, К.Имомов, Х.Эгамовларнинг ўзбек халқ эртакларининг жанр хусусиятлари, генезиси ва бадииятига доир илмий асарларида, шунингдек, М.Саидов, М.Муродов, Т.Мирзаев, С.Рўзимбоев, Ҳ.Абдуллаевларнинг дostonчилик анъаналари, дostonлар сюжети ва образлар таркибини ўрганишга бағишланган ишларида ўзбек фольклори асарларини Марказий Осиё ва ҳатто, жаҳон халқлари оғзаки бадиий ижоди намуналари билан қиёсий таҳлилга тортиш тажрибаси фаол қўлланилди. Ўзбек фольклоршунослари фольклори асарларини ўрганишнинг қуйидаги методларини тавсия этади:

а) *“маълум бир халқ фольклори, унинг алоҳида жанрларини қиёсий-типологик ўрганиш”*. Қиёсий-типологик йўналишдаги тадқиқотнинг бу методи маълум бир халқ фольклоридаги эпик жанрларга хос ўхшаш сюжет, мотив, образ каби эпик компонентларни ўзаро солиштириш асносида умумий ва ўзига хос жиҳатларни аниқлаш имконини беради;

б) *халқаро қиёсий-типологик ўрганиш*. Бу тадқиқот методи воситасида генетик келиб чиқиши муштарак ришталарга бориб тақалувчи, ўзаро қардош (масалан, туркий) ёки этник жиҳатдан қариндошчилик алоқалари мавжуд бўлмаган бир неча халқлар (масалан, туркий ва славян, туркий ва форс-тожик) фольклоридаги ўхшашликларнинг юзага келиш сабаблари, бу халқлар ўртасидаги фольклор алоқаларини ўрганиш асосида муайян халқ оғзаки бадиий ижодининг миллий ўзига хос жиҳатлари ҳамда жаҳон халқлари фольклорига хос умумий белгилари аниқланади.

в) *қиёсий-этнографик ўрганиш*. Бу метод ёрдамида фольклор материалларини этнографик, археологик манбалар билан чоғиштириб ўрганиш натижасида халқ ижоди намуналарининг генезиси ва яратилиш даврини аниқлашга доир муҳим хулосалар чиқарилади.

г) фольклор асарларини маданий ёдгорликларга қиёслаб, *лингвистик тадқиқ этиш*. Бунда ҳар бир халқнинг фольклор асарлари ўша халқнинг қадим аجدодлари томонидан яратилган адабий-лисоний ёдгорликлар (масалан, “Авесто”, “Девону луғотит турк” каби) билан солиштириб, халқ оғзаки бадиий ижоди лексикаси тадқиқ этилади.

д) *жанрлараро типологик ўрганиш*. Фольклорнинг муайян бир жанрига оид асарларни, масалан, эртакларни бошқа жанрлар (дoston, афсона, миф, ривоят, қўшиқ каби) билан қиёслаб тадқиқ этиш ана шу усулнинг моҳиятини ташкил этади.

Ўзбек халқ эртаклари билан дунё халқлари эртаклари орасидаги ўхшашликларни сюжет, мотив ва образлар ўхшашлиги доирасида кенг қўламда текширган Х.Эгамов типологик муштаракликнинг уч типи мавжудлигини аниқлаган эди. Улар қуйидагилар: а) маълум бир халқ фольклори (унинг муайян бир жанри) даги типологик ўхшашликлар; б) этник келиб чиқиши муштарак ёки бир тил оиласига мансуб бўлган халқлар фольклоридаги типологик ўхшашликлар; в) бир гуруҳ халқлар (масалан, славян, мўғул, ҳинд, туркий) фольклоридаги типологик ўхшашликлар. Олим бир халқ фольклоридаги муштаракликларни *“монотип ўхшашлик”* термини

билан атаган бўлса, этник жиҳатдан қондош халқлар ва жаҳон халқлари оғзаки бадий ижодида қайд қилинган ўхшашликларни “*интертип ўхшашлик*” деб аташни маъқул топади.

Шу асосда ўзбек халқ эртаклари билан туркий халқлар эртаклари орасидаги ўхшашлик асосан нь эпик анъана мезонлари, эртакларнинг ички таснифи, сюжет силсиласи, мотивлар таркиби ва композицион қурилиш хусусиятлари, асосий персонаж талқини, ёрдамчи ва ҳомий персонажларнинг функциялари, қадимги никоҳ маросимлари (эндогамия, экзогамия, матрилокал никоҳ, полигамия ва ҳ.к.)га оид халқ қарашларининг эртак сюжетида акс этиши, архаик мотивлар, мифологик ва диний тасаввурларнинг талқини сақланиб қолганлигида кўриниши аниқланди.

**Картографик метод.** Муайян нарса-ҳодисаларнинг маълум бир маконий қамров доирасида тарқалиши, ўзаро алоқалари, локал хусусиятлари, ўзига хос ва умумий қонуниятларини картографик метод асосида таҳлил қилиш фольклоршунослик, география, этнография, археология, тилшунослик (диалектология) фанларида кенг кўламда қўлланиладиган усуллардан бири. Бу метод халқнинг этник табиатини белгиловчи анъанавий моддий маданияти, урф-одат ва анъаналари, турли-туман шева хусусиятларини акс эттирувчи катта қамровдаги фактик материални тўплаб, системалаштириш ҳамда этнолингвистик жараёнлар билан боғлиқ ўзига хос қонуниятларни очиб бериш мақсадида қўлланилади. Картографик метод ёрдамида ҳозирга қадар кўпгина географик, этнографик ва диалектологик атласлар тузилган. Халқ оғзаки бадий ижоди асарларини ўрганишга картографик методни татбиқ этиш анъанаси ҳам этнологик ва диалектологик тадқиқотлар орқали урф бўлган.

Европа фольклоршунослиги тарихи бўйича таниқли мутахассис, италян олими Жузеппе Кокьяра фин фольклоршунослик мактабида ишлаб чиқилган “тарихий-жўғрофий” методни “**географик-картографик усул**” деб аташни таклиф қилган эди. Чиндан ҳам А.Аарне ишлаб чиққан эпик сюжетлар кўрсаткичининг яратилишида ўзига хос жўғрофий-статистик таҳлилга асосланган умумлашмалар муҳим рол ўйнаган бўлса-да, “картографик метод” даставвал фольклоршуносликда эмас, балки этнографик тадқиқотлар амалиётида қўлланилган. Этнографик тадқиқотлар олиб боришда ўрганилаётган мавзулар бўйича тайёрланган сўровномалар, анкеталар, саволномалардан фойдаланиш ҳамда муайян этнофольклорий ҳодисанинг тарқалиш доираси ва қайд қилиниш даражасини картография усулида аниқлаш тажрибаси илк бор Фридрих Ратсел ва Вилгелем Пессер томонидан қўлланилган. Хусусан, Ф.Ратселнинг “Антропогеография”, В.Пессернинг “Қуйи Саксониянинг қиёсий этнографиясидан очерклар” (1910) номли асарларида фактик материалларни тўплаш ва таҳлилий умумлашмалар чиқаришда картографик методдан фойдаланилган.

Фольклоршуносликдаги “географик-картографик метод” ёки “картографик метод”нинг юзага келишига эса Швейсариядаги Нейшателье университети профессори, йирик француз фольклоршуноси ва этнографи

Арнолд Ван Геннепнинг тадқиқотлари асос бўлган. У бутун умри давомида Франциянинг Бургундия, Оверия, Фландрия, Савойи ва бошқа провинцияларини кезиб чиқиб, француз халқининг урф-одатлари, маросимлари, удумлари, анъаналари ва фольклорини тўплаш билан шуғулланган. Ана шу изланишлар натижасида бир нечта фольклор тўпламлари ва илмий тадқиқотларни нашр эттирган А.Ван-Геннеп 1939 йилда “Ҳозирги француз фольклорини ўрганиш бўйича қўлланма” (“Мануэл де фольклоре франсаис сонтемпораин”) номли кўп жилдлик асарини чоп эттирди. Халқ оғзаки бадиий ижоди асарларининг иқтидорли тўпловчиси сифатида эътироф этилган А.Ван-Геннеп 1909 йилдан эътиборан материал тўплашда ўзи тuzган “Сўровнома”лардан самарали фойдаланган. Унинг “Сўровнома”лари олим иш олиб борган ҳудудлардаги тарихий-фольклорий жараённинг ҳолати, ҳар бир провинция фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, жанрлар таркиби, фольклор асарларининг тарқалиш доирасини аниқлаш имконини берган. Олим ана шу “Сўровнома”лар воситасида тўпланган материалларни таҳлил қилиб у ёки бу фольклор асари, удум ва одатларнинг қайси ҳудудда тарқалганлиги ҳақида аниқ хулосалар чиқарган.

А.Ван-Геннеп ўзининг 1934 йилда ёзилган фольклор методологияси ҳақидаги бир мақоласида «картографик методнинг афзаллиги тадқиқот натижаларининг аниқлиги ва далилларнинг ишонарлигидадир», - деб ёзади. Бу метод ўрганилаётган ходисанинг мавжудлиги ёки йўқолиб бораётганлигини кўрсатувчи барча элементларни тўла қамраб олиш имконини беради. Картографик метод фольклоршунос томонидан ўрганилаётган жанр, сюжет, мотив, удум ва эътиқодий қарашларнинг барча элементлари: ижро ҳолати, тарқалиш доираси, ҳудудий ўзига хослиги ва локал фарқларини кўрсатишга хизмат қилади.

Чех фольклоршунос олими А.Брюнер халқ орасида сақланиб қолган мифологик тасаввурларни ўрганиш жараёнида чехларнинг сув билан боғлиқ асотирий персонажларига оид маълумотларни картографик метод асосида тўплаган. У 1918 йилда Краковда нашр этилган “Славян мифологияси” (“Митологжа словианска”) китобида чех мифологиясидаги сув руҳлари ўзининг ташқи кўриниши, характери ва хатти-ҳаракатларига кўра турлича номлар билан аталишини картографик таҳлил натижасида аниқлаганлигини кайд қилади.

Картографик методни фин фольклоршунослари (масалан, В.Андерсон, 1931, 1955) эртак сюжетларининг тарқалиш ареалини аниқлаш мақсадида қўллаган бўлишса, болгариялик олимлар (М.Арнаудов, 1920; А.Ангелов, 1936) қадимги тасаввурларнинг халқ эпик шеърлятида реликт ҳолида сақланган кўринишларини ўрганиш мақсадида бу методга мурожаат қилганлар.

Картографик методнинг рус фольклоршунослигида қўлланилиши эса Россия географик жамияти “Эртакларни ўрганиш қўмитаси”нинг фаолияти билан боғланади. “Эртакларни ўрганиш қўмитаси” XX асрнинг 20-

йилларидан эътиборан фольклор ва этнография материалларига тизимли ёндошиш орқали, матнларнинг вариантлари, уларнинг ўзаро нисбати ва алоқадорлигини ўрганишда географик факторга асосланди. Фольклор асарларини картографик метод асосида тадқиқ этиш жуда катта назарий тайёргарликни тақозо этар эди. Бинобарин, А.И.Никифоров, П.Г.Богатирев, В.М.Жирмунский, Р.Р.Гелгардт каби олимларнинг бу масалага доир асарлари рус фольклоршунослигида картографик тадқиқот методикасини белгилаб берди.

Халқ оғзаки бадиий ижодиётини географик-картографик метод асосида ўрганиш муаммоси 1958 йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Славяншуносларнинг V халқаро сеези” да махсус муҳокама этилган. Мазкур анжуманда “Халқ оғзаки ижоди асарларининг яратилиши, шаклланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда фольклорни картографиялаш қандай аҳамиятга эга?” - деган савол фольклоршунослар муҳокамасига қўйилган. Бу масала юзасидан П.Г.Богатирев, В.М.Жирмунский ҳамда болгариялик фольклоршунос олим С.Вранска ўз мулоҳазаларини билдиришган. Шундай бўлса-да, XX асрнинг 70-йилларига қадар рус фольклоршунослигида картографик метод асосига қурилган жиддий илмий тадқиқотлар яратилмади.

Славяншуносларнинг 1974 йилда Москвада бўлиб ўтган халқаро конференциясида сўзга чиққан фольклоршунос олим К.В.Чистов “этнографияда самарали қўлланилаётган картографик метод фольклоршунослик фани амалиётига у қадар сингиб кетмаётганлиги, холбуки, халқ ижодиётини бу метод тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, структурал ва бошқа усуллар билан баравар қўлланилганда фольклористикани бойитишга хизмат қиладиган материал ва хулосалар бериши мумкинлигини” қайд қилди. У ўзининг картографик усулни қўллаш методикасига доир назарий қарашларини ўша йили чоп этирилган “Маросим ва маросим фольклорини картографиялаш муаммолари” (“Проблеми картографирования в языкознания и этнографии”. – М.: Наука, 1974. – С.16-33) номли мақоласида тўй маросимига оид этнофольклористик манбаларнинг таҳлили мисолида баён қилди.

Шундан кейин Европа ва рус фольклоршунослигида картографик методни қўллаш асосида илмий тадқиқотлар яратишга қизиқиш кучайди. Этнология, археология, диалектологияда бўлгани сингари фольклоршуносликда ҳам “ареологик йўналиш” юзага келди. Айниқса, Н.И.Толстойнинг Полесе этнолингвистик атласини яратиш устида олиб борган тадқиқотлари, С.М.Толстаянинг халқ тақвимининг этнодиалектологик луғатини тузиш мақсадида олиб борган картографик текширишлари, А.В.Гуранинг тўй маросимлари фольклори ва терминологиясини тадқиқ этишга доир ишлари бу методнинг фольклоршуносликка кенг қўламда тадбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этди.

Картографик методнинг асосий мақсади анъанавий маънавий маданиятнинг муҳим қисми ҳисобланган фольклор асарлари ёки муайян

фольклор жанрини ареологик жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат. Бу усул асосига қурилган илмий тадқиқот муайян изчилликда амалга оширилади ва асосан тўрт босқични ўз ичига олади:

1) фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш ёки муайян фольклорий ходисани ўрганиш учун алоҳида дастур, қўлланма, сўровнома ва анкета-саволномаларини тузиш;

2) тадқиқот олиб борилиши кўзда тутилган жўғрофий ҳудуд ёки бир неча этнофольклорий ареалларда тузилган дастур асосида фактик материалларни тўплаш;

3) йиғилган фольклор материалларини картографиялаш;

4) ўрганилаётган ҳудуд фольклорининг картографик талқинини илмий таҳлил қилиш.

Картографик методда иш юритишнинг ана шу кўпбосқичли тизими муайян изчилликни талаб қилади. Чунки дастур, сўровномалар тузмасдан ёки таҳлил қамрови талаб қиладиган фактик материални тўпламасдан туриб картографиялаш амалиётини амалга ошириб бўлмайди. Баъзан у ёки бу фактни аниқлаштириш, олинган этнофольклорий далилларни тўлдириш мақсадида қайта текширув олиб боришга тўғри келади. Шунинг учун, картографик метод узок муддатли изчил илмий изланишларда қўлланиладиган тадқиқ усули саналади. Картография усули учун ишланаётган тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мавзу танланади.

Ўзбек фольклоршунослигида бевосита картографик метод асосида яратилган илмий тадқиқот мавжуд бўлмаса-да, бу усулнинг айрим қирралари, яъни картографиялаш учун тегишли материаллар тўплашга имкон берадиган махсус қўлланма ва дастурлар тузиш амалиёти фольклористик изланишларда қўлланиб келинмоқда. Хусусан, “Маориф” журналининг 1918 йилги 1-сонида чоп этирилган “Ўзбек халқ ижодини тўплаш учун қисқача қўлланма” фольклорни картографик метод асосида ўрганишни тарғиб этмаса-да, тўпловчилик ишига миллий зиёлиларнинг қатнашишига алоҳида эътибор бериш, фольклор асарларини ёзиб олиш билан алоқадор “дала ишлари” нинг бевосита халқ орасида олиб борилиши ҳамда халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини кўпроқ кекса кишилар ва аёллар оғзидан ёзиб олишнинг тавсия этилиши билан эътиборга моликдир. Ана шу “Қўлланма” ўзбек фольклори асарларини илмий асосда тўплаш ва системалаштириш йўлидаги илк қадам бўлди.

“Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1926 йил 7-8-сонлари Ғози Олим Юнусов томонидан тузилган “Ўзбек эл адабиётига тегишлик маълумотларни тўплагувчиларга қўлланма” номли дастур босилди. Бу дастур ўзбек фольклорини тўплаш ва ўрганишнинг илмий асосларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан муҳим аҳамият касб этди.

Атоқли олим Ҳ.Зарифов томонидан 1934 йилда чоп этирилган «Луғат ҳам термин тўплагувчиларга қўлланма»да «Программалар» фасл мавжуд бўлиб, унда табиат ва жўғрофий маҳаллий отлар, ўсимликлар, ҳайвонлар,

метеорология, астрономия, халқ турар жойлари, уй ва уй жиҳозлари, овқат ва ичимликлар, кийим-кечаклар, безаклар, нақлиёт воситалари, деҳқончилик, боғчачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, аричилик, товукчилик, овчилик, кўкатчилик, кўчатчилик, гулчилик, хунармандчилик санъати, савдо-сотиқ, тиббиёт ва халқ табобати, уруғ-қабила, оила ва қариндошлик, тўй, ўлим, дин, байрамлар, ўйинлар, чолғу, куй ва рақс, оғзаки адабиётга оид материалларни тўплаш учун саволнома-анкеталар илова қилинган. Ана шунинг ўзи ўзбек фольклоршунослигида картографик метод асосида материал тўплаш анъанасига Ҳ.Зарифов асос солганлигини кўрсатади.

Картографик метод тарихий-фольклорий жараён билан боғлиқ муайян ҳодисанинг маълум бир жўғрофий ҳудуд доирасидаги тарқалиш ҳолати, айниқса, қадимий инончларга алоқадор мифологик эътиқод ва образларнинг халқ тасаввурида сақланиб қолиш даражаси, халқ лирикасининг ижрочилик анъаналари, маросим фольклори ва эпик сюжетлар тизимининг вариантларини аниқлаб, комплекс тадқиқ этишга асос беради.

Бугунги кунда ҳам фольклор асарларини муайян ҳудудлар бўйича ареал тадқиқ этиш, фольклор анъаналарининг локал хусусиятларини аниқлаш, айниқса, мақол, топишмоқ, болалар фольклори, маросим фольклори, айтим-олқиш, афсун-аврашларнинг ўзига хос табиатини тадқиқ этишда картографик йўналишда иш олиб бориш муҳим илмий аҳамият касб этади.

**Структурал таҳлил методи.** Фольклоршунослик тарихида бадий матнни муайян қисмларга ажратиб таҳлил қилишга асосланган илмий метод «структурал таҳлил методи» деб юритилади. Бу метод фольклор асарларидаги ҳар бир сюжет элементи – мотив, лавҳа, образ ва ҳатто, энг кичик бадий деталларгача илмий тавсифлаш асосида асар морфологиясини тадқиқ этади ҳамда халқ бадий тафаккурининг поэтик моҳияти ва қонуниятларини очиб беришга хизмат қилади. Структурал таҳлил методининг асосий мақсади бадий асарнинг мазмунини эмас, балки тузилишини, шаклий жиҳатини ўрганишдан иборатдир.

Фольклоршуносликда эпик матнларни структурал ўрганишга доир илк қайдлар А.Н.Веселовский қаламига мансуб бўлиб, у “Асарлар тўплами” нинг 1913 йилда чоп эттирилган 2-жилди(1-қисм)га киритилган “Тарихий поэтика” асарида мотив – сюжетни ташкил этувчи энг кичик элемент эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаб берган эди. Р.М.Волков ўзининг халқ эртаклари сюжет тизимининг шаклланиш тарихига доир тадқиқотида (Одесса, 1924) рус, украин, белорус эртакларининг матнларини композицион қурилиши жиҳатидан ўрганиб, эртак структурасида муайян бадий формулалар (масалан, воқеа-ҳодисаларнинг уч марта такрорланиши, персонажлар сонининг учта бўлиши ва ҳ.к.) муҳим рол ўйнашини аниқлаган.

1928 йилда эртакларни структурал таҳлил қилишга бағишланган икки асар - А.Н.Никифоровнинг “Халқ эртакларини морфологик жиҳатдан ўрганиш масаласига доир” номли мақоласи ҳамда В.Й.Проппнинг “Эртак морфологияси” асари босилиб чиқди.



А.Н.Никифоров тадқиқотининг муҳим жиҳати шундан иборат эдики, у фольклоршуносликда биринчи бўлиб эртак структураси билан боғлиқ куйидаги “морфологик қонун” лар мавжудлигини аниқлади:

а) воқеалар ривожини тезлаштириш ёки сусайтириш мақсадида эртак структурасини белгиловчи муайян элементларнинг изчил такрорланиши;

б) “композицион ўзак қонуни” ёки ҳар бир эртакда битта ёки иккита қаҳрамон мавжудлиги, қаҳрамонларнинг тенг ҳуқуқли ёки аксинча бўлиши.

А.Н.Никифоровнинг фикрича, эртак сюжетида ҳаракат қилувчи етакчи персонаж ҳамда иккинчи даражали образларнинг комбинациялашган функциялари эртак сюжетини ташкил этувчи асосий семантик элементлар тизимини ташкил этади.

Эртак жанрига оид бадиий матнларни морфологик жиҳатдан тадқиқ этган В.Й.Пропп эса “ҳаракатланувчи персонажларнинг функциялари” сеҳрли эртакларнинг ўзгармас, доимий ва такрорланиб турувчи турғун элементлари эканлигини кашф этди. “Эртак морфологияси” китобида келтирилишича, бу “функциялар” куйидагилардан иборат: узоқлашиш, таъқиқ ва унинг бузилиши, зиён етказувчи персонажга қаҳрамон ҳақида маълумот берилиши, етишмовчилик, сафар, ҳомийлик функцияси ва қаҳрамоннинг унга муносабати, қаҳрамоннинг қайтиши.

XX аср фольклоршунослигида структурал таҳлил методи Н.Рошияну, М.Й.Лотман, Е.М.Мелетинский, Б.Н.Путилов, В.М.Гатсак, М.Й.Сегал, Ф.Гўзалов каби олимлар томонидан ривожлантирилди.

Ўзбек фольклоршунослигида структурал таҳлил методи Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, Н.Дўстхўжаевалар томонидан сеҳрли эртакларни ўрганишда самарали қўлланилган. Хусусан, Н.Дўстхўжаеванинг «Ўзбек сеҳрли эртакларининг структурал таҳлили» номли номзодлик диссертациясида структурал таҳлил методининг моҳияти ва халқ насри жанрларини тадқиқ этишда қўлланилиши масалалари ёритиб берилган. Тадқиқотчи ўзбек сеҳрли эртакларидаги анъанавий бошламалар – инициал формулалар таркиби ва унинг асар бадииятини мукамаллаштиришдаги вазифаларини аниқлаган. Эртак сюжетини ташкил этувчи ҳар бир элементни алоҳида-алоҳида олинган ҳолда ўрганган тадқиқотчи ўзбек сеҳрли эртаклари асосан «етишмовчилик», «шарт», «таъқиқ», «туш», «сафар», «вазифа», «қурол-яроғ», «рақиб», «тамға», «мукофот-ҳазина», «ўтиш формуласи», «қайтиш» каби элементлардан иборат деган хулосага келган.

Структурал таҳлил методи ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг моҳиятини белгиловчи «тилсим» ёки «сеҳр»ни «сеҳрли хусусиятга эга бўлган жонивор (от, кийик, турли ғаройиб қушлар, илон, бўри каби)», «жонивор кўринишида тасаввур қилинган зооморф образлар (дев)», «инсон қиёфасида тасаввур қилинган антропоморф образлар (ялмоғиз, пари, Хизр)», «сеҳрли сўз («очил қамиш», «қайна хумча», «ур тўқмоқ» каби)», «тилга кириш (от, кийик, илон, сигир ва бошқа жониворнинг тилга кириб одамдай сўзлаши)», «сеҳрли ашёлар (ойнаи жаҳон, сеҳрли тош, ялмоғизнинг ойнаси ва тароғи, сандик, кути, қайна хумча, узук каби)», «трансфигурация (бир шаклдан

бошқа кўринишга ўтиш, яъни эвришиш)» воситасида намоён бўлишини кўрсатди.

Фольклор асарларини структурал таҳлил методи асосида ўрганиш бадиий асарни ҳар томонлама тадқиқ этишнинг имкониятларини янада кенгайтиради.

#### **Назорат саволлари:**

1. Илмий метод деганда нималарни тушунасиш?
2. Фольклоршуносликдаги илмий методларга таъриф беринг.
3. Тарихий-қиёсий методнинг ўзига хослиги нимада?
4. Фольклоршуносликдаги етакчи методларнинг бугунги кундаги устивор жиҳатларини сўзлаб беринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Жўраев М. Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технологиялар” -2018. 192 б.
2. Б.Сайфуллаев, С.Йўлдошева, Ж.Эшонқулов, А.Аширов, Ў.Тошматов. Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. Ўқув қўлланма. Т.: “Наврўз”-2017. 214 б.
3. М.Жўраев. Фольклоршунослик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан” – 2008.
4. Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Т.: “Алоқачи” - 2008. 560 б.

### 3-мавзу. Фольклорнинг тур ва жанрларга бўлиниши

#### Режа:

1. Адабий тур ва уларнинг ўзига хос белгилари.
2. Фольклор асарларининг тур ва жанрларга бўлиниши.
3. Фольклор жанрларининг ўзига хос хусусиятлари.

**Таянч иборалар:** тур, жанр, афсона, қисса, ривоят, эртак, хикоят, дoston, улуғ ир, аёлғу, кўшиқ, суруд, ўзмоғ, чанг, чанга.

Бадиий ижоднинг бошқа турларида бўлганидек фольклор асарлари ҳам тузилиши, ғоявий -бадиий хусусиятларига кўра ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларга эга бўлиб, муайян гуруҳларни ташкил этади. Бундай фарқли ва ўхшаш томонларни кўрсатиш учун фанда адабий тур ва жанрлар терминлари қўлланилади. Адабий тур ва жанрлар ҳаётни бадиий тасвирлаш шакли сифатида тарихан шаклланган бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти, ўрин алмашиши ва инқирози фольклор ва адабиёт тарихида етакчи жараён хисобланади.

Адбаиётда тур (род) ниҳоятда кенг тушунча бўли, ўз ичига жанрларни камраб олади. Арестотел(384-322), Немис олими Гегель (1770-1831). В.Г. Беленский(1811-1848) лар уч турга бўлиб ўрганишади.

Аристотель ўзининг «Поэтика» сида бадиий асарларни йирик уч катта турга ажратади. Бу гуруҳдагилар адабий тилда адабий тур ёхуд адабий жинс деб юритиб келинади. Булар: Эпос, лирик ва драматир.

Аристотел бадиий асарни табиатга тақлид деб атайди.

Адабий асарларнинг бундай турларга бўлиниши уларнинг мазмуни, вазибалари, ва тасвирий воситалари орасидаги мавжуд тафовутларга асослангандир.

Эпос предмети воқеадир.

Лирик турнинг предмети - лирик кечинма, руҳий ҳолат.

Драма предмети - ҳаракатдир.

Адабий тур тушунчаси шартли тушунча. У конкрет адабий шаклларда намоён бўлади. Ҳар бир адабий тур ўз навбатида жанр(хил)ларга бўлинади.

Жанрнинг ҳам майдрок шакллари бўлиши мумкин. Масалан эпик асар-дoston, қаҳрамонлик, романик, тарихий дostonларга бўлинади.

Эпик турга- дoston, эртак, латифа, қисса,

Аристотелнинг «Поэтика» сидан буён бадиий асарларни йирик уч катта турга ажратиб келинади. Бу гуруҳдагилар адабий тилда адабий тур ёхуд адабий жинс деб юритиб келинади. ЖАНР (французча кенре — жинс, тур) — санъат турларида тарихан шаклланган ички бўлиниш ҳамда мазкур бўлинишни ифодаловчи тушунча. Бадиий асарларнинг ўзига хос композицион қурилишга, бадиий тасвир принциплари ва воситаларига, баён усулларига, ҳаётий қамров имкониятларига кўра туркуми, шакл ва мазмун бирлигидаги ўзига хос хусусиятларига эга бўлган санъат асарининг алоҳида тури. Санъат асарларининг жанр гуруҳларига бўлиниши турли (танланган

мавзу, бадий-ғоявий мазмун, шакл жиҳатлари ва бошқалар) мезонларга таяниб амалга оширилади; ҳар бир санъат турида жанр таснифи ўзига хос тизимни ташкил этади.

Адабиёт (бадий-адабий ижод)да Жанр асарнинг қайси адабий турга тааллуқлилиги, ҳажми ва образларининг қурилиши усули (рамзийлиги, мажозийлиги, ҳужжатлилиги) билан белгиланади. Маълумки, ҳаётий материални тасвирлаш характери, бадий асар асосида ётадиган конфликт характери ва унинг ҳал этилиши, воқеалар баёнининг ким томонидан олиб борилишига қараб бадий асарлар уч қатта турга бўлинади: 1) Эпик асарлар. 2) Лирик асарлар. 3) Драматик асарлар.

Эпик турда тасвирланаётган воқелик, асарда иштирок этувчи турли персонажларнинг хатти-ҳаракати ва кечинмалари кўпроқ эпик кўламда, турли хил қаҳрамонлар муносабати орқали кўрсатилади. Лирик турда воқелик қаҳрамон кечинмалари, ўй-фикрлари асосида кўрсатилса, драматик асарларда бевосита иштирок этувчи персонажларнинг хатти-ҳаракати, нутқлари орқали очилади.

Бу уч турдаги бадий асарлар ҳаётий қамрови, уни акс эттиришнинг шакл ва усуллари жиҳатдан яна ҳам кичик хилларга бўлинади. Мана шу хиллар адабиётшуносликда жанр деб юритилади. Масалан, эпик тур дoston, роман, қисса, ҳикоя, масал, эртак каби жанрларга бўлинади. Лирик тур эса, кўшиқ, ғазал, рубоий, фард, туюқ, китъа, мусаллас, мурабба, мухаммас, мусамман, мусаббаъ, қасида, гимн ва ҳакоза каби жанрлардан иборат. Драматик тур комедия, драма, трагедия каби жанрларга бўлинади.

Ҳар бир жанр тасвирланган воқеаларнинг характери, мавзуси, тасвир усули ва принципларига қараб яна майда туркумларга бўлинади. Булар шартли равишда жанрнинг ички туркумлари деб юритилади. Масалан, эртаклар жанри ифода этилаётган воқеликка муносабатига кўра сеҳрли, ҳайвонлар ҳақидаги ва маиший эртакларга, дostonлар эса, характерига кўра, қаҳрамонлик, ишқий-романик, тарихий, китобий каби ички туркумларга бўлинади. Шунга ўхшаш ҳар бир жанрнинг ҳам ўз ички туркумлари мавжудки, улар ўзларининг умумий хусусиятлари билан ўзи мансуб бўлган жанр хусусиятларини акс эттиради.

Жанр воқеликни акс эттириш принципларининг муайян эстетик системасидан иборат экан, у ижтимоий-бадий тафаккур тараққиётининг маълум бир босқичида юзага келиб, жамият тараққиёти талабларига кўра ўсиб, ривожланиб, ўзгариб боровчи тарихий категориядир. Бинобарин, жанр тушунчасини ўзгармас, қотиб қолган кристалл тушунча деб бўлмайди. Бир даврда юзага келган жанр бошқа бир даврда истемолдан чиқиб кетиши ёки ўз хусусиятларини ўзгартириб, бошқача хусусиятларга эга бўлиши, янги жанрни юзага келтириши ҳам мумкин. Масалан, жамият тараққиётининг жуда ҳам қадимий босқичларида юзага келган халқ дostonлари ҳозирги бадий тафаккур, ёзма адабиёт, кино, театр, музыка ва бошқа санъатларнинг ривожланиши туфайли аста-секин ўз мавқеини йўқотиб бормоқда ёхуд ўтмиш ўзбек адабиётида кенг тарқалган муаммо жанри ҳозирги кунда ўз

хаётини тугатди ва ҳ. к. Демак, жанр тарихан ўзгарувчан, воқеликни акс эттиришнинг ўзига хос принциплари ва муайян системасидан иборат тушунчадир.

Жанрлар ижтимоий-хаётий эҳтиёж таъсирида юзага келиб, ривожланиб, бойиб ёки ўлиб бориши мумкин.

Ўзбек фольклорининг тур жанлари ҳар хил ижодкорлар фаолияти билан боғлиқ. Айрим жанрлар масалан мақол, топишмоқ, оммавий характерга эга. Достон, оғзаки драма профессионал ижодкор фаолияти билан боғлиқ. Бу нарса поэтик ижод намуналарини яратиш, мжро этиш, тарқатишда профессионал ижодкорлар роли катталигини урғулайди. Ижодкорлар: Бахшилар, эртакчилар, аскиябоз, қизиқчи, дорбоз ижрочилиги ривожланган профессионал санъат намунаси бўлиб уни ижро этиш учун ижодкор маълум тайёргарликдан ўтган бўлиши керак.

Ғоявий тематик ва бадиий хусусиятлари билангина эмас балки ижро усуллари жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Масалан: Якка ижрочилик- коллектив ижрочилик; созда ижро этиш, созли ва созсиз ижро этилиши билан ҳам фарқликларга эга. Фольклор намуналари бири куйлаш учун: кўшиқ, бири айтиш учун: Эртак, яна бири куйлаш ва айтиш учун: достон, яна бири куйлаш ва рақс тушиш учун: лапар, айримлари айтиб бериш билан бирга кўрсатиш, намоиш этиши (оғзаки драма, аския) фарқланиб туради.

Фольклор жанрлари орасидаги бундай бўлиниш уларнинг жуда катта ғоявий эстетик функция бажариши билан бир қаторда муҳим ижтимоий функция ҳам бажаришини тақозо этади. Масалан фольклорнинг хўп майда, хўш-хўш, турей-турей каби туркум намуналари меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлса, келин салом, ёр-ёр, суст хотин кабилар маросим, урф-одатлар билан боғлиқ.

Фольклор жанрлари қанчалик ранг-баранг бўлмасин, фарқ қилмасин улар яхлит системадир. Фольклор жанрлари барча тип асарлар мана шу яхлит системада мураккаб ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирларини бойитадилар. Жанрларнинг бундай яхлит системасининг шаклланиши ва мавжудлиги фольклор тараққиётининг асосий қонуниятларидан биридир.

Ўзбек фольклорининг жанрлар системаси бой ва ранг баранг. Бу жанрлар кўп асрлик тараққиёт давомида ўзбек халқ хаётини ҳар томонлама акс эттириш орқали яхлит системага айланган экан, унинг бошқа халқлар поэтик ижодида мавжуд, яъни мумфольклор жанрлари (масалан эртак, мақол, топишмоқ ва ҳақозо) билан бирга унинг ўзига хос жанрлар ҳам бор (Масалан Аския, лоф, қорақплпоқларда тўлғов, қозоқларда айтиш).

Халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам барча санъат асарлари каби тузилиши, ижро ўрни, кўриниши, бажарадиган вазифаси, мусиқага боғлиқлик даражаси, ғоявий –бадиий хусусиятларига кўра муайян тур, гуруҳ ва жанрларга бўлиб қаралади. Бу хил тур, гуруҳ ва жанрларга ажратиш, таснифлаш нафақат ижрочилар балки, тингловчилар, ҳодисани тадқиқ этувчилар учун аҳамиятли бўлиб, фольклор намуналарининг табиати, шаклланиши, тадрижий тараққиёти, у ёки бу тур ва жанрларнинг пайдо

бўлиши, муккамал шаклга келиши, ўзгаришларга учраши, ўрин алмашиниши ва инқирозга юз тутиши каби жараёнларни кузатиш, ўрганиш имконини беради. Фольклор асарлари ўз таркибига кўра уч турдан иборат кўринишда намаён бўлади. Уларни умимий шаклда эпик, лирик, драматик турларга ажратиб тасниф этиш қабул қилинган. Ўз навбатида бу турлар ички жанрлардан ташкил топган. Эпик тур намуналарида воқелик кенг кўламли, объектив сюжетли-ҳикоявий шаклларида тасвирланса, лирик турда субъектив ҳолда инсоннинг воқеликдан олган таассуротлари, ички ҳис-ҳаёжонлари акс этади. Драмада эса персонажларнинг нутқи ва ҳаракатлари орқали воқелик тасвирлари берилади. Эпик тур – дoston, эртақ, афсона, ривоят, нақл, латифа ва бошқа жанрлардан, лирик тур – маросим лирикаси, меҳнат кўшиқлари, тарихий кўшиқлар, лирик кўшиқлар, алла, болалар кўшиқлари, драматик тур эса оғзаки драма, кўғирчоқ ўйин, аския каби намуналарини ўзида қамрайди.

Фольклоршуносликда тур дейилганда воқеликни ифодалаш йўли, усули тушиНильса (эпик, лирик, драматик), жанр деганда бадиий шакл типлари (дoston, эртақ, кўшиқ, мақол...) тушинилади. Аммо ҳар бир жанр ҳам ички хилма-хилликларга эга, бу унинг мавзу моҳиятидан келиб чиқади. Масалан эртақларнинг ички кўринишлари сифатида ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар, сеҳирли эртақлар, маиший эртақлар каби хиллари мавжуд. Бир қатор мутахасислар мақол ва топишмоқларни махсус тур сифатида тилга олиб ўтишади.

Фольклор жанрларини ижро хусусиятлари ва функцияларига кўра икки йирик гуруҳга ажратиб тасниф этиш кенг тарқалган.

1. Маросим фольклори жанрлари.
2. Маросим билан боғлиқ бўлмаган фольклор жанрлари.

Фольклор асарларининг кимга мўлжалланганлигини ҳисобга олиб ҳам айрим гуруҳларга бўлиш мумкин. Болалар фольклорини алоҳида олиб ажратиш шундан келиб чиққан.

Фольклоршуносликда гоҳи-гоҳида турлар аро қоришиқ ҳолатда учравчи намуналарга нисбат лиро-эпик кўшиқ ёки эртақ афсона сингари атамалар қўлланилсада бу ҳолат умумий ҳолат эмас.

Халқ бадиий тафаккурининг тарихий тараққиёт даражаси фольклор намуналарининг тадрижида акс этгани каби у ёки бу жанрнинг юзага келиши, турғунлашувида муҳим ўрин эгаллайди. Инсоният мифологик тафаккур боскичидан мифопозетик сўнгра бадиий эстетик тафаккур тадрижига эришди. Ўзбек фольклоридаги аксарият жанр намуналари айнан бадиий эстетик тафаккур даражасида мумтоз ҳолатга келганлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли ҳам ўзбек мифологияси хусусида сўз кетса халқ дostonлари, эртақлари мағзида турувчи мифологик тасаввурларни, уларнинг бу асарлар сюжети, етакчи мотивлари ва образлар қатидан ажратиб, тиклаб қараш лозим бўлади.

Ўзбек фольклориининг жанрлар таркиби бойлиги, хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу ўринда дунёнинг барча халқлари учун умумий бўлган – эртақ, мақол, топишмоқ каби жанрлар қаторида аския, лоф

каби фақат ўзбек халқ ижодига хос жанрлар мавжудлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбек фольклори жанрлари хилма-хиллиги ижодкорларнинг фаолияти ва уларнинг профессионаллашуви билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Хусусан, достон, эртак, оғзаки драма, аския каби жанрлар ижроси махсус тайёргарликни, муайян устоздан таълим этишни талаб этади. Бу жанрлар ижроси махсус мактабларнинг пайдо бўлишини, уларнинг ўз анъаналари доирасида шаклланиб ривожланишини таъминлади.

Ўзбек фольклори жанрлари ижро усуллари, яъни якка ижро, жамоавий ижро, созли ва созсиз ижрога кўра ҳам фарқланади. Эртак, афсона ва ривоят айтилса, достон ҳам куйлаш, ҳам ижро этишга мўлжалланган. Лапар куйлаб ва рақсга тушиб ижро этилса, оғзаки драма намуналари сўз (баъзан куйлаб, куй жўрлигида) ва ҳаракат омухталигида кўрсатишга, намоёиш қилишга мўлжалланган. Ўланлар тарафма-тараф куйланган. Латифа ва лофлар якка ижро этилган.

Ўзбек фольклорининг жанрлар тизими ғоявий-бадий принципларининг умумийлиги, тарихан тараққий этган ўзаро муштарак муносабатга эгаллиги билан яхлит тизимни ташкил этади. Уларнинг барчасида халқ ҳаёти, унинг ўзлигини намаён этувчи хусусиялар, руҳият, орзу интилишлар акс этади. Фольклорнинг барча жанрлари учун бадий-эстетик принциплар ҳам умумий кўринишга келган. Содда шакл, донишмандлик, бадий-тасвирий воситалар тизимидаги умумийлик, рамзийлик, шартлилик, қаҳрамонларнинг юксак ахлоқий мезонлар асосида аниқ баҳога эгаллиги, сюжет ва композицион қурилишдаги анъанавийлик устувор кўриниш олади.

Халқ билан бирга туғилган бу хусусиятлар халқнинг тарихи, маданияти, турмуши, эътиқоди ва тилига хос хусусиятларни, миллий ўзига хосликни ёрқин ифода этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Бадий асарларнинг тур ва жанрларига бўлинишини изоҳлаб беринг.
2. Фольклор асарлари қандай тур ва жанрларга бўлинади.
3. Эпик жанрга таъриф беринг.
4. Оғзаки ижод ва ёзма адабиётнинг тур ва жанрларга бўлинишида ўхшашлик ва фарқликлар.
5. Ўзбек фольклори жанрларини санаб беринг.
6. Эпик жанрлар ва лирик жанрларга таъриф беринг.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Жўраев М. Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технологиялар” -2018. 192 б.
2. Б.Сайфуллаев, С.Йўлдошева, Ж.Эшонқулов, А.Аширов, Ў.Тошматов. Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. Ўқув қўлланма. Т.: “Наврўз”-2017. 214 б.
3. М.Жўраев. Фольклоршунослик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан” – 2008.
4. Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Т.: “Алоқачи” - 2008. 560 б.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

Амалий машғулотлар қуйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий таҳлил кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек тингловчилар билан фольклор асарларини амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

### **1-амалий машғулот: Фольклорда мотив ва сюжет**

*Ишдан мақсад:* Фольклор асарлари мазмун-мударижаси, фольклор асарлари сюжетининг ўзига хослиги, фольклор асарларида мотив ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги илмий назарий жиҳатдан таҳлил этилади.

*Масаланинг қўйилиши:* Бутунни билиш учун уни юзага келтирувчи қисмларни билиш керак бўлади. Шу маънода эпик асарларнинг сюжет асосини ташкил этувчи мотивларни билмасдан уларнинг моҳиятини англаш мушкул. Демак, дастлаб «мотив ўзи нима» деган саволга жавоб бериш лозим.

«Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати» да «Мотив сюжет таркибидаги халқалардан бири», дейилган. Сюжет асар мазмунини ташкил этган воқеалар тизими бўлса, мотив шу воқеликни юзага келтирувчи асосий унсур ҳисобланади. Яъни эпик асар қурилма-структурасини мотивларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Эпик асарларнинг сюжет ва мотиви ҳақида мутахассис олимларнинг қарашлари турлича. Бироқ кўпчилик олимлар рус олими А.Н.Веселовскийнинг бу борадаги фикрларига асос сифатида таянишади. Мазкур олим мотивларнинг сюжетни юзага келтирувчи энг асосий бўғин эканини таъкидлаб, «Мотивлар бирлашиб сюжет халқасини юзага келтиради», – дейди. У мотивларни сюжетнинг энг кичик бир бўлинмас бўлаги сифатида таҳлил этади.



В.Пропп ва Б.Путиловлар эса А.Н.Веселовскийнинг қарашларини ривожлантириб, мотивларнинг ҳамisha ўзгарувчан эканлигига, улар сюжетнинг кичик бир бўлаги бўлган ҳолатда унинг ўзи ҳам бўлақлардан, қисмлардан ташкил топишига эътибор қаратадилар.

«Мотив сюжетнинг мағзидир», – дейди Б.Путилов. Бу ўринда олим мотивларнинг табиий эволюсион жараёнини назарда тутади.

**Ишни бажариш учун намуна.** Сюжетнинг юзага келиши мотив билан чамбарчас боғлиқ экан, мотив бирламчи эканлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Энг муҳими эса ҳар бир мотивнинг сюжет ҳалқасида қандай ўрин тутишини, қандай мазмун ва моҳият кашф этишини аниқлаш фольклоршуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир. Ўзбек халқ эртак ва дostonлари таҳлиliga бағишланган фундаментал тадқиқотлар мавжуд. Булар орасида Ҳ.Зарифов, М.Саидов, М.Афзалов, Т.Мирзаев, К.Имомов, Х.Эгамов, Ғ.Жалолов, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Жўраев, Ш.Турдимов каби олимларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Эпик асарларнинг сюжети, версия ва вариантлари, тарихий асослари ва бадиияти борасида бу олимларимизнинг изланишлари назарий манба бўлиб хизмат қилишига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Бироқ шундай бўлсада, биргина Н.Дўстхўжаеванинг ўзбек эртаклари таҳлиliga бағишланган илмий ишини истисно қилганда эпик асарлар структураси бизда ҳалигача етарлича ўрганилган эмас.

Ҳар қандай эпик ижод, биринчи навбатда, эртак ва дostonлар ҳам ўз қурилмасига эга. Мотив эса ана шу қурилмада асосий ўрин тутади. Шундай экан фольклор асарлари таҳлили мотивлар таҳлили орқали амалга оширилади. Эпик асарлардаги мотивларни аниқлаш, ҳар бир мотивнинг бошқа мотивлар билан боғлиқ жиҳатларини, ички ҳаракат ва хусусиятларини, бадиий-эстетик вазифаларини таҳлил этиш фольклоршуносликдаги муҳим масалалардан биридир.

Маълумки, эпик асар сюжети албатта бирор макон ва замонда кечар экан, бу ҳаракат, шубҳасиз, мотивлар ҳаракати орқали амалга оширилади. Бизнинг мақсадимиз эса ана шу мотивлар, хусусан, туш мотивининг эпик асардаги ўрни, бошқа мотивлар билан муносабати, воқеликни юзага келтиришдаги тадрижий ривожини таҳлил этишдан иборат. Зеро, туш ва туш мотиви эпик асарларда муҳим ўрин тутади.

«Алпомиш» дostonининг барча вариантларида биз туш мотивига дуч келамиз. Дostonдаги воқеалар бошланишида, ривожиди ва якунида келган бундай тушлар ўрнига қараб бир-биридан фаркланиб туради. Мисол учун дostonнинг Фозил Йўлдош ўғли вариантыда туш мотиви воқеанинг бошида ва ривожиди келади. Қаҳрамон, яъни Алпомишнинг дунёга келиши, улғайиши, уйланиши, ҳаёт қийинчиликларини енгиб, мурод ва мақсадига этиши туш мотиви орқали очиб берилади. Агар дostonдаги туш мотиви тушириб қолдирилса, унда сюжет жиддий зарар кўради. Дostonдаги бефарзандлик, улғайиш, синов, сафар, уйланиш ва уйга қайтиш мотивлари бевосита туш мотиви билан чамбарчас боғлиқ ҳолда келадики, туш бу ўринда воқеалар ривожини учун асосий пойдевор вазифасини ўтаганини кўраемиз.

Туш мотивига хос бўлган асосий хусусиятлардан бири унинг кўпинча бошқа мотивларни ўзи билан бирга етаклаб келишидир. «Алпомиш» достонида Алпомиш, Барчин ва Қоражон бир вақтнинг ўзида айни бир тушни кўради: «Алпомиш чўпонларнинг кўшхонасида ухлаб ётди. Кечаси файзи сахар вақтига етди, сахар вақти чўпонларнинг кўшхонасида ётиб бир туш кўрди. Излаб бораётган Барчин ёри, бул ҳам бахмал ўтовда ётиб, субҳи содиқ тукқан вақтда бир туш кўрди. Касъҳал ғорида, тўксон қалмоқнинг ичида Қоражон алп ҳам бир туш кўрди. Учовининг туши олдин кейин, дўғулиш кўрди».<sup>4</sup> Ана шу туш мотивида бутун дoston воқеалари олдиндан башорат қилиниб, рамзлар тилида баён қилинади. Яъни дoston сюжетининг бутун кейинги воқеалари ривожини ана шу парчада кўрсатиб берилади. Ушбу мотивдан сўнг дoston воқеалари тезлашиб, сюжетнинг кейинги ҳалқалари учун вазият яратилади. Қоражон ана шу туш туфайли Алпомиш билан дўст тутинади. Синовда ўзи туғишган акаларининг ёнида туриб эмас, Алпомиш томонда туриб даврага тушади. Алпомишнинг дўсти, сирдоши, яқин кўмакчисига айланади. Шунинг учун ҳам ана шу туш парчасини дoston сюжетининг «ядриси» деб қараш мумкин.

Ўзбек дostonларидаги туш мотиви синов, уйланиш, сафар, қайтиш каби кейинги мотивлар билан чамбарчас боғланган ҳолда келади. Дoston сюжетининг кейинги «тақдири» ана шу туш мотиви билан бевосита боғлиқки, агар Алпомиш, Барчин ва Қоражон ана шу тушни кўрмаганларида, Қоражон Алпомиш билан дўст тутинмаган ва воқеалар тизими бошқача ривожланган, бу эса сюжет ўзгаришига олиб келган бўларди. Бу ҳолат барча вариант ва версияларнинг ичида энг мукаммали ҳисобланган Фозил Йўлдош ўғли вариантынинг бадииятига ҳам салбий таъсир қилмай қолмасди.

Эпик ижодда мотивлар ҳамини ранг-баранг бўлади. Шунинг учун ҳам сюжетда ҳар бир мотив ўзига хос «юк»ка эга. Мотивларнинг ўзаро бири-бирига боғлиқлиги, сюжетдаги барқарорлиги доимо ҳам бир хил бўлавермайди. Шунинг учун уларни икки йўналишда олиб қараш мумкин. Биринчиси, бирор бир мотивларнинг тушиб қолиши ёки ўзгариши сюжетда ҳам туб ўзгариш бўлишига олиб келувчи барқарор мотивлар. Бундай мотивлар асар структурасида мустаҳкам ўринга эга бўлади. Иккинчиси, мотивлар ўзгариши ҳеч қандай сюжетнинг ўзгаришига олиб келмайди. Бундай мотивлар бошқа бир мотив билан алмаштириш мумкин бўлган нобарқарор бўлган мотивлар.

Фозил Йўлдош ўғли вариантыдаги туш мотиви барқарор мотивларга тааллуқли бўлиб, бу мотивнинг ўзгариши бошқа мотивларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бироқ шу дostonнинг Пўлкан ва Эргаш Жуманбул вариантыдаги воқеа якунида келган туш мотивининг ўзгариши ёхуд тушиб қолиши сюжетда айтарли даражада катта ўзгаришларга олиб келмайди. Шунинг учун ҳам унга нобарқарор мотив намунаси сифатида қарашимиз мумкин.

<sup>4</sup> Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Нашрга тайёрловчи Т. Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.144–145.

Барқарор мотивлар ҳам ҳамиша ҳаракатда, ички ўзгаришларга мойил эканлигини ҳам унутмаслик керак. Мисол учун «Кунтуғмуш», «Рустамхон», «Гўрўғлининг ўлими» каби достонларда ҳам туш барқарор мотив бўлиб келади. Лекин «Кунтуғмиш» достонида у сафар, «Рустамхон»да уйланиш, «Гўрўғлининг ўлими»да ўлим мотиви билан боғлиқ ҳолда келадик, бу боғлиқлик вазиятга қараб ўзгариши мумкин. «Кунтуғмиш»да қаҳрамон тушида ёрини, «Рустамхон»да она ўз қизини, «Гўрўғлининг ўлими»да Гўрўғли ўз пирини тушида кўради. Барқарор мотивдаги ана шу кичик ички ўзгариш кейинги мотивга таъсир қилади, шу сабабли кейинги мотив ана шу ўзгаришга қараб белгиланади.

**МОТИВ** (фр. мотив – куй, оҳанг сўзидан) – сюжет таркибидаги, уни юзага келтирувчи асосий ҳалқалардан бири. Мотивлар ўзаро бирлашиб сюжетни юзага келтиради. Мотив термини халқ оғзаки ижодида, хусусан достон, эртак каби катта эпик жанрларни ўрганишда ишлатилади. Қаҳрамоннинг ғайри табиий туғилиши, персонажнинг овга ёки сафарга чиқиш, унинг қаҳрамонлик уйқусига кетиши, туш мотивлари шулар жумласидандир. Рус фольклористикасида А.Н.Веселовекий, В.М. Жирмунский, В.П.Пропп, Э.Померансева, Б.Н.Путилов; ўзбек фольклористикасида проф. Ҳ.Т.Зарифов, М. Афзалов каби тадқиқотчиларнинг ишларида мотив термини кенг қўлланилган. Ҳатто рус фольклористи В. Й.Пропп ўзининг «Эртаклар морфологияси» номли асарида эртак сюжетининг тузилиши, унинг таркибидаги мотивлар ва уларнинг бириктириш типларини махсус таҳлил қилиб, умумжаҳон эртакшунослигида сюжетларни ўрганишнинг энг қулай йўлини кўрсатиб беради.

Адабиётшуносликда мотив термини асарнинг асосий мавзуи ва ғоясини тўлдиришга хизмат қилувчи қўшимча мавзуни ғоявий линияга нисбатан қўлланилади.

**СЮЖЕТ** (французча — предмет, мазмун, нарса) — бадиий асар мазмунини ташкил этадиган, бир-бири билан ўзаро боғлиқликда кечадиган, қаҳрамонлар ўртасидаги алоқалардан таркиб топган воқеалар тизими. Сюжет мотив билан чамбарчас боғлиқ. Бадиий асарларда мотивлар бирлашиб сюжетни юзага келтиради. Шу маънода сюжетни мотивларнинг илгарилама ҳаракати дейиш мумкин. Мисол учун «Алпомиш» достони анъанавий бефарзандлик мотиви билан бошланади. Сўнгра эса фарзанднинг туғилиши, унга исм қўйиш, синов, сафар, уйланиш, ўлим, уйга қайтиш мотивлари билан боғланиб достон сюжетини юзага келтиради. Шунинг билан бир қаторда сюжет бадиий асардаги характер билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, бадиий ижодда муҳим ўрин тутди. Сюжет бадиий адабиётнинг барча турлари ва жанрларида мавжуд. Сюжет персонажлар ҳаракати туфайли шаклланади. У шеърӣ асарда, айниқса, кичик шеърӣ асарларда, прозаик асарларга қараганда яширинроқ бўлади. Ҳар бир адабий турда Сюжет ўзига хос характерна эга. Кўпгина лирик асарларда кўзга яққол ташланиб турадиган Сюжет тизими йўқ. Улардаги ҳис-туйғу, ўй-кечинмалар ривож қайсидир маънода лирик асар Сюжетини ташкил этади. Айрим адабиётшунослар

сюжетлилиқ умуман лирик турга хос хусусият эмас, деб ҳисоблайди. Чунки лирик асарда воқеалар тизими бўлмаслиги ҳам мумкин. Аини чоғда, Сюжет фақат воқеалар тизимидан ҳам иборат эмас.

**СЮЖЕТ ТУГУНИ** – бадий асарларда воқеа ва қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятларнинг бошланиши. Мисол учун «Кенжаботир» эртагида подшо боғида олма дарахтидан олманинг ўғирланиши бошланиши бўлса, ака-укаларнинг сафарга отланиши сюжет тугунидир.

**СЮЖЕТ ЧИЗИҒИ** – бадий ижодга тааллуқли атама. Эпик ҳамда лирик-эпик асарлардаги воқеаларнинг маълум тартибда, кетма-кет мантикий боғланишдаги жойлашиши. Бадий асардаги сюжет чизиғи бевосита асарнинг композициясига алоқадор масалалардан биридир. Асардаги воқеалар бир-бири билан сабаб-оқибат муносабатида боғланган бўлиб, улар ижодкор ғоясини, мақсадини ифодалайдиган, рўёбга чиқарадиган тарзда жойлашган бўлади. Асарнинг сюжет чизиғида ҳар бир деталь, ҳар бир эпизод бирор вазифа бажариши лозим, яъни сюжет чизиғидаги ҳар бир эпизод асар воқеаларининг мантикий талаби зарурати туфайли киритилган бўлиши керак. Кўп планли бадий асарда эса асосий сюжет чизиғи билан бир қаторда ёрдамчи сюжет чизиқлар ҳам мавжуд бўлади. Ёрдамчи сюжет чизиқлари асарнинг асосий сюжет чизиғини бирор томондан тўлдиради. Масалан, «Рустамхон» достонида бефарзанд подшонинг фарзандли бўлиши дostonнинг асосий сюжет чизиғини ташкил этса, ундаги Рустамни ўқитган мулла билан боғлиқ тавсирлар ёрдамчи сюжет чизиғини ташкил этади. Бюжет чизиғи бадий асар конфликтини ва унинг ҳал этилиши асосида ётувчи воқеаларни қамраб олади.

Бадий асарда тасвирланган воқеалар тизимининг ўзаро муносабатига кўра Сюжет асосан хроникал (воқеабанд) ва концентрик (воқеабанд бўлмаган) турларга бўлинади. Хроникал Сюжетда воқеалар орасидаги вақт муносабати етакчилик қилади. Концентрик Сюжетда эса асарда тасвирланган воқеалар орасидаги сабаб — натижа муҳим аҳамият касб этади. Аммо бадий асарларда юқоридаги Сюжетларнинг ҳар икки тури уйғунлигидан таркиб топган шакли кўпроқ учрайди.

Бадий асар Сюжети тасвирланаётган воқелик ва асарда иштирок этадиган қаҳрамонлар масаласига бевосита боғлиқ. Чунки Сюжет асосидаги воқеликда қаҳрамонлар ҳаракат қилади ва, энг муҳими, ҳақиқий бадий асарларда аввало қаҳрамонлар ўз дарди дунёси билан на моён бўлади.

Бадий асар Сюжети экспозиция, тугун, воқеа ривожини, кульминация, ечим сингари бир қатор унсурлардан таркиб топади. Масалан «Рустамхон» достонида Рустамнинг Аждарни енгиш эпизоди асарнинг кульминацион нуқтаси саналади. Сўнгра воқеалар ечим келади. Бадий асарда Сюжет унсурлари баъзан турлича хажм ва турлича тартибда келиши мумкин. Шунингдек, айрим асарларда экспозиция ёки ечим сингари Сюжет унсурлари бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу асло камчилик эмас, аксинча, ўқувчини бадий тафаккурга чорлайди, тасаввурини кенгайтиради. Баъзи адабиётшунослар пролог (мукаддима) ва эпилог (хотима) ларни ҳам Сюжет элементи сифатида

кўрсадилар. Сюжет композиция, конфликт, фабула каби адабий тушунчалар билан ҳам мустаҳкам боғланган.

### **Назорат саволлари:**

1. Фольклор асарларининг мазмун мундарижаси ҳақида тушунча беринг.
2. Фольклорга хос мотивларни тушунтириб беринг.
3. Сюжет тизимида мотивнинг ўрнига таъриф беринг.
4. Мотивларнинг жанрий хусусиятларини тушунтириб беринг.
5. Эпик асарлар сюжетида хос мотивларни аниқланг.
6. Фолкорда туш мотивига тарифф беринг.
7. Достонлардаги мотивларга мисол келтиринг.
8. Фольклор асарлари мотивларининг ўрганилиши ҳақида гаприб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Жўраев М. Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технологиялар” -2018. 192 б.
2. Б.Сайфуллаев, С.Йўлдошева, Ж.Эшонқулов, А.Аширов, Ў.Тошматов. Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. Ўқув қўлланма. Т.: “Наврўз”-2017. 214 б.
3. М.Жўраев. Фольклоршунослик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан” – 2008.
- 4.Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Т.: “Алоқачи” - 2008. 560 б.

### **2-амалий машғулот: Фольклор асарлар структураси**

**Ишдан мақсад:** Фольклор асарлари структурасининг ўзига хослиги, асарларда муқаддима ва воқелар ривож, хотимаси ва унинг ўзига хослиги илмий назарий жиҳатдан таҳлил этилади.

**Масаланинг қўйилиши:** Муқаддима ёхуд бошлама бадий асар структурасида муҳим ўрин тутди. Ёзма адабиётдан фарқли уларок, оғзаки ижодда муқаддималар қатъий, барқарор шаклга эга бўлиши билан бир қаторда ўзига хос тарзда намоён бўлади ва ижрочининг иқтидорини белгилаб берувчи муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланади. Мисол учун эртақларда бошламалар: «Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан; бўри баковул экан, тулки ясовул экан; қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан; тошбақа тарозибон экан, қурбақа ундан қарздор экан...», деб бошланади. Эртақлардаги бундай бошлама ўзининг бадиияти, мажозий мазмуни билан кизиқарли бўлиб, тингловчи диққатини ўзига жалб этади ва уни асосий қаҳрамонлар билан таништиради.

### *Ишни бажариш учун намуна.*

Эпик ижоддаги муқаддиманинг ўрганилиши, энг аввола, дoston структурасининг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Эпик асар сюжетининг кейинги ривожини таъминлаб беради. Достонда кечаётган жой, асосий образлар, эпик асар моҳиятида турган воқеликнинг моҳиятини тушунтиради. Муқаддимада кўпинча қаҳрамон шажарасига урғу берилади, унда тилга олинган қаҳрамон шунчаки, оддий бир қаҳрамон эмас, балки бевосита кўк билан, илоҳиёт билан боғланиши урғуланади. Муқаддималар ҳар матнда, қаҳрамонлик, романик дostonларда ўзига хос тарзда берилади. Бу бошламалар, бир-биридан фарқланиб турсада, уларда умумий жиҳатлар мавжуд. Муқаддималар:

1. Тингловчини воқеликка тайёрлайди, яъни уларни дostonнинг асосий қаҳрамонлари ҳамда воқеа бўлиб ўтадиган жой билан таништиради.

2. Достон қамраб олган воқеликнинг кўлами нақадар кенг эканлигини урғулайди.

3. Бадиий асардаги мотив ва сюжетларнинг ривожига тўртки беради ҳамда улар ўртасидаги ўзвий боғлиқликни таъминлайди.

«Алпомиш» дostonида муқаддима: «Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тағи икки ўғил пайдо бўлди: каттақонининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсари қўйди. Бойбўри билан Бойсари – иккови катта бўлди. Бойсари бой эди, Бойбўри эса шой эди, бул иккови ҳам фарзандсиз бўлди». – деб бошланади.

«Бурунги ўтган замон» бу мифологик тушунчага кўра ибтидонинг бошланиши, хаоснинг космосга айланишидир. Гап бу ерда нореаллик, ҳаётий асосга эга бўлмаган бадиий тўқима ҳақида гап кетмаяпти. Балки, ярми афсона, ярми ҳақиқат, мифологик қобикқа ўралган ўтмиш, тарих ҳақида ҳикоя қиляпти. Эртақдан фарқли улароқ дostonни ижро этувчи бахши ҳам, тингловчи ҳам ундаги воқеалар чин ҳақиқат эканига ишонади. Қолаверса, дoston ажодларнинг муқаддас хотираси, шонли тарихи ҳақида. Бу шонли воқеалар бир неча авлодлар томонидан қуйланиб келинган, авлодларга етказилган ва ижро этилаётган замонда ҳам давом этмоқда.

«Ўн олти уруғ Қўнғирот эли» юқоридаги ўтмиш тарихига янада ҳаётийлик бағишлайди. Бу тарих маълум бир уруғ, айна бир пайтда бутун бошли элат ўтмиши билан алоқадор эканини урғуламоқда.

«Добонбий» сўзи довон, юксаклик маъносида келади. Бу исм шунчаки танланмаган. Ҳаётда катта ишларни амалга оширган, юксак марраларга эришган қаҳрамоннинг рамзий тимсолий образидир. Достонда бу образ чизгилари гўё мукамал эмасдек, дoston бошламасида эсланиб, кейин нутилиб кетадиган исмдек туюлади. Бироқ, бу образга кейинги жумлалар, кейинги воқеалар ойдинлик киритади. Алпминбийдек Алпнинг дунёга келиши ўз-ўзидан бўлмаган. Унга Добонбий чеккан заҳмат, эришган донишмандлик сабаб бўлган.

Бойбўри билан Бойсари исмдаги «Бой» олд қўшимчаси уларнинг

шажараси кимлардан эканини кўрсатиб турибди. Бироқ эътибор қилсак, Добонбий, Алпинбий саналиб, кейин икки жуфт исм саналаяпти. Бу бежизгами?

Фольклорда эгизаклар тушунчаси мавжуд. Ҳар иккала исм ана шу эгизаклар ҳақидаги тушунчанинг маълум даражадаги бадий талқинидир. Одатда эгизаклар ҳақидаги мифологик тасаввурда эгизакларнинг бири катта, иккинчиси кичик бўлади. Она уруғчилик билан боғлиқ тасаввурлар устивор қонуният кашф этилаётган даврда урғу кўпроқ кенжага берилиб, кўп ҳолатларда бевосита она билан боғланади. «Кенжа ботир», «Учинчи ўғил» каби эртақлар, «Алибек билан Болибек» дostonлари бунинг ёрқин мисolidир.

Фақат бу ерда урғу Бойсарига эмас, аксинча Бойбўрига қаратилган. Алпомишнинг ҳам Бойбўрининг фарзанди экани бежизга эмас. Демак, бу дostonда ота уруғчилик билан боғлиқ тасаввурлар бўй кўрсата бошлаганидан далолат беради. Бироқ дostonнинг бошқа, жумладан, Барчин, Қалдирғоч, Сурхайил кампир, Товка ойим образлари талқини шуни кўрсатадики, дostonда она уруғчилиги билан боғлиқ тасаввурлар ҳам ҳали барқарор турибди.

«Алпомиш» дostonида алп- қаҳрамон туғилишидан олдин ота – оналарнинг фарзандсизлиги аслида рамзий маънога эга бўлиб, гап бу ерда салтанатни мустаҳкамлайдиган, пароканда элни яна бирлаштирадиган янги авлод – Алпнинг туғулиши ҳақидадир.

«Алпомиш» дostonида миллатнинг бўлиниши, парокандалиги Бойсарининг қалмоқ элига кўчиши орқали ифодаланади. Зеро, туркий халқлар тарихнинг маълум бир даврларида улкан салтанат, ҳокимият ва чексиз ҳукмронликка эга бўлган. Ўзаро бўлинишлар, урушлар ва бошқа сабаблар туфайли бу буюк салтанатга путур етган. Сўнгра халқни, миллатни бирлаштира олган янги авлод – Алплар туғилиб, туркий халқларнинг тарих сахнасидаги олдинги юксак мавқеийи яна қўлга киритилган. Худди шунга ўхшаш воқеаларнинг бадий ифодаси ҳар иккала асарнинг моҳиятини ташкил этади.

Эътибор қилсак, «Алпомиш»да Алпинбайдан қолган, кўлда занг босиб ётган камонни фақат Ҳакимбек ота олади. Алплик камонининг кўлда занг босиб ётиши ундан олдинги авлод ўз вазифасини охиригача бажара олмаганидан далолат беради. Бундай вазифани янги авлод – Алпларгина охирига етказди. Камон билан боғлиқ мотив «Дада Кўркут китобида ҳам ўхшаш ҳолатда келади.

Эпик ижоддаги алплик тизимига турлича ёндошув мавжуд. Хорижлик олимлар Лорд Раглен, Карл Райхл, Ожал Ўғзулар ўз тадқиқотларида «Қаҳрамонлик қолипи», ўзбек фольклоршунослари эса «алплик тизими» деган атамани ишлатади. Яъни фольклордаги қаҳрамон шунчаки қаҳрамон эмас, балки унинг жасорати, мардлиги, қаҳрамонлигини бўртириб турадиган жиҳатлар мавжуд. Бу жиҳатлар дostonларда эпик қолип шаклида келади. Яъни, қаҳрамонлар маълум бир тизимга амал қилишади. Бундай мисолларни

яна кўплаб келириш мумкин.

Достонлар муқаддимасининг илк жумласидаёқ аждодларимизнинг шонли ўтмиши билан боғлиқ тасаввурлар мустахкам ўрин олган. Демак, мазкур ҳолат достоннинг мифологик қатлами, юзага келиш даврига ҳам маълум даражада аниқликлар киритади. Бошқача айтадиган бўлсак, халқнинг кўп минг йиллик тарихи, тафаккур тарзи ҳақида жуда бой ва қимматли маълумотлар беради.

«Дада Қўрқут китоби» муқаддимаси «Китоб «Расулалайхиссалом замониға яқин Баят бўйида Қўрқут ота деган бир эр ўртага чиқди. У киши ўғзининг донишманди эди. Айтгани бўларди. Ғойибдан турли хабарлар сўйларди. Ҳақ таола унинг кўнглига илҳом бахш этарди», деб бошланади. Гарчанд дастлабки муқаддимада Қўрқут ота ҳаёти ислом тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда берилсада, бироқ қуйма фикр, мақол ўрнида келган сатрларда Қўрқут ота билан боғлиқ қатлам жуда қадимий эканлиги сезилиб туради.

«Дада Қўрқут китоби»нинг ҳар бир ҳикоясида Қўрқут ота асосий образ сифатида гавдаланади: «Дедем Коркут бой бойлади соз сойлади», «Дедем Коркут гелди садилик салди бой бойлади сой сойлади? Гази эренлер басина не гелдигини сойлади» ва ҳақозо.

Уруғбоши, йўлбошчи ва шунинг билан бир вақтда эпик ижодкор бўлган Қўрқут ота ҳақидаги мифологик тасаввурлар бир нарсани: бахши ва шомон аслида бир синкритик образнинг турли даврлардаги турлича кўриниши эканлигини исботлаб турибди.

Бундай эврилишлар халқнинг тарихи, қаҳрамонлик ўтмиши ва манавиятининг сарчашмаси бўлган эпик онгнинг тараққий этишида муҳим рол уйнаган. Эпосдаги магик жиҳатлар аста сўна бориб, шомон, табиб, бахши, йўлбошчи функциялари бир-биридан табора фарқлана борган: «..Баёт наслидан Қўрқут ота деган эр дунёга келди. Ул киши Ўғузнинг тамом билгувчиси эди. Ўғуз ичида унинг бор каромати зоҳир бўлмиш эди. На деса бўларди, ғойибдан турли хабар сўйларди». Демак у миллатнинг йўлбошчиси, донишманди, қаҳрамони. Лекин у биринчи галда патриарх шомон қиёфасини ўзида мужассам этган улкан эпик ижодкордир. Унинг кароматгўйлиги, ғойибдан сирлар сўйлашига ҳам бахшичилиги сабаб. «Дедем Коркут гелубен садилик салди, бу Огуз-намеи дузди косди, бойле деди». Демак: «гелубен садилик салди» – эпик анъанани давом эттирди, «дузди косди» ўзининг ижрочи эмас, ижодкор бахши эканлигини намоиш этди, «бойле деди» – келгуси авлодга мерос қолдирди.

Ўз тадқиқотларида Қўрқут отанинг бахшилик сифатларига алоҳида эътибор қаратган Муҳаррам Эргун шундай ёзади: «Бу исе Деде Коркутун Деде Коркут китабиндеки озан ве гаиптен ҳабер верме сифатларина бастанбаса уйгундур»

Достондаги «Деде Коркут китаби» даги: «Деде Коркут дилинден озан айдуру» жумлалари, бир томондан мазкур ёдгорлик эпик анъана намунаси эканини урғулайдиган жиҳат бўлса, иккинчи томондан эпосда Қорқўт отани



ўзига пир ва устоз деб билган бошқа бахшилар образини ҳам кўз олдимизда гавдалантиради.

Китобда муқаддима бир неча ўринда, яъни китоб бошида ҳамда ҳар бир бўлим–достон бошида келади. Бу муқаддималар моҳиятан бир-бирини тўлдиради.

Достоннинг дастлабки бўлим муқаддимасида Бойиндирхоннинг тўйидаги Дирсахонга бўлган, яъни фарзанди йўқ одамга иззат-икром кўрсатилмаганлиги билан «Алпомиш» достонида Бойбўри ва Байсарига элатнинг тўйида иззат – икром кўрсатилмаганлиги, фарзандсиз эрнинг фарзанд кўриш учун чора излаши ва охир-оқибатда алп фарзанд кўриши билан боғлиқ ўринлар айна бир эпик воқеликнинг турлича баёнидир.

Ҳали вояга етмаган Дирсахон ўғлининг бўқа билан олишиб, уни енгиши ва Қўрқут ота келиб унга исм қўйиши ҳам «Алпомиш» достони бошламасидаги Ҳакимбекнинг етти ёшга етганда Алпинбийдан қолган камонни отиб, ҳаммани лол қолдиргани ва эл-улус йиғилиб унга Алпомиш деб исм қўйиши ҳам жуда ўхшашдир. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Алплик тизими – эпик асар, асосан қаҳрамонлик достонлари ўзагида турувчи, шомонлик тасаввурлари билан боғлиқ тизим. Бу тизимга кўра қаҳрамон Алп бўлиб танилиши учун бир қанча босқичларни босиб ўтиши зарур. Булар: 1) Алпнинг танланиши; 2) алплик «хаста»лигига дуч келиши; 3) қайта яралиши (ўлиб-трилиши). Худди Алпомиш каби кўпгина достон қаҳрамонлари мана шундай босқичларни босиб ўтиб, Алп атанади ва эпос қаҳрамонига айланади. Алпомиш, Гўрўғли айнан ана шундай алп қаҳрамонлар ҳисобланади. Достондаги “алплик касали”, “алпнинг қайта яратилиши” ва “алпнинг тан олиниши” билан боғлиқ сюжет ҳалқалари, эпос сюжетининг илк қатламига тааллуқли бўлиб, бевосита анимистик дунёқарашлар асосида шаклланган ҳамда алплик тизимининг таянч бўғинларидан ҳисобланади. Достон сюжети ва талқинида алплик тизимининг мавжудлиги унинг қаҳрамонлик эпосига мансублигини аниқлашда таянч мезонлардан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, достон муқаддимаси эпик асарнинг сюжет қурилмасида ўзига хос асос вазифа ўтайди. Достонда келадиган барча кейинги воқеалар ана шу бошлама билан бевосита боғланган ҳолда келади. Айтиш мумкинки, муқаддима достон сюжетни ташкил этувчи мотивларнинг бошланғич нуктаси ҳисобланади.

Муқаддима тингловчини эпик воқеликка олиб киради. Достон кечаётган жой, асосий қаҳрамонлар билан таништиради. Эпик асар воқеларини яхлит, бир бутун ҳолда жамлаб туради. Достоннинг мазмун моҳияти очиб беради, унинг яратилиш даврига қайсидир даражада аниқликлар киритади.

Достон муқаддималарининг ўрганилиши эпик асарларнинг асрлар оша яшаб келиш сабаблари, оғзаки ижро санъатининг ўзига хослиги, тараққиёт босқичлари, ижро ҳолати ҳақида тасаввурларни мукаммалаштиради, эпик

санъатдаги мифологик тасаввурларнинг поэтик тасаввурларга айланиш жараёни ҳар бир жанрда ўз талаб ва мезонларидан келиб чиққан ҳолда такомил топишини урғулайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Бадиий асарда шакл ва мазмун тушунчасига изоҳ беринг.
2. Фольклор асарларида мундарижа ва мазмун уйғунлиги деганда нимани тушунасиз?
3. Фольклор асарларига хос структура ҳақида сўзлаб беринг.
4. Эпик асарда муқаддимага мисоллар келтиринг ва таҳлил қилинг.
5. “Алпомиш” достнидаги структура ҳақида сўзлаб беринг.
6. Достон хотимаси деганда нимани тушунасиз?
7. Достон ва эртак хотимасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳаткарни гапирб беринг.
8. Фоклор асарлари структурасини ўрган олимлар ишларини санаб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Жўраев М. Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технологиялар” -2018. 192 б.
2. Б.Сайфуллаев, С.Йўлдошева, Ж.Эшонқулов, А.Аширов, Ў.Тошматов. Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. Ўқув қўлланма. Т.: “Наврўз”-2017. 214 б.
3. М.Жўраев. Фольклоршунослик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан” – 2008.
4. Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Т.: “Алоқачи” - 2008. 560 б.

### **3-амалий машғулот: Эпос ва унинг илмий ўрганилиш муаммолари**

**Ишдан мақсад:** Эпос ва уни тадқиқ этиш методларидан фойдаланган ҳолда қарор қабул қилиш бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Эпосни қиёсий-типологик ўрганиш зарурати ҳамда уни руҳий-таҳлил методи орқали ўрганиш. Халқ оғзаки ижодидаги бирон асарнинг ёки луғат бойлигимиздаги сўзнинг қадимийлигини аниқлаш учун уни ёндош халқлар ижодида ёки ўша миллат тилида мавжудлигини ўрганиш яхши натижа беради. Бу жиҳатдан "Алпомиш" достони мазмунига оид асосий воқеалар олтой, татар, бошқирд, қозок, қорақалпоқ ва бошқа туркий халқларда эртак, ривоят, достон шаклида мавжуд экани асар ниҳоятда қадим замонларда яратилганини далиллайди. Проф. Тўра Мирзаев достон

вариантлари юзасидан олиб борган тадқиқотларида унинг "Алпомиш", "Алпамис", "Алпамис ботир", "Алип - манаш", "Алпамша", "Алпамиша ва Барсин хилув" каби номларда аталишини қайд этади. Ҳатто "Дада Қўрқут китоби"нинг учинчи бўй (достон)и "Бамси Байрак" ўзининг сюжет воқеалари жиҳатдан "Алпомиш"га яқин туришини таъкидлайди<sup>79</sup>. Олимларнинг маълумот беришига қараганда, XIX аср охирида Й.Ф.Кал ўзбек-қўнғирот уруғи айни аймақига мансуб бахши Омонназардан дутор жўрлигида достон тинглагани ва бу достон "Алпомиш" достони бўлиши кераклиги ҳақида маълумотлар ҳам бор<sup>80</sup>. Шундай қилиб, "Алпомиш" достони ўзбек қаҳрамонлик эпосининг энг қадимги ва мукамал намунаси эканига ишонч ҳосил қиламиз. Ўзбек фольклоршунослигида унинг ўнлаб вариантлари тўлиқ ва парча ҳолида ёзиб олинган. Қадимги анъаналар асосида достон куйлаган Жасоқ бахши, Йўлдош бахши, Жуманбулбул, Эрназар бахшилар ўз тажрибаларини Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Пўлкан, Абдулла шоир, Нурман Абдувой ўғлига мерос қилиб қолдирганлар. "Алпомиш" бу бебаҳо мероснинг ноёб ва бетакрор мўъжизаси бўлиб шуҳрат топди. 1928 йилда Маҳмуд Зарифов устоз Ҳоди Зариф раҳбарлигида Фозил Йўлдош ўғлидан икки ой давомида "Алпомиш"нинг тўлиқ матнини ёзиб олди. Бугунги кунда достоннинг Бекмурод Жўрабой ўғли, Хушбоқ Мардонакул ўғли, Берди бахши (Бердиёр Пиримқул ўғли), Саидмурод Панох ўғли, Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли вариантлари нашр этилган. Фозил Йўлдош ўғли айтган достон эса бир неча марта устоз Ҳ.Зарифов ва Т.Мирзаев нашрга тайёрлаган шаклда эълон қилинди.

Айтиш мумкинки, агар бахшилар маҳоратини белгилашда "Алпомиш" достонини ижро эта олиши ёзилмаган қоидалардан муҳими ҳисобланса, фольклоршуносликда бу достон ҳақида мақола ёзиш ёки китоб эълон қилиш ҳар қандай ўзбек олими ҳавас қилган воқеа белгисидир. Шунинг учун ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганган, илм ривожига муносиб ҳисса қўшган олимлар Ҳ.Зарифов, Ғози Олим Юнусов, М.Афзалов, М.Алавия, З.Хусаинова, М.Саидов, Б.Саримсоқов бугунги кунда эса Т.Мирзаев, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқул каби мутахассислар мазкур достон таҳлилига бағишланган мақолалари, тадқиқотлари, асарни нашрга тайёрлашдаги иштироклари билан фольклоршунослик илмимизни бойитдилар. Айни пайтда Ҳ.Олимжон, М.Шайхзоданинг достон юзасидан билдирган мулоҳазалари ҳали ўз қимматини йўқотмаган.

"Алпомиш" достони ҳақида мазкур қўлланмадаги фикрлар Фозил Йўлдош ўғли вариантига асосланишини қайд этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, "Алпомиш" достони деярли ҳамма эпос билан шуғулланувчи олимларнинг эътиборини ўзига жалб қилган экан, асар ўта мураккаб бўлгани сабабли билдирилган мулоҳазаларда ҳам турли ёндашишлар, мунозарали таҳлилларнинг мавжудлиги ҳам табиийдир.

**Ишни бажариш учун намуна.** Достон матнини ўқир эканмиз, халқ оғзаки ижодидаги эпик асарларга хос хусусиятлардан бири – фарзанднинг етишмовчилиги охир пировардида хурсандчилик билан яқунланишига гувоҳ

бўламиз. Асарни яратишдан назарда тутилган бош мақсад фарзанд дунёга келганидан кейин бошланади. “Алпомиш”да ҳам Бойбўри ўғил ва қиз кўрди, Бойсари қизли бўлди. Ана шу янгиликдан сўнг қаҳрамонлик эпоси ўз зиммасига юклатилган ижтимоий вазифани бажаришга киришади. Таниқли олимлар В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифов бу вазифани қабила уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва мамлакатни бошқарувчи давлат тизимининг вужудга келиши билан боғлайдилар. Бу ғоя кейинчалик М.Саидов томонидан ривожлантирилди. Олимнинг фикрича, мамлакатни бошқарувчи давлатни вужудга келтириш ғояси жамият ёшлари Ҳакимбек, Қалдирғоч, Барчин томонидан илгари сурилади. Ҳакимбек “закот” тушунчасини ўйлаб топди. Унинг отасига айтган закоти рамзий маънони ифодалайди. Уни ислом динидаги закот деб қабул қилиш тўғри эмас. Узок ўтмишда солиқ йиғувчини закотчи деб аташ одати бўлганлигини ҳисобга олсак, Алпомишнинг таклифи солиқ экани равшанлашади. Бойсари нутқида бу маъно янада аниқлашади. У акасининг ўғли борлигини юзига солганини, акасига закот бергунча ўзга юртда жузя бериб яшагани маъқул эканини таъкидлайди. Ваҳоланки, исломда закотдан ҳеч ким воз кечган эмас. Аксинча, ҳар бир одам Аллоҳнинг закот беришга етказгани учун шукр қилган. Қолаверса, исломий закот иқтисодий қийинчиликдаги одамга берилади. Достонда эса Бойбўри закотни ўзига беришни талаб қилмоқда. Устига-устак белгиланган закот ҳажми битта улоқдан иборат. Маълум бўладики, Бойсари бор-йўғи биттагина улоқни закотчиларга топширса, ўзининг Бойбўри ҳукмида эканини тан олади. Бойсари эса бу ҳолат рўй беришини истамайди. У ўзини Бойбўрига ҳар томонлама тенг деб билади. Яна бир вазиятга эътибор беринг. Бойсарининг қалмоқ юртига кўчишини Барчин маъқулламайди. Натижада, у Алпомишни қўллайди. Хуллас, Алпомиш туғилгунга қадар тотув яшаётган эл эндиликда иккига бўлинади. Энди Алпомиш зиммасида бўлинган аҳолини ўз ҳаракати билан бирлаштириш вазифаси туради. Бу вазифани бажариш учун Алпомиш қалмоқ юртига сафар қилиши ва мусофирликда яшаётган юртдошларини Бойсун-Қўнғиротга қайтариши керак. Мазкур мақсадни амалга ошириш режаси бахши томонидан жуда асосли тузилган: Барчинга қалмоқ алплари совчи кўйишади. Барчин хат ёзиб, Алпомишни Қалмоққа чақиради. Аммо Бойбўри ўғлининг ўзга юртга сафар қилишини истамайди. У мактубни сандиққа яширди. Ана шу сабаб билан достон воқеаларининг фаол ривожланиши Қалдирғоч ҳаракатига боғланади. Унинг ташаббуси билан Алпомиш кўрик воситасида Бойчиборга эга бўлади ва отасининг ихтиёрига қарама-қарши равишда Барчинга ўйланиш учун Қалмоққа жўнайди. Қалмоқда эса уни катта синов кутаётган эди. Профессор М.Саидов фикрича, бу синовни, аслида, келажакда давлат бошқаришни бўйнига оладиган Алпомиш учун Барчин ўйлаб топади. Унинг мулоҳазасига кўра давлат бошқарувчиси зотдор отга, сифатли ёйга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга у одам жанг санъатини, айна пайтда ёйдан ўқ отишни билиши, жисмонан бақувват бўлиши шарт. Барчин бутун вужуди билан у қўйган тўрт шартни Алпомиш бажаришини

хоҳласа-да, мусобақаларнинг ҳаммасида ўзини бетараф, одил қилиб кўрсатади. От пойгасида қатнашаётган Бойчиборга йиғлаб мурожаат қилади ва ундан маррага биринчи бўлиб келишини сўрайди. Курашда Алпомиш билан Кўкаманинг кучи тенг келиб турганда, севгилиси ориятига тегиб, ғолиб кела олмаса рақиб билан куч синашиш навбатини ўзига беришни талаб қилади. “Алпомиш” достонидаги бу каби лавҳалар давлатни бошқариш осон иш эмаслигини қайта-қайта таъкидлаш учун киритилгандек туйилади. Достоннинг биринчи қисми асарни ижод қилган аждодларимиз томонидан кўйилган дастлабки довлонни эгаллаш билан белгиланади. Яъни Алпомиш Бойсун-Кўнғирот аҳолисини бир давлат чегарасида бошқаришни ният қилди ва бу ниятига Қалмоққа кўчиб кетган юртдошларини қайтариш билан эришди. “Алпомиш” ижодкорлари Бойсаридagi ўжарликни атайин бўрттириб кўрсатадилар ва унинг Қалмоқда қолишини асослайдилар. Натижада, Алпомишнинг Қалмоққа иккинчи сафари далилланади. Муҳими шундаки, Алпомишда Қалмоқ подшоси Тойчихоннинг мамлакатини тўғридан-тўғри босиб олиш нияти йўқ эди. Тойчихон Бойсари чорвасини зўрлик билан тортиб олди ва ўзига подачи қилиб зулм ўтказди. Бойсари зулмга чидай олмай қизига мактуб ёзишга мажбур бўлди. Иккинчидан, Алпомиш иккинчи сафарида Сурхайил қўйган тузоққа илинди. Етти йил зиндон азобини бошидан кечиришга мажбур бўлди. Энди Алпомиш Тойчихонни жазолашга ҳақли эди. Достон ижодкорига қойил қолиш керакки, бош қаҳрамоннинг етти йил зиндонда ётиши давомида тингловчини зериктирмасдан кўплаб кизиқтирувчи лавҳаларни ўйлаб топган. Достон билан яқиндан танишган тингловчи ёки матн ўқувчисининг диққати бир дақиқа ҳам бўшашмайди. Аввало, Алпомишнинг зиндонга тушиши, кейинчалик ғоз иштирокидаги лавҳалар, Шакаман тоғидаги кампир ва овчи йигит воқеаси, Қоражоннинг дўстини озод қилиш мақсадида Қалмоққа келиши, Тавканинг достон мазмунига аралашуви, Сурхайил ва Тойчи муносабатлари, бозор эпизодлари, Кайқубоднинг Алпомишга ёрдами кабилар шу қадар маҳорат билан тасвирланадики, биз, бир томондан, Алпомиш тақдири гувоҳига айлансак, иккинчи томондан, йирик эпик тасвир якунидаги қаҳрамонлар ҳаракатидан қониқиш ҳосил қиламиз. Қадимги замонларда бирон юрт ҳақиқий маънода мустақил ҳисобланиши учун унинг тасарруфида қайсидир мамлакат бўлиши шарт ҳисобланган экан. Бу масала мутлақо босқинчилик билан боғланмаган. Гўрўғли туркуми достонларида Чамбилга ҳужум қилган подшоҳлар кейинчалик Гўрўғлига қарам бўлганига кўп марта ишонч ҳосил қилганмиз. “Алпомиш”да ҳам ўхшаш ҳолат рўй беради. Ҳақимбек Сурхайил кампирни, Тойчихонни ўлдиради, Кайқубодни Тавкага уйлантиради, Қалмоқ юртида Кайқубод Алпомишни зиндонга ташлаш хийласини ўйлаб топади, бу ерга ўз одамини подшоҳ қилади. Иккинчи сафари ҳам ғалаба билан якунланади. Натижада, қадимги тушунчалар асосида Бойсун-Кўнғирот мустақиллигини таъминлаган бўлади. Доно халқимизнинг ҳар бир тадбирига ана шундай бир қарашда кўзга кўринмайдиган ечимлар воситасида ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш маҳоратига қойил қолиш керак. Муҳими, халқнинг ана шундай

зукколик билан тузган дoston мазмунини ташкил қилувчи режаси Алпомиш воситасида ҳаётга татбиқ этилади. Алпомиш бутун ўзбек халқининг рамзий тимсолига айланади. Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ вариантларида ҳам унга нисбатан ўзбек сўзининг сон-саноксиз тарзда қўлланилиши фикримиз далилидир. Алпомишдаги тадбиркорлик, мардлик, ўз бахти, келажак ҳаёти учун курашга чанқоқлик, вақтинчалик муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмаслик, имонини покиза сақлаш фазилатлари, аслида, ўзбекка хос асосий белгилардир. У зиндонда ётганида яраланган ғозни даволайди. Шунда Бобир кўлида ғозни кўрганини эслайди. Зиндонда, тутқунликда ётишни жароҳатланган ғозга қиёслайди. Зиндондан қутулиб, Қайқубодни Қалмоққа подшоҳ қилиб ўз ватанига қайтганида ҳам тадбиркорлик билан иш кўради. У Қултой, Қалдирғоч, Бойбўри, онаси Кунтуғмиш Ултонтоз, Бодомбикачларнинг ҳаммаси билан яккама-якка учрашиб чиқади. Ўзини Қултой қилиб кўрсатиш баҳонаси билан дўст-душманни холис ажратиб олади. Зеро, давлатни бошқарувчи инсон атрофидаги мулозимлари маслаҳати билан иш кўрса, қачондир адолатсизликка йўл қўйиши мумкин бўлади. Алпомиш эса ким билан қандай муомала қилишни ўзи бевосита синаган воқеасига кўра белгилаб чиқади. Дostonда Алпомишнинг ўз оиласига қайтишини тасвирлашда бахши дoston эшитаётган тингловчиларга турли йўللار билан ҳаётда зийрак бўлиш керак, деган ўғитни ҳам бериб ўтади. Хусусан, Қултой Алпомишнинг Алпомишлигига ишонмайди. Шундан кейин Алпомиш чап елкасидаги Қултой панжасининг доғини кўрсатади. Шундан кейин Алпомиш Қултой қиёфасида юртдошлари билан учрашади. Бу кўринишлар тасвирланган дoston саҳифалари худди бадий фильмдаги экран лавҳаларини эслатади ва ҳар сафар “Қултой”да Алпомиш белгилари намоён бўлади. Тўйга кетаётган хотинларнинг тугунларини мутлақ бўшатади. Бир қозон ошни пишмай туриб қуритади ва ҳ.к. Худди шунга ўхшаган нозик белги Ёдгорнинг ёй кўтаришида бахшининг ўта маҳоратли тасвири билан ифодаланади. Ёдгор Арпа кўлида ётган ўн тўрт ботмон ёйни тўйхонага олиб келиши керак эди. Бахши бу ўринда шундай дейди: Жаҳон титрар Ёдгор овозасига, Қулоқ солинг бу сўзнинг мазасига. Ўн тўрт ботмон парли ёйни судраб келиб қолди қўнғирот дарбозасига. Эътибор берсак, бахши бизга алоҳида сўзнинг мазасига қулоқ солишни ва ўн тўрт ботмон ёйни судраб келганини таъкидламоқда. Хўш, нима учун айнан ёйни судраб келганига урғу берилмоқда. Гап шундаки, бу маълумот билан ҳам Алпомишнинг тирик экани қайд этилади. Агар ёй туркий халқларда юртга эгалик белгиси ҳисобланса, Алпомиш тирик бўлгани учун ҳам Ёдгор ёйни ҳали кўтариш ҳуқуқига эга эмас. Ёдгорнинг ёйни судраб келганига урғу берилишини шу ҳолат билан изоҳлаш мумкин. Бахшининг маҳорати яна дostonдаги воқеалар заминиди муттасил равишда Алпомиш таъсири аниқ сезилиб туриши билан намоён бўлади. Қизиғи шундаки, бирон воқеа тасвирланар экан, Алпомиш унда иштирок этадими-йўқми унинг нигоҳи мазкур воқеани кузатиб тургандек туйилади ўқувчига. Дostonдаги Барчиной билан боғлиқ воқеалар бахшилар томонидан алоҳида

меҳр билан баён этилади. У зукколиги, тадбиркорлиги, донолиги, мардлиги жихатдан Алпомишдан қолишмайди. Сурхайил кампир ўғиллари Барчинойни зўрлик билан хотинликка олмоқчи бўлганларида, қиз алплардан бирини кўтариб ерга шундай зарб билан урадики, алпнинг оғзидан кўпик сачрайди. Шундан сўнг алплар Барчинга Алпомишни кутиш учун олти ой мухлат беришга мажбур бўладилар. Барчиной Алпомишни севади, аммо бу илиқлик ундаги масъулият туйғусини инкор этмайди. Чунки Барчин Алпомишни фақат оила бошлиғи сифатида эмас, Бойсун-Қўнғирот эли давлатининг бошқарувчиси, янги тузумдаги комил инсон бўлишини ҳам назарда тутди. Алпомиш билан оила курганидан сўнг унда янги фазилатлар пайдо бўлади. Айниқса, Ёдгор туғилганидан сўнг Барчин меҳрибон она, умр йўлдошидан ажралган аёлга айланади. Профессор Б.Саримсоқов Барчиннинг Ултонтозга мажбуран турмушга чиқиши муносабати билан шундай дейди: “...Барчиндек алп қизнинг дoston сюжетининг иккинчи қисмида Ултонтоздек тағи-зоти бетайин бир хизматкорнинг зўравонлигига кўниб, тақдирга тан бериб ўтириши кишини ажаблантиради. Чунки ўз бахти учун тўқсон алпнинг зўравонлигига дош бериб, уларга шартларини ўтказа олган бу аёл нега энди Ултонтозга турмушга чиқишга кўнди?”<sup>86</sup> Олим ўз саволига ўзи жавоб бериб, бу розиликни эпосдаги шартлилик билан изоҳлайди. Шубҳасиз, биз бу мулоҳазага қўшилаемиз. Аммо, бизнингча, масаланинг яна бир томонига ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Хусусан, алплар билан муносабатда Барчин расман турмушга чиқмаган қиз эди. Қалмоқлар юртида уни ҳимоя қилувчи куч йўқ бўлгани сабаб алп ака-укаларга қарши ўзи курашга отланган. Иккинчи қисмда эса Барчин ўлди деб ҳисоблагани билан аслида Алпомиш тирик-ку. Ўз оиласини, ўз кўрғонини Алпомиш душманлардан ўзи асраши керак. Қолаверса, Ултонтозга бу сафар ҳам Барчин қарши чиққанида, Алпомиш бажариши лозим бўлган катта кураш вазифаси ўз қадрини йўқотар эди. Шундай қилиб, бахши дostonда Барчин иштирокини тасвирлашда жуда эҳтиёткорлик билан иш кўради ва уни энг гўзал фазилатларга эга аёл сифатида тасвирлайди.

Дostonдаги Қоражон образига алоҳида эҳтиёткорлик билан ёндашишимиз лозим. Чунки Қоражон маккор Сурхайил кампирнинг ўғли бўлишига қарамай табиатан адолатли шахс. Онаси Барчинойга совчиликка кетаётганида айнан Қоражон уни йўлдан қайтаради. У Қўнғирот элидан келганларнинг тинчлигини бузишни маъқулламайди. Бироқ Сурхайил Барчинни Қоражонга олиб бермоқчи эканини эшитиб, онасига оқ йўл тилайди. Қоражон дostonда жуда содда ва самимий шахс деб тасвирланади. У онасининг совчиликдан “бўри” бўлиб қайтганига осонгина ишонади ва бутун Бойсари уруғи орасида роса кулгига қолади. Аммо тақдир уни Алпомиш билан яқинлигини қайта-қайта тасдиқлайди: Алпомишнинг мазористондаги тушини у ҳам кўради. Мурод тепада унинг навбатчилиги пайтига Алпомишнинг Қалмоққа сафари тўғри келиб қолади. Буларнинг ҳаммаси етти ака-укадан Қоражоннинг бойсунликларга бўлган муносабатини белгилаган бўлиб чиқади. Халқ оғзаки ижодида бир қаҳрамон мардлиги

олдида иккинчисининг тан бериши умумий анъана ҳисобланади. Қоражон ҳам Ҳақимбек олдида ўзининг қойил эканини тан олади. У билан ака-укалари ўртасида келишмовчилик пайдо бўлади. Қоражон тушида исломни қабул қилгани учун қалмоқлардан кўра бойсунликларга кўпроқ эргашиб иш тутлади.

Достонда ижобий қаҳрамонларнинг фазилати салбийлари билан муносабатга киришилганда аниқроқ сезилади. Бу ўринда Бойбўри, Бойсари, Кўкалдош ва Сурхайилни алоҳида қайд этиш лозим. Бадиий адабиётда қаҳрамоннинг салбий, ижобийлигидан қатъи назар асарда тасвирланиш даражаси мукамалликка эришса, гўзал образ деб аташ қабул қилинган. Масалан, “Ўткан кунлар”даги Ҳомид, “Меҳробдан чаён”даги Абдурахмон гўзал образ ҳисобланади. Чунки улар ҳақиқий инсонда нафрат уйғотади. Яъни бу ўринда қаҳрамоннинг феъли эмас, яратилиши жараёнидаги адиб маҳоратининг намоён бўлиши асос ҳисобланади. Айтмоқчимизки, “Алпомиш” достонидаги энг гўзал образлардан бири бу Сурхайилдир. Агар холис баҳо берадиган бўлсак, Сурхайил ниҳоятда ақлли, хушёр, тадбиркор, иродали, ўз мақсадига эришувчан кампир. Достон саҳифаларида унинг исмини учратганимиз заҳоти кўнглимизда ғашлик пайдо бўлади. Бу ғашлик кўпинча ўзини оқлайди. Чунки ҳийла ўйлаб топишда, хиёнат чегарасини белгилашда унинг олдида тушадиган қаҳрамон фақат “Алпомиш”дагина эмас, умуман, халқимиз оғзаки ижодида бошқа учрамаса керак. Ўз ҳаракатларини жуда асослайди. Рақиб кучини тўғри баҳолайди. Вужудга келган вазиятни жуда аниқ белгилайди ва зудликда ундан фойдаланиш режасини туза олади. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, Алпомиш маст ётганида ёкишиди – ёнмади, уни курол яралай олмади. Шунда Сурхайил зиндонни ўйлаб топади. Ундан олдин Алпомишни бутун йигитлари билан банди қилиш режасини ҳам у тузади. Ҳатто Алпомишнинг ишончини қозониш учун Тойчихон аскарлари келаётгани ҳақида хабар ҳам беради. Бу хабардан аввал Тойчихон билан келишиб олган эди. Унинг ҳар бир ҳаракати Алпомишга қарши қаратилган. Тавканинг Ҳақимбек зиндонига лаҳм кавлаганини ҳам Сурхайил фош этади. Хуллас, Сурхайилнинг салбий бадиий образ даражасидаги фазилати шу қадар мукамал ишланганки, ундан ҳар қандай моҳир ва тажрибали адиб маҳорат мактаби сифатида фойдаланиши мумкин. Маълум бўладики, “Алпомиш” қаҳрамонлар тизимини яратиш бўйича ҳам энг олий даражадаги бадиий асар деб баҳоланишга лойиқ экан.

“Алпомиш” достони бадиий жиҳатдан ҳам мукамал асар. Фақат сиз бадиийлик деганда бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш кўламинигина тушунмаслигингиз лозим. Чунки бадиийлик тушунчасининг ўзи жуда мураккабдир. “Алпомиш” достонида қабила-уруғчилик муносабатларининг тугалланиши ва давлатнинг вужудга келиши акс этган дедик. Масаланинг кўйилиши бошқа, уни бадиий мукамал ҳолда ишонарли қилиб тасвирлаш бошқа. “Алпомиш” достони асрлар давомида халқимизни мардлик, қаҳрамонлик, адолат, иродалик руҳида тарбиялаб келди. Мана шундай вазифани шараф билан бажариб келган асар, албатта, бадиийлик талабига жавоб бера оладиган бўлади, яъни асар ижросини тингловчилар қизиқиш



билан қабул қиладилар. Қахрамонларнинг ғалабасидан қалблари қувончга тўлса, мағлубиятидан ташвишга тушади. Асардаги воқеаларга у тўлик ишонади. Айрим камчиликлар эса унинг хаёлига ҳам келмайди ёки камчиликларни сезмасликка уринади. Айнан мана шундай рухий ҳолатнинг вужудга келиши ҳам асар бадиияти даражасидан маълумот беради.

Фозил Йўлдош ўғли моҳир ва тажрибали бахши бўлгани учун асардаги воқеаларни баён қилишда шошилмайди, ҳар бир лавҳа иштирокчиларининг ташқи қиёфасини, ички дунёсини, атрофдаги табиат манзараларини, воқеа-ҳодисаларни изчил таърифлайди. Томошабин кўз олдида жонли воқеа тасвирини намоён қилади. Асардаги қахрамон хатти-ҳаракатларини далиллашга эътибор беради, шунинг учун ҳам тингловчи кўнглида дoston мазмуни билан боғлиқ ечилмаган жумбоқ қолмайди.

“Алпомиш” достони бадиий тасвир воситалари: муболаға, ўхшатиш, сифатлашларга жуда бой. Масалан: “Ҳақимбек етти ёшга кирган. Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳақимбек шул ўн тўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб кўтариб тортди, тортиб қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди, Асқар тоғининг катта чўққиларини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди<sup>87</sup>”. Луғатларда оғирлик ўлчови “ботмон” Ўрта Осиёда 2 пуддан 16 пудгача вазнга эга экани кўрсатилган. Агар 1 пуд 16 килограммга тенг бўлса, 14 ботмон энг кичик ҳисобда 224 килограмм бўлади. 7 ёшли Ҳақимбекнинг бронзадан қуйилган (биричдан бўлган) шу қадар оғир ёйни кўтара олиши, унга мос ўқ жойлаши ва ўқни отиб, катта тоғнинг чўққисини учуриб юбориши тингловчиларда ҳайрат уйғотади. Аммо тингловчи бу воқеанинг содир бўлганига шубҳа қилмайди. Чунки Ҳақимбекнинг дунёга келишини авлиёлар қўллашган. Шоҳимардон пирининг ўзи қаландар қиёфасида келиб, Ҳақимбек деб исм қўйган. Муболағали ўринлар алплар гавдалари, Барчин, Қалдирғоч гўзаллиги тасвирида, ботирларнинг курашларида, от пойгасида жуда ўринли яратилган. Достонда ажойиб ўхшатишлар бор:

Остингда бедовинг халлослар қушдай,

Аччиғинг чиллали музлаган қишдай.

Бу сатрларда масофани тез босиб ўтадиган Бойчибор қушга, Алпомишнинг ғазаби атрофни музлатадиган қишга ўхшатиляпти. Достонда:

Давлат қўнса бир чивиннинг бошига,

Семурғ қушлар салом берар қошига.

От чопса гумбирлар тоғнинг дараси

Урушда билинар марднинг сараси—

каби ҳикматли сўзлар тез-тез учрайди. Маълум бўладики, “Алпомиш” достонининг ўта қизиқарли воқеалардан ташкил топган мазмуни сўз санъатининг гўзал бадиий воситалари билан безатилган ҳолда тингловчига тақдим этилган. Шунинг учун ҳам дoston асрлар оша халқимиз томонидан севиб тингланмоқда ва ўқиб келинмоқда.

## Назорат саволлари:

1. “Алпомиш” достонининг Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган вариантыни ўқинг.
2. Достоннинг бугунги кунда халқ қадриятлари қаторида эътиборга лойиқ эканини изоҳланг.
3. “Алпомиш” достонидаги мифик дунёқараш белгиларини алоҳида-алоҳида кўрсатинг. Улар ҳақида билганларингизни сўзланг.
4. Достоннинг ўрганилишида олимлар фикрларини айтинг. Уларни баҳолашга урининг.
5. Достондан парча ёдланг.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жўраев М. Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технологиялар” -2018. 192 б.
2. Б.Сайфуллаев, С.Йўлдошева, Ж.Эшонқулов, А.Аширов, Ў.Тошматов. Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. Ўқув қўлланма. Т.: “Наврўз”-2017. 214 б.
3. М.Жўраев. Фольклоршунослик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан” – 2008.
4. Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Т.: “Алоқачи” - 2008. 560 б.

## 4-амалий машғулот: Ўзбек халқ насрининг ўрганилиши

**Ишдан мақсад:** Ҳар битта тингловчи ўзбек насрининг жанрий хусусиятлари, афсона ва ривоятнинг жанрий белгилари, эртақ ва унинг ўзига хос хусусиятларини мисоллари билан таҳлил этади. Мавзу юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилишига эришилади.

**Масаланинг қўйилиши:** Афсона диффузион жараёнда миф таркибида пайдо бўлган, кейинчалик алоҳида жанр сифатида ажралиб чиққан халқ оғзаки ижодидаги биринчи мустақил эпик тур намунаси ҳисобланади. Бу жанрга мансуб асарлар фикрий, ғоявий озукани мифлардан олгани учун ҳаётнинг, инсоннинг, осмон жисмларининг пайдо бўлиши ҳақида ҳам ҳикоя қилиш анъанасини сақлаб қолган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам афсоналарда диний воқеа-ҳодисалар тавсифи кўпроқ учрайди. Халқ оғзаки ижодининг хос хусусиятларида қайд этилган шартлилик белгиси афсоналарга ҳам хосдир. Афсона айтувчи шахс ўз ҳикояси қайси мавзу ва қайси йўналишда бўлишидан қатъи назар акс эттирилаётган лавҳага тингловчининг тўлиқ ишонишини хоҳлаган. Айтилаётган хабардаги айрим аниқ маълумотлар эса муҳокама қилиш ортиқча эканини тасдиқлаган.

**Ишни бажариш учун намуна.** Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғоти-турк” асарида аввалги саҳифаларимизда эсга олинган “saw” сўзига мурожаат қиламиз:

ساق saw – оталар сўзи. Чунончи, ركل غَدْتُمْ ادساق sawда мундағ келир – оталар сўзида шунгдоғ келади.

ساق saw – қисса. Қадимги воқеалардан хабар бериш.

ساق saw – ҳикойа. Бирор воқеани айтиб бериш.

ساق saw – рисола, хат, кичик китобча.

ساق saw – сўз, нутқ.

ساق saw – илгариги хабарлар, янгиликларни етказувчи.

Афсоналар оғзаки ижодимиздаги энг оммавий жанрлардан биридир. Ифодадаги соддалик, воқеалар сонининг чекланганлиги, анъанавий қисм (бошлама)нинг, якуний қисмнинг мавжуд эмаслиги, айтувчидан махсус тайёргарлик ва маҳоратнинг талаб этилмаслиги бу жанрдаги асарлар ижросини осонлаштиради. Ҳикоя қилиш жараёнида алоҳида эстетик эҳтиросни инкор этади. Шунинг уун афсоналарни истаган ҳар бир миллат вакили айтиши мумкин.

Афсоналар мазмунида энг қадимги уйдирма ҳодисалар, муайян ҳудуд номини изоҳловчи топонимик маълумотлар шарҳланади. “Куйган ёр”, “Эллик пайса”, “Туя чўкди”, “Ошоба”, “Қонқус” каби намуналар ана шундай мавзуларни ўзида акс эттиради. Фольклор экспедицияси давомида деярли ҳар бир қишлоқ, булоқ, тепалик, сув манбалари ҳақида ҳайратомуз афсоналарни ёзиб олиш имкониятига эга бўлганмиз. Эртақлардан фарқли ўлароқ уларда сюжет тизимининг барқарорлиги кузатилмайди. Уларнинг мавзу йўналишини учга бўлиб таҳлил қилиш мумкин:

1. Соф мифологик афсоналар.

2. Тарихий воқеа-ҳодисаларни изоҳловчи афсоналар.

3. Маҳаллий ҳудудлардаги географик номлар билан боғлиқ афсоналар.

Ҳазрат Хизр, Эр Хубби, Одами Од, Илёс номлари билан боғлиқ афсоналарда инсонларнинг ҳаётига ҳомийлик қилиш, ўрни келганда, йўл кўрсатиш, мушкулни осон қилиш ғояси илгари сурилади. Хизр ҳар бир одамнинг ҳаёти давомида бир неча марта учрайди, деган ақида халқимизда сақланган. Фольклоршунос олимлар М.Жўраев ва Ш.Шомусаров “Ўзбек мифологияси ва араб фольклори” китобида шундай афсонани мисол келтиришади:

“Хўжаи Хизр ҳар куни пешин намозини Бухородаги Мағоки Аттори масжидида ўқир экан. Бир куни намоз ўқийдиганлар орасида Хўжаи Хизр ҳақида гап бўлиб қолибди. Бир улуғ шайхнинг муриди шундай дебди:

- Мен ҳар куни намозни шу ерда ўқийман, лекин бирор марта ҳам Хизрни учратганим йўқ.

Шунда шайх ўз муридига:

- Сен қирқ кун тоат ибодат билан намозингни ўқисанг, албатта, Хизрни кўрасан, - дебди.

Мурид қирқ кун намозни канда қилмай ўқийди. Қирқинчи кун жулдур кийинган бир чол унинг ёнига намоз ўқиш учун ўтирибди. Мурид:

- Мен қирқ кун намозни канда қилмасдан ўқидим. Лекин барибир Хизрни кўрмадим, - деб ташқарига чиқиб кетибди. Ҳалиги жулдур кийинган чол ҳам муриднинг орқасидан чиқибди. Мурид бу чолдан неча ёшга кирганлигини сўрабди. Чол бўлса:

- Неча ёшга кирганлигимни билмайман, лекин Бухоро етти марта бузилиб, етти марта бунёд бўлганлигини кўрдим. Бу масжид дарёнинг энг чуқур жойида қурилганлигини ҳам биламан, - дебди.

Мурид “бу чол жулдур кийимли десам, эс-ҳуши ҳам жойида эмас экан”, - деб шайхининг ҳузурига борибди-да:

- Мен қирқ кун намозни канда қилмасдан ўқидим, лекин Хизрни кўрмадим, - дебди.

- Унда кимни кўрдинг, - деб сўрабди шайх.

- Бир жулдур кийимли чолни кўрдим. У Бухоронинг етти марта бузилиб, етти марта бунёд бўлганини кўрдим, деб айтди, - дебди мурид.

- Сен кўрган киши Хизр бўлади. Бухоронинг етти марта бузилиб, етти марта бунёд бўлганлигини Хизрдан бошқа киши кўрмаган. Сен гумроҳ эса буни билмагансан, - дебди шайх”<sup>24</sup>.

Бундай мавзудаги афсоналарда халқнинг ҳар бир ишни, яхшилик ва эзгуликни сидқидилдан, тамасиз қилиш керак, деган ўта муҳим ғоя сингдирилган бўлади. Агар эътибор берган бўлсангиз, мурид биринчи навбатда намоз ўқишини бир неча марта писанда қилди. Иккинчидан, у атайин Бухородаги Мағоки Аттори масжидида намоз ўқийди. Чунки у Ҳазрат Хизрнинг айнан шу еда намоз ўқишини эшитган. Ўз-ўзидан муриднинг намозни ҳам бежиз ўқимаслиги, масжидни ҳам сабабсиз танламагани маълум бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам тақдир уни ғафлатда қолдирди. Қирқ кун Мағоки Аттори масжидида канда қилмай намоз ўқиган одамга Хизр учрайди, деган ақида ҳақ бўлиб чиқди. Лекин муриднинг тоатида тама яширингани боис у Хизрни учратганини ўзи билмай ғафлатда қолди. Аслини олганда, афсонанинг бош ғояси – мурид ўқиган ҳамма намозлар ҳам бекор бўлиб чиққани аёнлашади. Яъни тоатни, хусусан, бировга қилинадиган яхшиликни беғараз амалга оширгандагина одам савобга эга бўлади, деб таъкидланмоқда.

Мавзу жиҳатдан иккинчи турга мансуб асарларда тарихий воқеа-ходисалар, турли удумларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳикоя қилинади. Масалан, баҳор фаслида экин-тикин ишлари бошланиб, дастлабки уруғлар ерга сепилган бир вақтда тўсатдан ҳавонинг авзойи бузилса, Мусо пайғамбар билан бир дехқон ўртасида рўй берган воқеа эсга олинади:

“Кунлардан бир кун Мусо пайғамбар Худо олдиға кетаётган экан, эрта баҳор бўлишиға қарамай, дон экаётган дехқонни кўриб қолибди. Мусо унга хали

дон экишга эрта эканини айтибди. Дехқон тажрибасига ишониб, унинг гапини рад қилибди. Худо билан суҳбатда Мусо бу мунозара ечимини сўраганида, Худо дехқоннинг ҳақ эканини, аммо Мусо гапини энди инобатга олиши кераклигини билдирибди. Шундай қилиб, Мусо Худо олдидан қайтаётганида, ҳаво совуган, қор шамоли эсаётганмиш. Дехқон эса ҳайрон бўлиб, осмонга қарармиш. Шунда Мусо ўзининг ҳақ эканини дехқонга эслатибди. Дехқон истехзо билан кулиб: “Дон экиш вақти келишга-ку келган, ҳавонинг бузилиши менинг сен билан тортишганим оқибатидир”, - деган экан. Шу-шу экиш вақтида ҳаво бузилса, дехқоннинг пайғамбар гапига кўнмаганини эшашаркан”.

Афсоналар бадий ижоднинг дастлабки намунаси сифатида одам қалбида ишонч туйғусини ҳосил қилишга, ҳар бир инсоннинг ўз қобилияти, ҳаракати натижасида бахтини топиши мумкинлигига умид пайдо бўлишига хизмат қилган. Масалан, қадимдан тақдир тушунчаси одамларнинг онгида мавжуд бўлган. Ҳар бир кўнгилсиз мушкулотни одам тақдир, деб қабул қилган. Аммо шундай афсоналар борки, уларда инсон тақдири унинг ўз кўлида экани таъкидланади. Яъни инсон хатти-ҳаракати, нияти, айниқса, кескин қарори билан қисматида ўзгариш ясаши мумкинлиги уқтирилади.

“Мусо кунлардан бир кун Тангри олдида кетаётганида, йўлда оёқ-қўли йўқ мажруҳ бир одамни кўрибди. Одам ундан ўзининг тақдирига жаннат ёки дўзах ёзилганини билиб беришни сўрабди. Тангри пайғамбарга: “У одамнинг охирги жойи дўзах бўлади. Чунки умр бўйи уни емак-ичмакка муҳтож қилмадим, аммо бирон марта “Худога шукр” демади”, - дебди. Мусо пайғамбар қайтишида ҳалиги одам ундан жавоб кутибди. Пайғамбар бор гапни айтибди. Шунда одам: “Бўмаса Худога айт, мен ўлганимда, танамни шунақа катта қилиб юборсинки, бошқа ҳеч кимга дўзахдан жой қолмасин”, - дебди. Ана шу гапдан кейин бечора банда жаннати бўлган экан”.

Маълум бўладики, тақдир тақдир билан, аммо инсон муайян вазиятдаги ўзининг ноанъанавий қарори ёки ҳаракати билан катта бахтга эришиши ҳам мумкин бўлади.

Яна бир тур афсоналар топонимик мавзуларга бағишланган бўлади. “Нурота”, “Ҳазорасп”, “Ўш”, “Балиқчи қишлоғи”, “Обшир ота” каби ўнлаб афсоналарда шаҳар, қишлоқ ёки яна бошқа географик жойларнинг номлари изоҳи берилди. Топонимик афсоналарнинг ўзи ҳам мавзуга кўра турларга ажралади. Ҳатто фақат сувли жойларга бағишланган намуналарни оқар сувлар, булоқлар тизими билан тасниф қилиш мумкин. Чунки ўзбек халқ оғзаки ижодидаги афсоналар мавзу ва ифодаланган ғоя жиҳатдан хилма-хил ва ранг-барангдир. Масалан, Ҳазорасп ҳақида жуда қадимдан шундай бир афсона етиб келган:

“Қадимда бу шаҳар ўрнини қалин саксовулзор эгаллаган бўлиб, бу ерда бешта булоқ бор экан. Сеҳрли қанотли отлар галаси учиб келиб, шу булоқдан сув ичаркан. Сулаймон исмли бир киши уларни қўлга ўргатмоқчи бўлибди. Бунинг учун у бир сеҳргарнинг маслаҳати билан булоқ сувига май аралаштирибди. Шундан кейин мингга яқин афсонавий от учиб келиб, булоқ

сувидан ичиб, маст бўлиб қолишибди. Парвоз қила олмай қолган отларни Сулаймон қўлга тушириб, қанотларини қирқиб ташлабди. Натижада, бу отлар қанотидан айрилиб, ерда юрадиган ҳайвон бўлиб қолишибди. Шундан сўнг от насли одамнинг яқин дўсти ва хизматкорига айланиб қолган экан.

Отлар қўлга туширилган булоқлар ўрнида пайдо бўлган шаҳарга Ҳазорасп деб ном қўйибдилар” (Ҳазорасп – мингта от маъносини англатади).

Хуллас, афсоналарни тасниф қилишда уларнинг мазмуни асос ҳисобланади.

Шу билан бирга бундай асарларни ёзиб олиш давомида кишининг ҳаёлига келмаган қизиқ-қизиқ мазмундаги афсоналарга дуч келишимиз мумкин:

“Худо дунёдаги ҳамма халқларга ер юзидаги ерларни бўлиб берибди. Ўзи билан ўзи овора бўлган ўзбек ўша тақсимотга ҳам кечикиб борибди. Бу пайтда ўзбек олиши мумкин бўлган ернинг ўзи қолмаган экан. Худо раҳмдил эмасми?! Шунинг учун ўзбекка:

- Майли, мен ўзимга икки дарё оралиғидан бир парча ер олиб қўйган эдим, шу жойга сен эгалик қила қол, - деган экан. Шу-шу ўзбек ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи юртда истиқомат қилармиш. Бу ўлкага Худонинг назари тушгани учун кузда далада қолиб кетган кетмон баҳорда новда чиқариб гуллармиш”.

Албатта, бундай афсоналар “Ширин қиз” (Ширин исмли қиз билан хуснда мусобақалашмоқчи бўлган Ойнинг гўзаллик тарозиси палласида осмонга учиб кетгани ҳақидаги космогоник афсона) каби кенг оммалашмагандир, аммо ўта топқир маҳорат соҳиби томонидан ўйлаб топилган гўзал ижод намунаси даражасида баҳоланиши мумкин.

Хуллас, афсоналар мазмун жиҳатдан, асосан, ахборот етказувчи ўта содда сюжетли уйдирмалардан ташкил топади. Уларда ижод қилган миллатнинг, коинотдаги куёш, ой, юлдуз, сайёраларнинг пайдо бўлиши, географик номларнинг изоҳи, турли-туман тарихий воқеалар, расм-русумлар шарҳи ўзининг ифодасини топади. Қадим замонлардан аждоқларимиз ўз ҳаётига тегишли ҳар бир саволга, ҳар бир муаммога, анъана – удумларга, ҳатто ўзи яшаётган ватанга онгли муносабатда бўлган ва халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари қатори афсоналар воситасида якуний хулосасини, тажрибасини билдирган. Фольклоршуносликда афсоналарни тадқиқ этиш оғзаки ижод тарихининг назарий ва амалий жиҳатларини аниқлаш имконини беради.

**Ривоятлар.** Бу сўз араб тилидан олинган бўлиб (روایت), ҳикоя, қисса маъноларини ифолайди. Ривоятлар афсоналардан ҳаётга яқинлиги билан фарқ қилади. Агар афсоналарда рўй бериши мумкин бўлмаган ҳодисалар ҳикоя қилинса, ривоятлардаги воқеалар, кўпинча, тарихий шахслар, таниқли алломалар, давлат арбобларининг ҳаётларидаги муайян лавҳалар юзасидан хабар беради. Баъзан бир воқеани эшитганимизда, унинг айнан рўй беришига тўлиқ ишонамиз, баъзан алоҳида фантастик тасвирдан холи бўлса ҳам ҳикояга ишонмаслигимиз мумкин. Шунинг учун афсона ва ривоят ўртасида

кескин фарқни белгилаш қийин кечади. Ҳар ҳолда кўп йиллик тажрибадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ишонилган воқеани ривоят, ишониш мумкин бўлмаганини афсона деб қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки мазмун, сюжет тизими жиҳатдан афсона ва ривоятларнинг фарқи бўлмайди. Фақат ривоятлар тарихий далил, исбот илдизига эга ҳисобланадилар. Чунки ривоятлардаги воқеалар, кўпинча, унинг иштирокчиси, гувоҳи томонидан ёзиб қолдирилади ёки оғиздан оғизга ўтмишда рўй берган ҳайратомуз лавҳа сифатида ўтиб яшайди, аجدоддан авлодга маданий мерос тарзида сақланади.

Ривоятлар ўзида акс эттирган воқеа баёнига кўра афсоналар каби эпик жинсга мансубдирлар. Улар ҳажм жиҳатдан қисқа бўлади. Матн ҳажми қисқа, ифодаланган воқеа лавҳалари сон жиҳатдан чегараланган. Бадиий тасвирга ортикча урғу берилмайди, чунки уларда воқеа баёни устувор ҳисобланади. Мазмун йўналишига кўра тарихий воқеалар, уларда иштирок этган шахслар жасорати ёки хиёнати асосида ёки юртимиз вилоятларидаги ўрин-жойларнинг номланишини изоҳлаш мақсадида яратилган ривоятларга бўлинади. Тарихий ривоятларда Тўмарис, Широқ, Жалолiddин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур каби юрти озодлиги ва мустақиллиги учун жонини қурбон қилган эл фарзандлари мардлиги, шу билан бирга ўзининг ўткинчи ҳирсий нафси йўлида ватанига хиёнат қилган Далварзин, Гулдурсунга ўхшаган хиёнаткор шахслар кирдикорлари ҳикоя қилинади. Мард, жасурларнинг ишлари ҳам, хоинларнинг хиёнати ҳам унутилмайди.

Ўзбекистон – дунёда ўзининг илмий кашфиётлари, фан ривожига кўшган ҳиссалари, бадиий ижодда яратган асарлари билан машҳур фарзандлар юрти. Имом Бухорий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бехзод, Бобурдек улуғ инсонлар номини шарафловчи ўнлаб ривоятлар халқ калбида сақланиб келмоқда.

Юртимиз тарихида рўй берган энг қадимги ибратли воқеа ҳақидаги ривоят эрадан аввал мустақиллик учун жон фидо қилган Тўмарис ва Широқ номи билан боғлиқдир. Шу ўринда айтиш жоизки, бу икки гўзал инсонларнинг мардлиги акс этган жасорат тарихини бир олимлар афсона, иккинчилари ривоят деб атаганлар. Филология фанлари доктори, профессор Охунжон Сафаров ўзининг “Тўмарис кўзларида чакнаган умид” мақоласида бу иккиланишга илмий асосда чек қўйди. Мақолада воқеа баёнининг ривоят жанрига мансуб экани исботлаб берилди. Ғурурланса арзийдиган жиҳати шундаки, қадимги Ўзбек юртидаги Тўмариснинг Эрон шоҳи Кирга, Широқнинг Дорога қарши қаҳрамонлиги қадимги юнон тарихчиси Ҳеродот (эрадан аввалги 484-431/426 йиллар орасида яшаган) нинг “Тарих”, юнон тарихчиси Полиэн (эрадан аввалги II аср) нинг “Ҳарбий ҳийлалар” китобида сақланиб, бизгача етиб келган. Агар бу икки тарихчи олим асарлари бутун дунёга машҳур эканлигини, эрон шоҳларига қарши чиққан ватанпарвар шахслар бизнинг аجدодимиз эканини назарда тутсак, Ўрта Осиёда истиқомат қилган элнинг довуғи эрадан аввал ҳам шуҳрат қозонгани маълум бўлади.

Тўмарис Кирни 529 (э.а) йилда мағлуб этади ва ўлдиради. Широқнинг яққа ўзи 513 (э.а) йилда Доро кўшини устидан ғалаба қозонади. Агар

Тўмарис ҳарбий санъати билан юртини асраган бўлса, Широқ бурун, кулоқларини кесиб, гўё Доро тарафида бўлгани учун ўзини жазолангандек қилиб кўрсатади, шоҳ ишончини қозонади ва эрон қўшинларини саҳрода адаштириб мақсадига етади: юртини қонхўр ва разил душмандан халос этади. Ҳеродот ва Полиэн берган маълумотлар тарихий асосга эга бўлгани учун бугун уларни ривоят тарзида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Халқ ёдида қолган ва кейинчалик ривоятларга айланган ибратли воқеалар, кўпинча, буюк инсонлар ҳаёти билан боғланади. Мана улардан бир мисол: “Ибн Сино ҳар куни бетоб, хаста одамларни қабул қилар экан. Аммо навбат бир йигитга етиб келганида, уни четлаб ўтар экан. Кунлардан бир кун йигитнинг онаси у ётган тўшак ёнига бир коса қатиқ қўйиб, ўз юмушлари билан банд бўлибди. Йигит косадаги қатиққа тикилиб ётса, шипдан бир илон тушиб қатиққа заҳарини солибди. Жонидан тўйган йигит алам устида косадаги заҳарланган қатиқни жон-жаҳди билан ичиб юборибди. Аммо бир оз ўтмай ўзини тузук сеза бошлабди. Соат ўтгани сайин у соғайибди. Эртасига анча ўзига келиб, яна Ибн Сино қабулига борибди. Бу сафар ҳам табиб уни четлаб ўтибди. Ажабланган йигит унга эътироз билдирибди. Шунда аллома:

- Сиз кеча ва авваллари келганингизда, дардингизга даво йўқ эди. Шунинг учун сизни кўрмагандим. Чунки мен сизга қатиқни тўшак ёнига қўйиш, унга илон заҳар солиши, бу қатиқни сиз ичишингиз кераклигини айта олмас эдим-да. Аммо тақдир сизга бу имкониятни етказди. Энди сизга табибнинг кераги йўқ. Сиз мутлақо соғсиз. Шунинг учун сизни четлаб ўтдим, - дебди”.

Ривоят дунёга машҳур аллома Ибн Синонинг ўз илмини қанчалар мукамал эгаллаганини, айти пайтда, унда ҳар бир мижоздаги ўзгаришларни зийраклик билан кузатиш қобилияти ҳам ривожланганини бизга, кейинги авлодларга маълум қилиш мақсадида яратилган. Шу йўл билан бизнинг онгимиз, дунёқарашимиз, касбимизга бўлган муносабатни ҳам шакллантиришга хизмат қилишини инкор этолмаймиз. Тарихий шахслар бош қаҳрамон бўлган ривоятларда уларнинг илми, закийлиги, нозик табиати, улуғворлиги, кечиримлилиги, ҳар бир ишни сидқидилдан бажариши, энг муҳими, шахсий манфаатни кўзлашдан узоқлиги ва тамасизлиги каби фазилатлар улуғланади. Агар эътибор қилсак, уларнинг ҳар бири бизга инсоннинг гўзал сиймоси, намунаси сифатида тарғиб этилади.

Ривоятларнинг яна бир тури маҳаллий ҳудудлардаги ўрин-жойларнинг номига оидлиги билан ажралиб туради. Муҳими шундаки, бундай ривоятларда асосий эътибор тасвирланаётган воқеадаги фантастик жиҳатларга эмас, балки ҳаётни кузатиш, тўғри хулосаларга келиш, ақлни ишга солиш фазилатларига қаратилади. Масалан: “Бухоро ва Навоий оралиғида катта Малик чўли ястаниб ётибди. Унинг бир қисмини Ўрта чўл, тоғ ён бағрини эса Қарноб чўли ҳам деб юритадилар. Маликчўл елкасидан эса Зарафшон оқади. Маликнинг қоқ ўртаси – автомобиль йўли ёқасида Малик дарвозаси ва ёпиқ ҳовуз харобалари сақланган. “Малик” ривоятини



бизга Қизил тепанинг Кенагас қишлоғида яшовчи машхур Саидмурод Панох бахшининг ўғли саксон ёшли уста Берди ота айтиб берган эди:

- Бир куни Бухоро амири фойтунда Нурота, Кармана, Зиёдин, Султонободни айланиб келиб чарчайди-ю, чўлда соябон ўрнаттириб, дам олади. Амирнинг шотирларидан бири Малик дегич йигит экан. Амир ухлаб қолади. Шу пайтда Амирнинг бурнидан бир чивин чиқиб, сўнг сув тўла коса устида турган пичоқ устидан юриб ўтиб, сичқон инига кириб кетади. Бир оздан сўнг чивин сичқон инидан чиқиб келади-да, яна ўша сув тўла коса устидаги пичоқдан юриб ўтиб, подшонинг бурнига кириб кетади. Малик ботир бу хангомани кўриб ҳайратда қолади-ю, нима қиларини билмайди. Амир бўлса қаттиқ ухлаган, бошқа амалдору хизматкорлар ҳам чеккада дам олаётган экан. Малик ўша чивинни ўлдираман деса, амир уйғониб қолиб унга қўл кўтарганини кўрса, тайинки, боши кетади.

Ниҳоят, амир уйғонибди. Малик унинг қўлига сув қуйибди, амалдорлар давра қурибдилар. Амир ғаройиб тушини айтибди:

- Тушимда бир узоқ чўлга чиқиб кетганмишман. Анча юриб дарёга етибман. Дарё устида темир кўприк бор экан. Кўприкдан нариги соҳилга ўтиб, бир ғорга кириб кетибман. Ғор ичида икки хум тилла ётганмиш. Ғордан чиқиб, кўприкдан ўтиб, чўлдан кечиб яна тахтимга келиб ўтирибман. Тушимнинг таъбирини айтишлар-чи, не кори ҳол бўлар экан?

Амирнинг ҳамроҳлари бириси у, бириси бу дейишибди. Малик доно йигит экан, у сирни билибди-ю, ўзини касалга солиб ётиб олибди. “Ўзимга келиб олсам, сизларга етиб оламан”, - дебди. Амир кишилари билан жўнаб кетибди. Малик дарров кетмон олиб, ўша чивин кириб чиққан сичқон инини кавлашга тушибди.

Ҳақиқатан у ерда икки хум тилла бор экан. Малик тилладан бир халтасини олиб, аҳли номдор, донгдор усталарни бошлаб келиб, шу ерга қишлоқ қурдирибди, ҳовузлар бунёд этибди. Ана ўшандан буён чўлни “Чўли Малик” деб аташибдилар”<sup>25</sup>.

Ривоятлар ҳақида айтилган фикрлардан шундай хулосаларга келиш мумкин:

1.Ривоятлар афсоналардан фарқли равишда бевосита ҳаётда бўлиши мумкин бўлган воқеаларга асосланади.

2.Улар мавзу жиҳатдан турларга бўлинган ҳолда ё бирон тарихий шахс ҳаётидаги ибратли воқеани баён этади, ё географик ўрин-жойнинг номини изоҳлайди.

3.Ривоятларда бадий тасвирдан кўра рўй берган воқеани қисқа ва ихчам, содда ва равон тарзда баён қилишга кўпроқ эътибор берилади. Аслини олганда, айнан шу фазилатлар ривоятларнинг бадийлигини белгилайди.

Эртақлар дунёдаги бошқа халқлар оғзаки ижодида кенг тарқалганидек, ўзбекларда ҳам энг оммавий жанрлардан бири сифатида турли вилоятларимизда яшайдиган юртдошларимиз томонидан севиб айтиб келинган. Уларнинг жуда қадим замонлардан яратилганини «эртак» атамасининг Маҳмуд Кошғарий томонидан 1074 йилда ёзилган «Девону

луғоти-т-турк» асарида «этуқ» тарзда қўлланганидан билса бўлади: «Этуқ – ҳикоя, эртақ; бирор мақсадни шоҳга билдириш, ҳикоя қилиш учун ҳам бу сўз қўлланади. Асли бир нарсани ҳикоя қилишдан олинган»<sup>31</sup>. Бу жанрнинг қадимийлигини қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа бир қатор туркий халқлар оиласига кирувчи миллатлар оғзаки ижодида ҳам эртақ деб аталиши, исботлаши мумкин. Шунингдек, мифлар, афсона, ривоятлар ҳақида фикр юритганимизда, диффузион жараённинг кейинги босқичи эртақ эканлигини эслатиб ўтганмиз. Демак, агар халқимиз оғзаки ижодини қадимги қадриятлар сифатида эъзозласак, бу хазинанинг ноёб дурдонаси сифатида ҳеч иккиланмай эртақларни қайд этиш мумкин экан.

Эртақ терминини Ўзбекистондаги ҳамма вилоятлар аҳолиси жуда яхши билса-да, бу жанрга оид асарлар турлича ҳудудларда турлича аталган. Хусусан, тошкентликлар «чўпчак», фарғоналиклар «матал», хоразмликлар «варсақи», ўзбек ва тожик тилида сўзлашувчи ватандошларимиз «ушук» тарзда аташган. Булардан ташқари жонли сўзлашувда баъзан афсона, ўтирик, тутал атамалари ҳам учрайди. Ҳатто ҳазрат Алишер Навоий ҳам ғазалларидан бирида «чўпчак» сўзини қўллаганлар:

Ҳабибим ҳусни васфин уйла муҳлик англаким бўлғай,

Қошинда қиссаи Юсуф бир уйқу келтурур чўпчак<sup>32</sup>.

(Байтдаги «чўпчак» «Наводиру-ш-шабоб»нинг 1959 йилги нашрида «чўрчак» шаклида ёзилган. Шунинг учун Алишер Навоий замонида «чўрчак» ёки «чўпчак» атамаси бор эди деб хулоса қилиш мумкин бўлади). Айни пайтда байтдаги «уйқу» сўзига эътибор беринг. Маълум бўладики, оқшом пайти болаларни ухлатишда эртақнинг сеҳрли таъсир кучидан бугунги кунда фойдаланар эканмиз, бу анъана ҳам бежиз пайдо бўлмаганини қайд этамиз. Дарвоқе, Ҳ.Олимжоннинг 1937 йилда ёзган «Ойгул билан Бахтиёр» эртагини эслашимиз ҳам ўринли:

Болалик кунларимда,

Уйқусиз тунларимда,

Кўп эртақ эшитгандим,

Сўйлаб берарди бувим.

Эсимда ўша дамлар,

Ўзи учар гиламлар,

Тоҳир-Зухра, Ёрилтош,

Ойни уялтирган қош<sup>33</sup>.

Шоир дoston бошланишида (дostonнинг бош мазмуни ҳам «Озода чеҳра» эртагига асосланишини таъкидлаш мумкин) халқ эртақлари жозибасини шоирона кашфиётлар билан ёритиб берган. Бу мисраларда «Тоҳир ва Зухра», «Ёрилтош» эртақларининг номи тилга олиншидан ташқари «ўзи учар гиламлар», «ойни уялтирган қош»лар, «беқанот учган отлар», «сўйлагувчи деворлар», «бола бўп қолган чоллар» санаб ўтилади. Ҳақиқатан ҳам, «Ойгул билан Бахтиёр» адабий эртагини ёзишда шоирга халқ эртақларининг сирли олами илҳом бағишлаган ва Ҳамид Олимжон ўз ўқувчисига бу илҳом изоҳини гўзал сўзлар билан етказишга ҳаракат қилган.

Юқорида келтирган фикрларимиз халқ эртақларининг ҳақиқий сўз санъати сифатида қадимдан яшаб келаётганини, халқ ҳаётида уларда тасвирланган олам муайян аҳамият касб этганини далиллайди.

Халқ эртақларимизнинг бадиий ижод намунаси сифатидаги жанр хусусиятлари куйидагилардан иборат:

Эртақлар халқ оғзаки ижодининг эпик жинси (тури)га мансуб.

1.Эртақлар, асосан, насрда яратилади. Фақат айрим асарлардагина («Ёрилтош», «Тоҳир ва Зухра» ва б.) кўшиқни эслатувчи шеърий парчалар учрайди.

2.«Бир бор экан, бир йўқ экан» бошламаси ва «мурод-мақсадига етибди» яқунланмаси эртақларнинг анъанавий белгиси ҳисобланади.

3.Хаёлий-фантастик тасвир эртақлар сюжетида қўлланадиган устувор усулдир.

4.Эртақларнинг умумий мазмунида ИМФ формуласи доимий такрорланади. Ҳар бир эртақ И – инициал – бошланма; М – медиал – асосий қисм; Ф – финал – яқунланмадан иборат бўлади.

Эртақларнинг мифлардан ижод усулини ўзлаштирганлиги ҳақида фикр юритган эдик. Бу анъана ўзбек халқ эртақларининг умумий мазмунида бугунги кунгача сақланиб келмоқда. Эҳтимол, бу жанр асарларининг яшовчанлигини таъминлаган асосий хусусият ҳам шундан иборатдир. Халқ ўз эртақларида чегарасиз равишда хаёлот оламини кезиб чиқади. Яъни уларда халқ фантазияси маҳсули бўлган чегара билмас уйдирмалар, трансфигурация (бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш) ҳолатлари тингловчини ўзига жалб этади. Ваҳоланки, эртақ бошланмаларидаги “Бир бор экан, бир йўқ экан, бир оч экан, бир тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан...” (олимлар бошланмадаги таркибий “экан” қисмларнинг 20 га яқин бўлишини белгилашган) ибора ва жумлалар мутахассислар фикрича, эртақда баён қилинган воқеаларнинг аслида умуман бўлмагани ва рўй бериши мумкин эмаслигини англатар экан. Ҳақиқатан ҳам, дostonларда биз бу мазмундаги бошланма – зачинларни учратмаймиз. Шу боис одатга кўра дostonлардаги воқеалар ҳаётда бўлган деб қабул қилинади. Эртақда эса тамом бошқа ҳолат ҳукм суради. Чунки бу жанр бошланмасидаги “бор-йўқ”, “оч-тўқ” сўзларининг ўзи ҳикоя қилинаётган воқеага нисбатан шубҳа уйғотади. Аммо масаланинг қизиқ томони шундаки, воқеа бошланмасдан атайин шубҳа уйғотишга бўлган ҳаракат тингловчига деярли таъсир қилмайди. Биз эртақлардаги уйдирмаларга тўла ишонамиз, асар қаҳрамонларининг тақдирига бефарқ қарай олмаймиз, севикли малика ёки чўпон муваффақият қозонса, бу ғалаба ўзимизникидек қувонаверамиз.

Халқ эртақлари мазмунида ижтимоий, иқтисодий, маиший ҳаётнинг ҳамма масалалари ўз ифодасини топади, десак хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам ер юзининг ҳамма минтақаларида яшайдиган халқларда умумий ҳаёт тарзи яқин бўлгани сабаб бир хил мазмундаги эртақлар кўп учрайди. Француз, инглиз, хитой, япон эртақлари аксарият ҳолларда ўзбеклар ижодидаги бу жанрдаги асарлар мазмунини такрорлайди. Фақат

французларда пишлок, узум; хитойларда гуруч; ўзбекларда тухум ёки катик каби нарсалар фарқи сезилади. Агар бошқа ҳақлардаги эртақлар матнида шу ёки бошқа нарсалар номини миллий предметлар билан алиштирсак, кўпинча, бошқа халқлар намуналари ҳам ўзбекники бўлади-қолади. Бу ҳолат сабабини аввал қайд қилганимиздек, бир халқдан иккинчи халқнинг ўзлаштириши деб эмас, умумий ҳаёт тарзининг яқинлиги билан асослаш маъқулроқдир. Масалан, ёқут халқидаги “Бекинмачоқ”, руслардаги “Ўн икки ой” (“Морозбобо”) ва ўзбекдаги “Зумрад ва Қиммат” эртақларида воқеа тугунидан тортиб ечимигача бир хил йўналишда кечади. Аммо бу асарларнинг ҳар бири бевосита ўша халқ ижоди намунаси деб тан олинади.

Ўзбек фольклоршунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшган Мансур Афзалов ўзбек халқ эртақлари юзасидан илмий иш ёзар экан, бу жанрнинг ўрганилиши тарихига алоҳида тўхтаган. Олимнинг маълумот беришича, ўзбек эртақларига бўлган илмий эътибор XIX аср иккинчи ярмидан бошланган. Бу ўринда А.А.Кушакевич, Н.Лапунова, А.Васильев, А.Н.Самойлович, В.В.Бартолд каби бир қатор зиёли ва таниқли олимлар исмлари келтирилган. Шунингдек, «Фарҳод ва Ширин», «Ширин қиз», «Самарқанд», «Шаҳзода Назар Муҳаммад ва Малика Назарбиби», «Аннамурад бова ҳақида», «Эрни эр қилган хотин», «Донишманд Чўпон» каби афсона ва эртақлар матнларининг ёзиб олинishi, дастлабки тадқиқ қилиш жараёни ҳақида маълумотлар қайд этилган<sup>34</sup>. Ўзбек эртақлари ўз вақтида Миён Бузрук Солиҳов, Ҳоди Зарифов, Холид Расул, Буюк Каримов каби олимлар томонидан ўрганилган. Кейинчалик бу фаолиятни К.Имомов, Т.Ғозибоев, Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, Ҳ.Раззоқов, Ж.Юсупов каби олимлар давом эттиришди.

Халқ табиатан ҳамиша адолатни ёқлайди, ҳимоя қилади. Эртақлар яратилиш жиҳатдан мифларга асосланса, мавзунинг танланиши, образлар тизимидаги йўналишлар, ҳаёт муаммоларини акс эттиришда адолат мезонига бўйсунди. Қаллоблик, виждонсизлик, хиёнат, ёлғончилик, маънавий нопоклик каби иллатлар доимий равишда қораланади. Мардлик, тўғрисиўзлик, меҳнатсеварлик, иймонлилик, поклик фазилатлари ҳурмат билан тилга олинади. Воқеанинг тугуни ҳам ҳамиша ана шу фазилатларни улуғлаш билан ечимини топади. Мохир халқ фарзандлари томонидан ўйлаб топилган фантастик ҳодисалар, уйдирма лавҳалар, сеҳрли нарса-буюмлар, жодулар, ғайритабиий ҳодисалар эса том маънода ёвузликнинг қораланиши, эзгуликнинг мақталишида поэтик хомашё сифатида фойдаланилади.

#### **Савол ва топшириқлар:**

1. Эртақларнинг жанр хусусиятларини моддама-модда айтинг, уларнинг ҳар бирини изоҳланг.
2. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар бошқа тур эртақлардан қандай фарқланади. Бошқа тур эртақлар билан ўхшашлиги борми?
3. Сеҳрли эртақлар ҳақида ўқиганингиз билан аввалги таассуротлар ўртасида фарқ борми?
4. Халқ эртақлари – сўз санъатининг намунаси эканини исботланг.

5. Афсоналарнинг мавзуга кўра турларини кўрсатиб беринг ва ўз фикрингизни исботланг.

6. Ривоятлар билан афсоналарнинг фарқли жиҳатларини изоҳланг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. Монография. Т.: “Фан”, 2008.
2. Жўраев М. Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. Ўқув кўлланма. Т.: “Фан ва технологиялар” -2018. 192 б.
3. Б.Сайфуллаев, С.Йўлдошева, Ж.Эшонқулов, А.Аширов, Ў.Тошматов. Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. Ўқув кўлланма. Т.: “Наврўз”-2017. 214 б.
- 5.Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Т.: “Алоқачи” - 2008. 560 б.

### **5- кўчма машғулот: Ўзбек халқ кўшиқларининг ўрганилиши**

*Ишдан мақсад:* Халқ кўшиқларининг жанрий хусусиятлари, оилавий маиший маросим лирикаси, мавусимий маросим лирикасини мисоллар билан таҳлил этиш. Кўшиқларни замонавий тенденциялар ёрдамида ўрганиш.

*Масаланинг қўйилиши:* Энг аввола «кўшиқ» деганда биз нимани назарда тутишимиз лозим? Оғзаки ижод намунаси бўлган халқ кўшиқлари билан маълум бир индивидуал ижодкор томонидан яратилган кўшиқ ўртасида қанчалик ўхшашлик ва фарқ мавжуд?! Ўхшашлик ҳар иккала кўшиқнинг ҳам мусиқага, оҳангга, маълум бир ўлчов – вазнларга амал қилишидадир. Халқ кўшиғи ёзма адабиёт намунаси бўлган кўшиқлардан анъанавийлиги, жамоавийлиги, маиший йўналганлиги, вариантлиги, яъни асрлар давомида халқ томонидан оғзаки яратилиб, оғзаки ижро этилиб, оғзаки мерос қилиб қолдириб келинаётганлиги билан тубдан фарқ қилади.

*Ишни бажариш учун намуна.* Туркий халқларда «кўш» сўзи уч маънода: «куйламоқ», «кўш кўшмоқ» – ер, ҳайдаб, экин экмоқ ва жуфт маъноларини билдиради. Ҳар уч маъно ҳам бир-бирини инкор этмайди.

«Кўш» мавсум, яъни баҳор маросимида илоҳларни улуғлаб айтилган кутлов, алқовдир. (Саха турклариде шонмонлик кўшиғи – кутуруу – сўзи кут – рух, уруу –улуғламоқ, кутламоқ маъновларини англатади).<sup>5</sup> Шунинг учун «куйламоқ»нинг бевосита ҳосилдорлик култи билан алоқдорлиги, экин-текин пайти бу кўшиқнинг куйланиши албатта шарт бўлган.

Кўшиқнинг кўш билан ўзаро боғлиқ эканини фольклоршунос олим Асқар Мусақулов ўринли изоҳлаб берган.<sup>6</sup>

<sup>5</sup> Обрядовая поэзия Саха (Якутов). –Новосибирск: Наука, 2003. –С.59.

<sup>6</sup> Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. –Тошкент: Фан, 2010. –Б.31-33.

Маълумки кўшиқлар асосан тўртликлардан ташкил топган. Икки мисранинг бирикиб, жуфтлик, яъни «кўшиқ» ҳосил қилиши шунчаки тасоддиф эмас.

«Эру хотин – кўш ҳўккиз» деган мақол бор. Кўш ҳайдамоқнинг кўчма маъноси қиз ва йигитнинг кўшилиши, яъни оила кўриши, жуфтлашишидир. Халқ кўшиқларида бу тасаввурлар ўзининг чиройли ифодасини топган. Шундай экан, юқоридаги мақол билан кўшиқ куйлаётганда «жуфт бўлсин» деган ибора ҳам аслида кўшиқ ва жуфтликни муқаддас деб билиш билан боғлиқ қадим тасаввурларнинг маҳсулидир.

Кўшиқ сўзи «Девону луғотит турк»да «кошуғ», Юсуф Хос Ҳожибда «қошук», Ҳайдар Хоразмийда «кўш», Маҳмуд Умар Замахшарийнинг «Муқаддиматул- адаб» асарида «кўшиқ», Алишер Навоий асарларида «кўшиқ», «суруд», «аёлғу», «лаҳн», «турку», Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобирнома»сида «кўшиқ» шаклида келганини кўрамиз.<sup>7</sup> Алишер Навоий ҳам, Бобур ҳам халқ кўшиқларини назарда тутганда «кўшиқ» калимасини ишлатади. Қолган пайтларда «суруд» ёхуд бошқа бир атамани келтиради.<sup>8</sup>

Турк фольклоршунослари ҳам Ўрта Осиё халқларидаги «кўшиқ» Туркиядаги «қошма» ва «турку»лар билан ўхшаш эканлигини таъкидлайдилар.

Ўзбек халқ кўшиқлари бугунги кунга қадар кўп маротоба ўрганилганлигига қарамай, афсуски, етарли даражада тасниф этилган эмас.

***Фольклоршунос олима Музайяна Алавия ўзбек кўшиқларини***

***1. Лирик;***

***2. Меҳр байтлари;***

***3. Терма;***

***4. Меҳнат кўшиқлари;***

***5. Мавсум маросим кўшиқларига бўлади.***<sup>9</sup>

***Ф. Кароматов халқ кўшиқларини: маиший, оилавий-маросим, меҳнат, тарихий ва социал норозилик кўшиқларига бўлиб таҳлил этади.***<sup>10</sup>

***Асқар Мусақулов кўшиқларни уч гуруҳга:***

***а) маросим: тўй ва мотам кўшиқлари;***

***б) номаросим лирика: меҳнат кўшиқлари, аллалар, термалар, ишқий-маиший кўшиқлар;***

***в) болалар фольклоридаги лирик кўшиқларга бўлади.***

Бу таснифни бошқа таснифларга қараганда нисбатан мукамал дейиш мумкин. Бироқ бу ўринда мавсум маросим билан боғлиқ кўшиқлар

<sup>7</sup>Қаранг: Divanu Lugat-it Turk. Seviren Besim Atalay. I cild. – Anakara: Turk Tarih Kurumu basimevi, 1992. – S. 376; Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов. –Тошкент: Фан, 1971. –Б.58; Алишер Навоий. Мезонул Авзон. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. –Б.180; Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобирнома. –Тошкент:

<sup>8</sup> Қаранг: «Яна «кўшиқ» дуркум, яғуштак усулида шойиёдур ва баъзи адвор қутубида ул усул зикр булутгур». Алишер Навоий. Мезонул Авзон. – Тошкент: бадиий адабиёт, 1949. –Б.68

<sup>9</sup> Алавия М. Ўзбек маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. –Б.49.

<sup>10</sup> Кароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка. – Ташкент: Фан, 1972. –С.161.

эйтибордан четда қолмоқда. М.Алавия таснифига келсак, унда оилавий маросим кўшиқларига ўрин ажратилмаган. Меҳр байтлари эса умуман халқ кўшиқларининг таснифи доирасига кирмайди. Ф.Кароматов таснифида кўпгина ноаниқликлар кўзга ташланади. Биринчидан маиший ва оилавий маросим деб ажратилишида ноаниқлик мавжуд. Чунки оилавий маросимлар маиший хусусияти билан ажралиб туради. Иккинчидан социал-норозилик кўшиқлар дейиш ҳам таснифда чалкашликка олиб келади.

Туркиялик олимлар Абдурахмон Гузал ва Али Туринлар туркуларни 1.Мавзусига кўра, 2.Қурилишига кўра деб икки гуруҳга ажратади.

Қардош қорақалпоқ мутахассислари кўшиқларни беш турга: 1. Мавсум кўшиқлари, 2. Тўй кўшиқлари, 3. Мотам кўшиқлари, 4. Чўпон кўшиқлари ва 5. Диний кўшиқларга бўлишган.<sup>11</sup>

Сибир халқлари туркий халқларида кўшиқлар мусиқага муносабатига қараб тасниф этилган. Тувалиф фоллкоршунос З.К. Киргис кўшиқларни: 1. узун ирлар, 2.Қисқа ирлар, 3. Нақорат (кожамиктар)ларга бўлади.

Кўшиқларнинг таснифи масаласида хорижлик олимларнинг ҳам фикри турлича. Айримлари кўшиқларнинг ижро этилиши ҳолати ва мусиқийлигига қараб тасниф этилиш керак деса, айримлари ижро ўрнига қараб таснифлаш лозим дейишади. Айрим олимлар кўшиқнинг маълум бир тури юзасидан фикр билдирса, бошқаси бошқа бир тур хусусиятидан келиб чиқиб, фикр юритадилар.

Рус фольклоршуноси Д.М.Балашов халқ кўшиқларини 1.Мавсум, 2) тўй, 3) мотам маросими фольклори намунаси сифатида ўрганса, В.Пропп мавсум ва оилавий маросим деб икки гуруҳга ажратади.<sup>12</sup>

Шу ўринда кўшиқларни қайси мезонлар асосида тасниф этиш лозим, деган саволнинг қўйилиши табиий албатта.

Бизнинг назаримизда кўшиқларнинг таснифида энг аввола битта мезонга амал қилиш лозим. Тўғри кўшиқ жанрининг ичдаги тур ва узвларнинг ҳар бири ўз специфик хусусиятларига эга эканлиги табиий. Бироқ бу хусусиятлар уларни тасниф этилишида яхлит бир мезондан келиб ёндошишга монелик қила олмайди. Шундай экан кўшиқлар ижро ўрни, ҳолати, мусиқага муносабати ва бадииятидан келиб чиқиб: 1) ижро ўрни; 2) поэтик структураси, 3) мусиқийлиги ва рақсга муносабатига қараб тасниф этилиши лозим.

***Ижро ўрнига қараб тасниф этилганда кўшиқлар: маросим ва номаросим кўшиқларига ажралади.***

Ўз навбатида маросим кўшиқлари ҳам икки: ***мавсум маросим ва оилавий-маиший маросимлар кўшиқларига бўлинади.*** Мавсумий маросим кўшиқлари тематик ва функционал хусусиятларига кўра, йилнинг тўрт

<sup>11</sup>Қаранг: Қорақалпоқ фольклори очерклари. – Тошкент: Фан, 1977. – б.130 - 142; Айимбетов Қ. Қорақалпоқ фольклори.–Нукус, 1977. – б.24-40.

<sup>12</sup> Қаранг: Балашов Д.М. О радовой и видовой систематизации фольклора // Русский фольклор. Том 17. – Ленинград: Наука, 1977. –С.23-33; Пропп В. Жанровой состав русского фольклора // Фольклор и действительность. – Москва, 1976. –С.66-69.

мавсуми билан боғлиқ (наврўз, сушт хотин, чой момо, обла барака, ясун-юсун) билан боғлиқ кўшиқларни киритиш мумкин.

Маросим кўшиқлари инсон ҳаётининг энг муҳим даврлари, бурилиш нуқталари (туғилиш, балоғат, уйланиш, ўлим) ва уларнинг табиатга муносабати ўз аксини топган бўлиб, маиший, психологик ҳамда эстетик функция ҳам бажариб келади.

Айрим мавсумий маросим кўшиқлари даврлар ўтиши билан лирик кўшиқларга айланган ҳолатлар мавжуд. «Қошингни қора дейдилар», «Кичкинажон – кичкина», болаларнинг «Бойчечак», «Чўчвара қайнайди», «Офтоб чикди оламга» кўшиқлари ана шулар жумласидандир. Бу кўшиқлар дастлаб фақат мавсум маросимида ижро этилган. «Қошингни қора дейдилар», «Кичкинажон кичкина», «Бойчечак» бевосита Наврўз – яъни баҳорги маросим билан боғлиқ.

Оилавий-маиший маросим кўшиқлари сафига тўй, фарзанднинг тўғилиши, хатна тўйи ва никоҳ тўйи, матом-маросими билан боғлиқ йиғи-йўқлов, мотам ёр-ёрлари ва шомон айтимари билан боғлиқ кинна, бадикни киритиш мумкин.

**Мотам ёр-ёрлари** балоғат ёшига етган қиз турмушга чиқмай, бевақт оламдан ўтган пайтда айтилган. Тўй ёр-ёрларга қараганда, мотам ёр-ёрлари хазин, мўнгли оҳанги билан ажралиб туради. Матнда изчил банд тузилиши, кофияланишида ранг-баранглик, ҳар хиллик кўзга ташланади.

Ойим қизим сочлари қора толга ҳалинчак,	14
Ойим қизим кетади қора ерга келинчак.	14
Орзусига етмаган, армонли қиз, ёр-ёр,	13
Охиратга келинчак, дармонли қиз, ёр-ёр.	13
Ҳай-ҳай ўлан, ҳай ўлан, жоним қизим, ёр-ёр,	13
Ҳур қизларнинг ичида подшоҳ қизим, ёр-ёр.	13

Оилавий-маиший дейирилишга сабаб фақат тўй ёхуд аза эмас, балки ҳар бир оилада ҳаётида дуч келинадиган маросимлар ҳам назарда тутилмоқда. Масалан кинна, бадик, олқишлар махсус ташкил этилган маросимлардагина ижро этилган. Бироқ даврлар ўтиши билан кўпроқ маишийлик касб эта борган ва уни истаган пайтда кушноч, фолбин ёки табиб ижро этиш мумкин. Шунинг учун сўзнинг магик қудратига асосланган матнларни биз айтимлар деб таҳлил этиш тарафдоримиз.

Номаросим кўшиқлари эса асосан лирик кўшиқлардан ташкил топган бўлиб, маросим кўшиқларидан фарқланиб турадиган жиҳати уларнинг бирор-бир маросим билан махсус боғланмаганлиги, исталган пайтда, истаган жойда айтилишидир. Бу йўналишдаги кўшиқлар:

**1. Меҳнат кўшиқлари.**

**2. Тарихий кўшиқлар.**

**3. Термалар.**

**4. Болалар кўшиқлари: аллалар, ҳуялар, болаларнинг ўзи томонидан**



*қўйланадиган кўшиқлар.*

### **5. Лирик кўшиқларга бўлинади.**

Мутахасислар меҳнат кўшиқларини халқ лирикасининг энг қадимий жанрларидан бири сифатида билишади. Меҳнат кўшиқлари ҳам қачонлардан махсус маросимлар таркибида ижро этилган. Кейинчалик даврлар ўтиши билан маросим унутилиб, фақат кўшиқ матни қолган. Мисол учун кўш, ўрим, обло барака, хўп майда, ёргичоқ кўшиқларини олайлик. Қадимда кўш хайдаш ҳам, ўрим ҳам, обло барака ҳам махсус маросим саналган.

*Меҳнат кўшиқларининг ўзи кўлаб а) дехқончилик билан боғлиқ кўшиқлар (кўш, обло барака, ёргичоқ кўшиқлари), б) чорвачилик билан боғлиқ кўшиқлар (соғим кўшиқлари: хушейхушей, турей-турей, чурей-чурей), в) касб хунар (чарх, бўзчи, гилам тўқувчилар ва ҳоқоза) кўшиқларидан ташкил топгани* ҳолда, **тарихий кўшиқлар** тарихда бўлиб ўтган бирор бир воқеа ёхуд шахс ҳақида тўқилган сатрлардир. Тарихий кўшиқларнинг энг гўзал намунаси Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк китоби»да келтирилган. Бу китобдаги тўртта марсияни йиғи-йўқлов намунаси эмас, тарихий-қаҳрамонлик кўшиғи намунаси сифатида ўрганмоқ лозим. Ўзбеклардаги «Намоз», «Мардикорлар» каби кўшиқларни ҳам ушбу туркумга киритиш мумкин.

**Термани** мутахасислар ҳам лирик, ҳам эпик турга киритишади. Тўғри терманинг професонал ижодкор— бахши томонидан ижро этилиши, дoston кўйлаш анъанаси билан чамбарчас боғлиқлиги уни эпик тур дея тадқиқ этиш имконини беради. Бироқ унда эпик воқелик эмас, ижодкорнинг маълум бир ҳолатдаги кечинмалари ўз ифодасини топади. Яъни бахши терма кўйлаш орқали ўзини дoston айтишга, тингловчини эса дoston тинглашга тайёрлаган. «Кунларим», «Думбирам», «Нима айтай» ана шундай термалар сирасига киради. «Оқ олма қизил олма» тўпламида номаълум шоирдан ёзиб олинган «Биби шайланаётир» термаси шу пайтгача ёзиб олинган термаларнинг энг гўзал намунасидир.

**Болалар кўшиқлари** атамасини ҳам кенг маънода тушунмоқ керак. Биринчи ўринда катталар томонидан болаларга атаб айтиладиган кўшиқлар: Алла ва ҳуялар. Алла ҳамма учун тушуанрли. «Ҳуя» бу Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида оталарнинг болаларни эркалатиш учун айтган кўшиқларидир. Алладан фарқли томони уни фақат эркалар ижро этади. Ҳуя айтиш анъанаси бугунги кунгача яхши сақланиб келинаяпти. Иккинчиси эса болаларнинг ўзи томонидан кўйланалидиган кўшиқлар. «Бойчечак», «Читтигул», «Оқ теракми кўк терак», чорламалар шулар жумласидандир.

Ўзбек халқ кўшиқларининг асосий қисмини лирик кўшиқлар ташкил этади. Бу ўринда лирик деганда биз севги муҳаббат ҳақидаги ишқий-маиший кўшиқларни назарда тутамиз. *Лирик кўшиқлар ҳам 1) Айтишув йўналишидаги (Ўлан ва лапар) айтишув йўналишида бўлмаган, турли мавзудаги кўшиқларга ажратиб таснифлаш мумкин.*

**Ўлан** ҳам, **лапар** ҳам қадимда тўй куни, қиз узатиш маросимида айтилган. Қиз ва йигитлар тарафма, тараф бўлиб шоду-хуррамлигини,

бахтиёрлиги ёхуд афсус нодаматини, хуллас кечинмаларини қўшиқ орқали ифода этишган. Ҳар иккаласи ҳам айтишувга, яъни қиз ва йигитнинг сўз мусобоқасига асосланади. Фақат лапарларда воқебандлик кузатилса, ўланларда бу ҳолат кузатилмайди. Бугунги кунда ўлан ҳам, лапар ҳам исталган шароитда, исталган жойда ижро этилиши мумкин. Ўланлар асосан чорвачилик билан шуғулланган, кучманчи ҳаёт кечирган уруғлар орасида учраса, лапарлар эса кўпроқ ўтроқлашган ҳаёт тарзига мослиги кўзга ташланади.

**Поэтик структурасига кўра таснифдақўшиқлар** оҳангини, яъни йўлини нақоратлар ва такрорлар белгилаб беради. Қўшиқлар оҳанг йўлига қараб фарқланганда икки ҳолатни кузатамиз. Биринчи ҳолат тўртликлар эркин ҳолда бирикиб, ҳар бир тўртлик индивидуал бир кечинмани акс эттиради ва ўзига хос композицион қурилмага эга бўлади. Иккинчиси қўшиқ матнидаги тўртликлар ўзаро бирлашиб, маълум бир воқеани ёхуд кечинмани ифодалаб келади. Қўшиқлар оҳанг йўлига кўраб фарқланганда улар асосан иккита катта гуруҳга ажралади.

*б) Воқеабанд бўлмаган – тўртлик қўшиқлар.*

*а) Воқеабанд – тўртлик қўшиқлар.*

*Воқеабанд қўшиқларда юқорида таъкидгаланимиздек ҳар бир тўртликлар маълум бир воқеа билан ўзаро бирикиб келади. Бу ерда тўртликларнинг кетма-метлиги турғун ҳолатга келиб, воқеабандлик ҳосил бўлади.*

Воқеабандлик масаласига олимларнинг қарашлари турлича. Айрим олимлар воқеабандлик (сюжет) барча қўшиқларга хос деса<sup>13</sup> бошқа олимлар бутунлай тескарисини, яъни сюжетлилик қўшиқларга хос эмаслигини уқтиришади.<sup>14</sup> Ҳар икки қарашга ҳам қўшилиб бўлмайди. Биринчидан сюжет ҳамма қўшиқларда ҳам учрайвермайди. Биз таҳлилга тортган қўшиқларнинг асосий қисми воқеабанд эмас, яъни сюжетга эга бўлмаган қўшиқлардир. Бундан сюжет қўшиқларга хос эмас деган фикр келиб чиқмайди. Шундай қўшиқ намуналари борки, уларда воқеабандлик устунлик қилади. Бундай қўшиқлар маълум бир сюжет асосига қурилади ва матндаги сатрлар ушбу воқеани ифодалаб келади.

Мисол учун:

Оқти, оқти, оқти

Аминахон оқти.

Ҳасан-Ҳусанлар билан,

Сойларга ботди.

Уни кўриб онаси

Билагидан тортди.

«Тортманг, онажон, тортманг»,

<sup>13</sup> Акимова Т.М. О поэтической природе народной лирической песни.—Саратов, 1966. —С.9– 11.

<sup>14</sup> Тимофеев Л.И. Лирика // Краткое литературная энциклопедия. —М.:1967. Т.4. —С.210.

Деб сойга оқди.  
Аминанинг ковушини  
Сойлардан топди.  
Қилган саёҳатлари  
Қон бўлиб оқти.  
Ғишт кўприк тагида  
Уч кунча ётти.  
Чилвир-чилвир сочлари,  
Балчикқа ботди.  
Ялли, ялли, ялли,  
Яллининг боши.  
Аминахоннинг ёнига ботган,  
Сойларнинг тоши.

Бу кўшиқда Аминахон исмли қиз балоғат ёшига етиб, бир йигитнинг ёлғон ваъдасига ишониб, ҳомиладор бўлиб қолгани, онаси билиб қолгач, қиз номусига чидай олмасдан ўз жонига қасд қилгани, уч кундан кейин унинг жасадини кўприк тагидан топиб олингани ҳикоя қилинмоқда.

«Саврихоннинг рўмоли» кўшиғида ҳам айнан шундай воқеабандликни кўрамиз. Бундай воқеабандлик келин салом, ёр-ёрларда ва айрим меҳнат кўшиқларида ҳам учрайди.

**Воқеабанд бўлмаган** кўшиқларда ҳар битта тўртлик мустақил алоҳида бир кечинмани ифодалаб келади. Уларни фақат оҳанг ва нақоратлар боғлаб туради.

Девор устига девор,  
Девона бўлсин аканг.  
Бошида шойи рўмол,  
Парвона бўлсин аканг.  
Яқу-яқу яқуяқ. Яқу-яқу яқуяқ.

Тоғлар боши ўрама,  
Кийик шохи бўрама.  
Бой қизини бермаса,  
Бойни худо урама.  
Яқу-яқу яқуяқ. Яқу-яқу яқуяқ.

Уланларда ҳам воқеабандлик кузатилмайди.

Воқеабанд бўлмаган кўшиқларнинг ўзи композицион жиҳатдан яна 3 га бўлинади.

1. **Ҳолат кўшиқлар.** Ҳамма кўшиқларда кечинма, ҳолат акс этсада ҳолат кўшиқларида қаҳрамон ҳеч кимга мурожаат қилмайди, балки ўз ҳолатини англаштига ҳаракат қилади.

Ёр юрган кўчаларни,

Супурай сочим билан.  
Чанг чикса сув сепай,  
Киздаги ёшим билан.

2. **Мурожаат кўшиқлар.** Бундай кўшиқларда қаҳрамоннинг сўзлари кимгадир – севгилиси, яқинлари ёки бошқа бир кимсага мурожаат тарзда бўлади.

Отма мени тошлар билан,  
Учиб кетай қушлар билан.  
Қушлар қайтса, мен қайтмасам,  
Кўзинг тўлсин ёшлар билан.

3. **Айтишув кўшиқларининг** энг гўзал намунаси Ўлан ва лапарлардир. Уларда қиз ва йигит жўфт бўлиб ёхуд тарафма-тариф бўлиб, айтишувда ўзаро мусобоқалашадилар.

**Йигит:**

Каканг келди деганда, каканг келди, ёр-ёр.  
Хурозларнинг ичида, даканг келди, ёр-ёр.  
Қизиқ-қизиқ ўландан айт охун қиз, ёр-ёр,  
Тарап бўлиб айтмоққа аканг келди, ёр-ёр.

**Қиз:**

Булбулларнинг қўнгани гул бўлади, ёр-ёр,  
Оламдаги бор сўзни, тил билади, ёр-ёр.  
Тарап бўлиб айтмоққа кепсиз, ака, ёр-ёр,  
Охунлигинг бу ерда ким билади, ёр-ёр

Кўшиқларнинг асосий қисми бармоқ вазнидаги тўртликлардан иборат бўлиб аруз вазнидаги намуналар ҳам учрайди. Тўртликлар кўшиқнинг энг қадимий намунаси эканлигини мутахассислар эътироф этишади. Кўшиқларда бир хил туюқларга амал қилиниши кўшиқнинг оҳангдорлигини таъминлаб, унинг поэтик хусусиятини кўчатиришга хизмат қилади.

Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда, майда-ё, майда.  $7+5=12$   
Қалқон туёғим ҳайда, майда-ё, майда.  $7+5=12$   
Темир туёғим ҳайда, майда-ё, майда.  $7+5=12$   
Хирмонни қилгин майда, майда-ё, майда.  $7+5=12$   
(Янчик кўшиқлари)

Такрорлар халқ кўшиқлари бадиияти тизимидаги муҳим унсурлардан бири ҳисобланади. Сатр бошида, ўртасида ёки охирида келишадан қатъий назар такрорлар кўшиқдаги илгари сурилган мазмунни очиқ беришга хизмат қилиш баробарида оҳанг ва куйнинг яхлитлигини таъминлаб беради.

Кўшиқлардаги нақоратлар эса анъанавий нақоратлар ва ноанъанавий нақоратларга бўлинади. Анъанавий нақоратларда: **Сўз; мисра; тўртлик** такрорланиб келади. Булар анъанавий нақоратлар. Бу нақоратлар турли хил кўшиқларда учраши мумкин. Тўғрироғи бу ерда оҳангни ушлаб турувчи нақоратлар қолади, фақат матн ўзгараверади. Ҳар қандай матн ушбу

нақорат оҳангига мослашади. Такрорларда матн билан чамбарчас боғлиқлик кўзга ташланса, нақоратда мазмун билан боғлиқлик сезилмайди. Бу ўринда оҳанг муҳим аҳамият касб этади.

Булардан ташқари фақат айрим кўшиқларнинг ўзигагина хос бўлган маълум **товуш** (Ҳа, ҳу) ва **мисра** такрорланиб келиш ҳолатлари борки, уларни ноанъанавий ноқаратлар сифатида баҳолаш мумкин.

**Кўшиқнинг куйга муносабатига** келсак, ҳамма, ҳатто мотам кўшиқларида ҳам мусиқий оҳанг мавжуд, бироқ мотам маросим кўшиқлари бирор бир мусиқий асбоб жўрлигида куйланмайди. Мотам маросими ва айрим мавсум маросим кўшиқларини инобатга олмаганда ҳамма ҳолатларда кўшиқларга бирор мусиқа асбобида куй чалиниши мумкин. Шунга кўра кўшиқларни: **1.Соз билан ижро этиладиган кўшиқлар; 2.Ҳеч қандай созсиз ижро этиладиган кўшиқларга бўлиш мумкин.**

Ҳозирги жонли жараёнда ўзбек кўшиқлари доира, думбира, дутор, баломон, тор ва ҳакоза мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этилади. Қандай мусиқа асбоби танланиши кўшиқ мазмуни ва ижро этилаётган вазиятдан келиб чиқилади.

**Кўшиқ ва рақс** ҳақида сўз кетар экан, уларнинг ҳамма даврларда куй билан биргаликда уйғунликда қаралганлигининг гувоҳи бўламиз. Фуод Кўприли туркларнинг адабий қарашлари диний тасаввурлар ҳамда рақс ва мусиқа билан биргаликда тараққий этганини ёзади. Ёхуд «Чифатой луғати»да кўшиқ «рақс ҳавосига боғланган куй» тарзда келгани айтилади.

Кўшиқларнинг рақсга муносабатига келсак, ҳеч бир кўшиқ йўқки, унда ҳаракат бўлмасин. Йиғи-йўқлов, мотам кўшиқларида ҳам гарчанд ҳаракатлар рақс деб аталмасада, рақс элементларни ўзида тўла сақлаб қолган. Биргина мисол, мотам маросимида азадор ўзининг юзларини тимдалаб, садр тушиши бу мотам маросимидаги рақснинг энг қадимий кўринишларидан биридир.

Кўшиқ ва рақснинг энг мукамал уйғунлигини биз «Бешқарсақ» кўшиқлари ва ўйинида кўришимиз мумкин. Бу ўйинни ўрганган санъатшунос олим Муҳсин Қодиров уни ўзбек халқ санъатининг қадимий кўринишларидан биридир дейди. Бу ўйинда қарсақ ва кўшиқ қайтариқлари алоҳида аҳамиятга эга. Раққослар доира шаклини ясаб қарсақ оҳангига мос ҳаракатлар қилишади. Қарсақнинг турлари кўп: майда қарсақ, якка қарсақ, кўш қарсақ ва ҳакозо. Чолғу асбоби вазифасини кўпинча қарсақлар бажаради. Бироқ бу кўшиқ куйсиз ижро этилади дегани эмас. Қарсақ ҳам, куй ҳам, нақоратлар ҳам энг мукамал уйғунлик касб этади. Ўртада раққос турли ҳаракатлар билан рақс тушади, даврадагилар қарсақ чашиб, куйга мос кўшиқ ижро этишади. Қарсақ ўйинларида нақоратлар муҳим аҳамиятга эга.

Ҳой бола-бола, ёр-ёр,  
Омон бола ёр-ёр.

Ҳай-ху, ҳо-ҳо-ҳо.

Оқ отингни мақтайсан,

Бўз отимга етмайди.

Ўйинчингни мактайсан,  
Қарсоқчидан ўтмайди.

Ҳой бола-бола, ёр-ёр,

Омон бола ёр-ёр.

Ҳай-ху, ҳо-ҳо-ҳо.

Бу рақс ўйин сифатида санъатшунослар томонидан ўрганилган бўлсада, бу ўйиннинг вербал қисми, яъни сўз компоненти олимлар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Бу рақсда куйланиб келинаётган «Омонёр», «Гулбоғ», «Диғажон», «Ҳой бола-бола, ёр-ёр»лар халқ кўшиқларининг энг ёрқин намуналаридир.

«Қарсоқ» бўри дегани, яъни «Бўри ўйини» рақси ва кўшиқлари асосан чорвачилик билан шуғулланган жойларда тўй-томошоларда, гап-гаштакларда, наврўз байрамларда севиб ижро этилган.

Иширокчиларнинг қарсақ чалиб доира ҳосил қилиши, раққоснинг ўртада туриши уч нарсани ёдимизга солади. Биринчиси қадимда овчиларнинг овга чиқиб, ҳалқа ҳосил қилиб, ўлжасига хужум қилиши. Иккинчиси ўтов чанғароғининг айлана шаклда эканлиги, унга бириккан увуқлар бизга раққосни ўртага олиб, давра ҳосил қилган қарсоқчиларни эслатади. Учинчиси, «Кўпкари» (Бошқа бир номи «Кўкбўри») ўйинини. Яъни кўпкари ўйинида ҳам чавондозлар дастлаб давра ҳосил қилишиб, кейин «ўлжа»- улоққа ташланишади.

Бизнинг назаримизда ҳар учала ҳолат ҳам халқимизнинг мавсумий маросими, яъни наврўз билан боғлиқ. Чунки қиш кириши билан кўклам-баҳорнинг яхши келиши учун кўплаб маросимлар ўтказилган. Шулардан биринчиси ов, иккинчиси кўпкари ва ниҳоят баҳор келиши билан чорвадорлар кенг яйловларга чиқиб ўтов тикишган.

Фуод Кўпрули қадимда туркларнинг куй- кукларнинг сони 365 та, яъни йил кунларига тенг бўлиб, ҳар куни ҳоқон ҳузурида айри бир куй чалинганини урғулайди. Ўтовдаги увуқлар сони ҳам одатда 52 та, яъни йиллик ҳафтага тенглиги тасоддифий бўлмаса керак.

Наврўзга бағишланган кўпгина маросимлар, удумлар, айтим ва кўшиқлар замирида куёшга бўлган топинч ётганини кўришимиз мумкин. Қарсақ ўйинидаги ҳалқа бизга кунни-куёшни ҳам эслатади. Қолаверса, кўшиқ матни нақоратидаги «ху», аслида ху, ку, ку (гу) кун-куёш сўзи билан ўзакдош эмасмикан деган тахмин уйғотади. Нима бўлганда бу ўйин кўшиқлари махсус тадқиқ этилиши лозим.

Таснифни яна давом эттириш мумкин. Мисол учун эркак ва аёл кўшиқлари, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, Сурхондарё, Қашқадарё; Жиззах, Самарқанд, Бухоро; Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона ҳамда Хоразм кўшиқлари дейиш ҳам мумкин. Бироқ бундай таснифлар иккиламчи таснифга киради. Энг муҳими эса қайси туркум

қўшиқлари бўлмасин, маросим қўшиқларими ёхуд номаросим қўшиқлари юқорида биз тилган барча туркумлик учун бирдек бўлган умумий мезонлардан келиб чиққан ҳолда тасниф этилмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, халқ қўшиқларидаги маиший йўналганлик ва ижро ўрни масалалари унинг ўзига хослигини кўрсатиб турувчи омиллардан ҳисобланиб, уларнинг таснифида энг аввола ҳар бир жанрнинг юзага келиши, тараққий этиши ва бугунги жонли оғзаки ижро жараёнидаги ҳолати, поэтик хусусиятлари, бадий тасвирий воситалари, мифологик тафаккур табитати, образлар тизими яхлитликда олиб қаралиши зарур бўлади.

### **Савол ва топшириқлар:**

- 1.Халқ қўшиқлари шу муддатгача ўрганилган бошқа жанрлардан қайси хусусияти билан ажралиб туради?
- 2.Халқ қўшиқларининг таснифи қандай асосланади?
- 3.Меҳнат қўшиқлари ҳақида сўзланг.
- 4.Мавсум-маросим қўшиқларининг хос хусусиятларини айтинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. Монография. Т.: “Фан”, 2008
- 2.Жўраев М. Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технологиялар” -2018. 192 б.
- 3.Б.Сайфуллаев, С.Йўлдошева, Ж.Эшонқулов, А.Аширов, Ў.Тошматов. Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. Ўқув қўлланма. Т.: “Наврўз”-2017. 214 б.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### I. Қуйида кўрсатилган худудларга хос номоддий маданий мерос элементларини ва уларнинг қайси соҳага хослигини айтиб беринг

Қорақалпоғистон

Тошкент шаҳри

Наманган вилояти

Андижон вилояти

Фарғона вилояти

Жиззах вилояти

Самарқанд вилояти

Навоий вилояти

Бухоро вилояти

Хоразм вилояти

Қашқадарё вилояти

Сурхондарё вилояти

Сирдарё вилояти

Тошкент вилояти

### II. Қуйидагилар ичидан фақат ижрочилик санъатигагина тааллуқли элементларни кўрсатиб беринг:

- Аския
- Рақс
- Достон ижрочилиги
- Чолғу ижрочилиги
- Лапар
- Ялла
- Дорбозлик
- Қўғирчоқбозлик
- Алла
- Мақом ижрочилиги
- Мақом мусиқаси
- Лазги мусиқаси
- Тановар куйи
- Халфачилик
- Морбозлик



**III. Қуйида берилган номоддий маданий мерос соҳаларига хос элементларни аниқланг:**

- 1.Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари
- 2.Ижрочилик санъати
- 3.Урф-одат, маросим ва байрамлар
- 4.Табиат ва коинотга оид билим ва кўникмалар
- 5.Анъанавий ҳунармандчилик

**IV. Қуйидаги мусиқа намунасини эшитиб, унинг қайси ҳудудга хослиги ва қайси чолғуда ижро этилганини аниқланг:**

- ✓ Яллама ёрим
- ✓ Лазги
- ✓ Тановар
- ✓ Мавриги
- ✓ Сувора
- ✓ Лапар
- ✓ Ялла
- ✓ Чўпонча
- ✓ Бухорча
- ✓ Халфа қўшиғи
- ✓ Чипра далли
- ✓ Ўзганча
- ✓ Қашқарча
- ✓ Ёр-ёр

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **1. Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъерий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модуль бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Халқ оғзаки ижоди ва унинг ўзига хос хусусиятлари

2. Фольклоршунослик мактаблари ва методлари

3. Фольклорнинг тур ва жанрларга бўлиниши

4. Фольклорда мотив ва сюжет

5. Фольклор асарлари структураси

6. Эпос ва унинг илмий ўрганилиш муаммолари

7. Ўзбек халқ насрининг ўрганилиши

8. Ўзбек халқ қўшиқларининг ўрганилиши

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Мазмуни
<b>Аския</b>	Сўз ўйинига, қочирикқа асосланган сўз ўйини
<b>Алла</b>	гўдакни ухлатишда айтиладиган қўшиқ
<b>Афсун</b>	сўз жодуси
<b>Анимизм</b> (лот.-жон, руҳ)	дунёда жон ва руҳлар мавжудлигига ишониш
<b>Лирик тур</b>	маросим фольклорининг деярли барча кўринишлари, болалар фольклорининг кўпгина турлари, қўшиқнинг ҳамма хиллари, ашула ва шу кабилар
<b>Магия</b> (юнон.)	сеҳргарлик, одамнинг ўзини ғайри табиий кучлар таъсирида кўрсатаолиш қобилиятигаасосланган иш амаллари
<b>Махсус тур</b>	мақол, матал, топишмоқ, тез айтиш
<b>Мақол</b>	ибратли сўз. «Мақол», аслида арабча, «сўз» деган маънони билдиради
<b>Маросим</b> (ар.)	диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабатлари билан ўтказиладиган маърака, йиғин: тантаналар билан уюштириладиган расмий йиғин
<b>урф-одат</b>	Маълум бир муҳитда тартибга солинган ва риоя қилинадиган ҳаракатлар мажмуи
<b>Никоҳ</b> (ар.)	эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими.
<b>Эпик тур</b>	миф, афсона, ривоят, эртак, нақл, латифа, лоф, терма, достон ва бошқалар
<b>Лирика</b> (юнон. - лира журлигида куйлаш)	бадий адабиётнинг асосий турларидан бир бўлиб, бирор ҳаётий воқеа-ходиса таъсирида инсон қалбида туғилган руҳий кечинма, фикр ва туйғулар орқали воқеликни акс эттиради
<b>Халқ оғзаки ижоди</b>	меҳнаткаш омма ижоди, халқ санъатининг бош-қа, яъни мусиқа, театр, рақс, ўйин, тасвирий ва амалий санъат каби турларидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган оғзаки сўз санъатидир
<b>Топишмоқ</b>	яширин маъно кўпинча мажозий шаклда

	келтирилувчи фольклор жанри
<b>Фольклор</b>	«фолк» — халқ ва «лор» — билим, донолик, донишмандлик, яъни «халқ билими», «халқ донолиги», «халқ донишмандлиги» демакдир
<b>Фольклоршунослик</b>	Халқ оғзаки ижодини ўрганувчи фан
<b>Драматик тур</b>	оғзаки драма, кўғирчоқ ўйин, аския, халқ театрлари
<b>достончилик</b>	Достонларни ижро этиш
<b>халфачилик</b>	Хоразм ҳудудида тарқалган, аёллар томонидан ижро этиладиган кўшиқ ижрочилиги жанри
<b>сувора</b>	Қадимда отликлар томонидан ижро этилган, ҳозирда цикл сифатида шаклланган ашула жанри

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.– Т.: Ўзбекистон, 2018.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391- сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги

“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар:**

22. Жўраев М. Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технологиялар” -2018. 192 б.

23. Б.Сайфуллаев, С.Йўлдошева, Ж.Эшонқулов, А.Аширов, Ў.Тошматов. Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. Ўқув қўлланма. Т.: “Наврўз”-2017. 214 б.

24. М.Жўраев. Фольклоршунослик асослари. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан” – 2008.

25. Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Т.: “Алоқачи” - 2008. 560 б.

### **Интернет ресурслари:**

1. [Http://www.unesco.org](http://www.unesco.org)
2. [Http://www.ichcap.org](http://www.ichcap.org)
3. [Www/nmm.uz](http://www/nmm.uz)
4. [Www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
5. [Www.edu.uz](http://www.edu.uz)

